

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“МУСИҚА САНЪАТИ (ТУРЛАРИ БЎЙИЧА)”
ЙЎНАЛИШИ**

**“МУСИҚА САНЪАТИ ФАНЛАРИНИ
ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ”**

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент – 2017

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан
тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчилар:

ЎзДК “МФАХХД факультети” декани, п.ф.н.,
доцент в.б. Ахмедов Марифжон Мамирджанович

Такризчилар:

**Париж олий миллий муסיқа ва рақс
консерваторияси профессори, Dylan Corlay**

ТошДАУ “Педагогика, психология” кафедраси
доценти в.б., п.ф.н. Р.И.Орипова

Ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институтининг 2017 йил _____даги ____-сонли қарори билан
нашрга тавсия қилинган.

| | |
|--|--|
| I. ИШЧИ ДАСТУР | 4 |
| II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ..... | 15 |
| III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР | 20 |
| IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ | Ошибка! Закладка не определена. |
| V. КЕЙСЛАР БАНКИ..... | 131 |
| VI. МУСТАҚИ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ..... | 139 |
| VII. ГЛОССАРИЙ | 140 |
| VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ | 151 |

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур ривожланган мамлакатлардаги мавжуд халқаро тажрибалар асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги ПҚ 2114-сон “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2017 йилнинг 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Дастур доирасида берилган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

“Муסיқа санъати” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Муסיқа санъати” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- муסיқа санъати фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;
- муסיқа санъатида эришилган янги илмий натижалар, яратилган илмий адабиётларни;
- республика ва хорижда “Муסיқа санъати” йўналиши бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва уларнинг натижаларини;
- ижрочилик турларини ўзлаштиришнинг услубий асосларини;

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

- якка ва жамоавий ижронинг ривожланиш тенденцияларини;
- замонавий талабларда машғулотларни ташкил қилишнинг илмий ва амалий асосларини;
- муסיқа санъати фанларини ўқитишда сўнгги йилларда эришилган ютуқларни;
- муסיқа санъат соҳасидаги таълим мазмуни узвийлиги ва **интеграцияси**ни таъминлашда новаторлик ва анъанавийлик мезонларини;
- муסיқа санъатидаги замонавий йўналиш ва услублар ҳамда тенденцияларни **билиши** лозим.

Тингловчи:

- муסיқа санъати йўналиши бўйича янги электрон ўқув адабиётларни яратиш ва улардан фойдаланиш;
- муסיқа санъати йўналиши бўйича хорижий тилдаги манбалардан фойдалана олиш;
- анъанавий ўқитиш услубларини замонавийлаштириш;
- муסיқий таълимда илғор маҳаллий ва хорижий тажрибалардан фойдаланиш;
- муסיқа санъатидаги модернизация ва ўзгаришларни ўзлаштирган ҳолда унинг мазмун-моҳиятини талабаларга етказиш;
- муסיқа санъатидаги фанларни ўқитишда инновацион технологияларни қўллаш;
- муסיқа ижрочиларини тайёрлашда репертуар танлаш;
- гуруҳли ва якка машғулотларни режалаштириш;
- ижро техникасини ўстириш;
- санъат маҳсулининг бозор қийматини аниқлай олиш;
- якка тартибда, жамоалар билан ишлашда замонавий услубларни қўллаш;
- муסיқа санъатида таниқли маҳаллий ва хорижий ижодкорларнинг асарлари билан танишиш, таҳлил эта олиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- муסיқа санъати таълимида аудио ва видео ёзувларини яратиш ва қўллаш;
- муסיқий асарларни ўзлаштиришда анъанавий ва замонавий услубларни қўллаш;
- муסיқа санъати фанларини ўқитишда замонавий техник воситалардан фойдаланиш;
- муסיқа ижрочилигида замонавий услублар ва жаҳон тажрибасидан самарали фойдаланиш;

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

- якка тартибда, жамоалар билан ишлашда ижро малакаларини ўстириш;
- гуруҳли ва якка тартибдаги машғулотларни ташкил этиш малакаларига эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- муסיқа соҳасида машғулотларни юқори савияда ташкил этиш;
- машғулотларни илғор педагогик ҳамда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш ва бошқариш;
- гуруҳли ва якка тартибдаги машғулотлар учун тегишли фанлар бўйича модулларни ишлаб чиқиш ва модул тизими асосида машғулотларни ташкил этиш;
- муסיқа санъати соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш **компетенциясига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақллий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси” модули мазмуни ўқув режадаги “Муסיқа санъатида замонавий тенденциялар”, “Таълим тизимида номоддий маданий мерос” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар муסיқа соҳасида машғулотларни юқори савияда ташкил этиш; машғулотларни илғор педагогик ҳамда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш ва бошқариш; гуруҳли ва якка тартибдаги машғулотлар учун

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

тегишли фанлар бўйича модулларни ишлаб чиқиш ва модул тизими асосида машғулотларни ташкил этиш; муסיқа санъати соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш компетенцияларига эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

| № | Модул мавзулари | Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат | | | | |
|----|---|-----------------------------------|-------------------------|-----------------|---|-----------------|
| | | Ҳаммаси | Аудитория ўқув юкلامаси | | | Мустақил таълим |
| | | | Жами | жумладан | | |
| | | | Назарий | Амалий машғулот | | |
| 1. | Таълим жараёнининг тузилмаси. Машғулот турлари, шакллари. | 4 | 4 | 2 | 2 | |
| 2. | Муסיқа фанлари ўқитилишида замонавий ёндашувлар. Очиқ дарсларни ўтказиш ва дарсларни таҳлил қилиш методикаси. | 2 | 2 | 2 | | |
| 3. | Дарслик ва электрон дарслик ҳамда ўқув ва электрон ўқув қўлланмалардан фойдаланиш методикаси. Назарий дарс технологик харитасини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш. | 2 | 2 | | 2 | |
| 4. | Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари. Илғор хорижий тажрибалар асосида ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва модул асосида дарсларни ташкил этиш услубиёти. | 2 | 2 | | 2 | |

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

| | | | | | | |
|----------------|--|-----------|-----------|----------|----------|----------|
| 5. | Муסיқа фанларини ўқитишда “устоз-шоғирд” анъаналари. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси. Муסיқа санъати фанини ўқитишда инновацион педагогик технологияларидан фойдаланиш. | 4 | 2 | | 2 | 2 |
| Жами:28 | | 14 | 12 | 4 | 8 | 2 |

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Таълим жараёнининг тузилмаси.

Узлуксиз муסיқа таълими тузилмаси ва хусусиятлари. **Таълим сифатини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ислохотлар.** “Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси” фанининг мақсади ва вазифалари. Муסיқа санъати фанларининг ўзига хос жиҳатлари.

2-мавзу. Муסיқа фанлари ўқитилишида замонавий ёндашувлар. Очик дарсларни ўтказиш ва дарсларни таҳлил қилиш методикаси.

Муסיқа ўқитишда инновацион технологияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши. **Инновацион** таълим тамойиллари. Муסיқа таълимида замонавий стратегиялар. Муסיқа санъати фанларини ўқитишда таълим методлари ва воситалари. Очик дарсларни ўтказиш ва дарсларни таҳлил қилиш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1- Амалий машғулот.

Машғулот турлари, шакллари.

Ихтисослик ўқув предмети ўқитувчисининг ўқув машғулотларини замонавий дарс тузилмаси асосида ташкил этиб ўқитиш методикаси. Синф-дарс тизими. Индивидуал таълимнинг устунлиги, ўқув фаолияти мазмуни, методлари ва суръатини тўла индивидуаллаштириш методлари; **индивидуал таълимда ўқитувчининг компетенциялари.**

2- Амалий машғулот.

Дарслик ва электрон дарслик ҳамда ўқув ва электрон ўқув қўлланмалардан фойдаланиш методикаси.

Назарий дарс технологик харитасини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш. компьютер технологияларига асосланган ўқитиш методларидан фойдаланишга мўлжалланган ўқитиш воситаси сифатида. Дарслик ва электрон дарсликдан мустақил таълим олишда ва ўқув материалларини хар

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

томонлама самарали ўзлаштиришда фойдаланиш методлари. Электрон дарсликда фаннинг ўқув материаллари талабага интерактив усуллар билан, психологик ва педагогик жиҳатлар, замонавий ахборот технологиялари, аудио ва видео анимациялар имкониятларидан ўринли фойдаланиш.

3- Амалий машғулот.

Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.

Илғор хорижий тажрибалар асосида ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва модул асосида дарсларни ташкил этиш услубиёти. **Мустиқил таълимни ташкил этиш методлари.**

4- Амалий машғулот.

Муסיқа фанларини ўқитишда “устоз-шогирд” анъаналари. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси.

“Устоз-шогирд” таълимнинг ўқитиш шакли ва мазмуни. Устоз-шогирд тизимида педагогик фаолият олиб бориш методлари. Муסיқа санъати фанини ўқитишда инновацион педагогик технологияларидан фойдаланиш. таълим олувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолашнинг назарий асослари; талабаларнинг мутахассисликка оид ўзлаштирганлик даражасини жорий, оралик ва якуний назорат қилиш ва баҳолаш; талабаларнинг касбий тайёргарлигини аниқлаш, назорат қилиш ва баҳолаш; таълим олувчиларнинг ўқув дастурий материални ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш методлари ва баҳолаш мезонлари.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустиқамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

| № | Баҳолаш мезони | Максимал балл | Изоҳ |
|----------|---|----------------------|-------------|
| 1. | Янги хорижий адабиёт тақдироти; Мустиқил иш. | 2,5 | 1,5 балл |
| 2. | | | 1 балл |

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Мустақил таълимни ташкил этишининг шакли ва мазмуни.

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. –Т.: 2008. -176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: “Ўзбекистон”. 2011. -440 б.
5. И.А.Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.
6. И.А.Каримов. Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди. Т. “Ўзбекистон”, 2016. – 28 б.
7. И.А.Каримов. Ҳаёт синовларида тобланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак маррани эгаллашга қодир. Т. “Ўзбекистон”, 2016. – 28 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим - тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги 1997 йил 6 октябрдаги №1869-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 5-сонли Қарори.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 4-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги 343 - сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2010 йил 28 июлдаги 4232-сонли Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2011 йил 20 майдаги 1533-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2012 йил 24 июлдаги 4456-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 371-сон Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги “Магистратура тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 36-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 4732-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги 3-сон Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.

2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000. – 218 б.

3. Martina Freytag. “Chorleitung- effizient und lebensnah”. Gustav Boss Verlag. Кассел, Германия, 2011.

4. Carla Stalling Walter. Arts Management: an entrepreneurial approach. USA. Routledge. 2015. 459 p.

5. Elizabeth A.H.Green. “The modern conductor”. USA. Pearson Prentice Hall. 2004. 245 p.

6. Kurt Redel. Taktschlagen oder Dirigieren. Germany. 2005.

7. James L.McHard. “The Future of modern Music”. Sad Edition. Англия, 2005.

8. Габитова А. Минимализм в музыке Т., 2007.

9. Назайкинский Е. Жанр и стиль в музыке – М, 2003.

10. Узбекская музыка на стыке столетий (XX-XXI вв.), проблемы (коллективная монография). Ташкент, 2008.

11. Рахимов Ш. Муסיқа санъатига ўргатиш методикаси. - Т.: Ўқув қўлланма, 2009. – 224 б.

12. Finola Kerrigan, Peter Fraser, Mustafa Ozbiling. Arts marketing. – Paperback. Germany, 2004.

13. Маданият соҳасига оид меъёрий хужжатлар тўплами. Ўз.Р.Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, 2010 й.

14. List of Intangible Cultural Heritage in Need of Urgent Safeguarding. UNESCO, 2009.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

15. Janet Pillai. Learning with Intangible Cultural Heritage for a Sustainable Future. UNESCO, 2015.

16. Basic Text of the Convention for the Safeguarding of the Intangible Cultural Heritage, UNESCO, 2014, Paris.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Ақлий ҳужум (брейнстроминг-ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жавобвий юзага келтириш.

Ақлий ҳужум ва масалани ечиш босқичлари

1. Мустақил фикрланг хаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қоғозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар такрорланаётган бўлса, махсус белги қўйинг.
3. Ғояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гуруҳ ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган ғоялар гуруҳ муаммосини ечиш учун гуруҳлаштириш мумкин.
6. Гуруҳнинг умумий жавоби шакллантирилади.

Дарсда қўлланиладиган “Инсерт усули”

Инсерт - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан таълим олувчига вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизими

(v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.

(+) – янги маълумот.

(-) – мен билган нарсага зид.

(?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

| Тушунчалар | V | + | - | ? |
|---|---|---|---|---|
| Таълим методи ва таълим технологияси | | | | |
| Таълимда интерфаол методлардан фойдаланиш йўллари | | | | |
| Таълим ва тарбияни ташкил этиш шакллари | | | | |
| Педагогик технологияларнинг хусусиятлари | | | | |
| Педагогик технология турлари | | | | |
| Педагогик технологиянинг ривожланиш назарияси | | | | |
| Педагогик технологияларнинг самарадорлиги | | | | |

"Қарама-қарши муносабат" методи

Метод ўз моҳиятига кўра ўзлаштирилган билимларни таҳлил ва синтез қилиш асосида асосий ҳамда иккинчи даражали маълумотлар сифатида гуруҳларга ажратиш имконини беради. Методни қўллашда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- мавзунинг умумий мазмуни ёдга олиниб, унинг аҳамиятини ёритувчи таянч тушунчалар аниқланади;
- улар муайян кетма-кетликда қайд этилади;
- тушунчалар шахсий ёндашув асосида муҳим ва у қадар муҳим бўлмаган тушунчалар тарзида гуруҳланади;
- жадвал яратилиб, унинг 1-устунига муҳим бўлган, 2-устунига муҳим бўлмаган тушунчалар ёзилади;
- кичик гуруҳлар асосида шахсий ёндашувлар муҳокама қилинади;
- жамоанинг умумий фикрига кўра якуний хулосани ифода этувчи жадвал яратилади.

"Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим" методи

Ушбу метод талабаларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Методни қўллаш жараёнида талабалар билан гуруҳли ёки оммавий ишлаш мумкин. Гуруҳ шаклида ишлашда машғуллот якунида

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

ҳар бир гуруҳ томонидан бажарилган фаолият таҳлил этилади. Гуруҳларнинг фаолиятлари куйидаги кўринишда ташкил этилиши мумкин:

- 1) ҳар бир гуруҳ умумий схема асосида ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради ва машғулот якунида гуруҳларнинг муносабатлари лойиҳа бандлари бўйича умумлаштирилади;
- 2) гуруҳлар умумий схеманинг алоҳида бандлари бўйича ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради.

Ўқув фаолияти бевосита ёзув тахтаси ёки иш қоғозида ўз аксини топган куйидаги схема асосида ташкил этилади:

17-шакл

| Биламан | Билишни хоҳлайман | Билиб олдим |
|---------|-------------------|-------------|
| | | |

Методдан фойдаланиш уч босқич асосида амалга оширилади, яъни:

1. Талабаларнинг ўрганилиши режалаштирилаётган мавзу бўйича тушунчаларга эгалик даражалари аниқланади.

2. Талабаларнинг мавзу бўйича мавжуд билимларини бойитишга бўлган эҳтиёжлари ўрганилади.

3. Талабаларни мавзуга оид маълумотлар билан батафсил таништирилади.

Босқичлар бўйича амалга оширилган ҳаракатларнинг тўлиқ тафсилоти куйидагича:

- Талабалар гуруҳларга бириктирилади;
- Талабаларнинг янги мавзубўйича тушунчаларга эгалик даражаси ўрганилади;
- Талабалар томонидан қайд этилган тушунчалар лойиҳанинг 1-бандига ёзиб борилади;
- Талабаларнинг янги мавзу бўйича мавжуд билимларни бойитишга бўлган эҳтиёжлари сифатида баён этилган тушунчалар лойиҳанинг 2-бандига ёзиб қўйилади;
- ўқитувчи Талабаларни янги мавзуга оид умумий маълумотлар билан таништирилади;
- Талабалар ўзлаштирган янги тушунчалар аниқланади;
- баён этилган янги тушунчалар лойиҳанинг 3-бандига ёзиб қўйилади;
- машғулот якунида ягона лойиҳа яратилади.

Кейс -стади методи.

Кейс-стади (инглизча case - тўплам, аниқ вазият, stadi - таълим) кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган таълим услубидир.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Кейс – бу реал ҳаётнинг «бир бўлаги» (инглиз терминалогиясида TRUE LIFE).

Кейс – фақат вазиятни тўғри ёритиш эмас, балки вазиятни тушунтириш ва баҳолашга имкон берадиган ягона маълумот комплекси.

Кейсда акс этган вазият, бу реал ёки сунъий ҳодисани институционал тизимда маълум вақтда ҳаётда юзага келишини акс эттиради.

Кейсда баён қилинган вазият институционал тизимда (шу ўринда ва кейинчалик - корхонада) дискрет (айни шу) вақтда ташкилий ҳаётдаги типик муаммоларни қайта яратадиган реал ёки сунъий қурилган ҳодисаларнинг идеал тарздаги инъикосидан иборатдир.

Муаммоли вазият. Мазкур ҳолда вазият субъектининг ҳозирги вақтда ёки келгусидаги мақсадларга эришишига хавф соладиган вазият тушунилади.

Муаммоли вазият. Бунда субъектни ҳозирги шароитда ёки келгусида мақсадига эришишига хавф туғдирувчи вазият тушунилади

“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

| Иш Босқичлари | Фаолият шакли ва мазмуни |
|---|--|
| 1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш | <ul style="list-style-type: none">✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);✓ ахборотни умумлаштириш;✓ ахборот таҳлили;✓ муаммоларни аниқлаш |
| 2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш | <ul style="list-style-type: none">✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;✓ муаммоларни долзарблик иэрархиясини аниқлаш;✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш |
| 3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг эчимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш | <ul style="list-style-type: none">✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;✓ муқобил эчим йўллари ишлаб чиқиш;✓ ҳар бир эчимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;✓ муқобил эчимларни танлаш |
| 4-босқич: Кейс ечимини эчимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот. | <ul style="list-style-type: none">✓ якка ва гуруҳда ишлаш;✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;✓ якуний хулоса ва вазият эчимининг амалий аспектларини ёритиш |

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки катнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

| | |
|---|--|
| <p>Тест:</p> <p>1 Модернизация бу...</p> <p>А. Такмиллаштириш, янгилаш</p> <p>Б. Янгилик киритиш</p> <p>С. Моделлаштириш</p> <p>2. Таълим мазмуни...</p> <p>А. Таълим мақсади ва унинг натижаларини белгиловчи мезон</p> <p>Б. Билим, кўникма, малакалар ва ахлоқий-эстетик ғоялар тизими.</p> <p>С. Шахснинг меҳнат-касбий кўникмалар тизими</p> | <p>Блиц топшириқ:</p> <p><i>Инновацион жараён босқичларини тўғри кетма-кетликда жойлаштиринг:</i></p> <p>1. Янги ғоянинг пайдо бўлиши.</p> <p>2. Муайян соҳада хукмронлик қилиши.</p> <p>3. Янгиликни амалиётга татбиқ этилиши.</p> <p>4. Янги муқобилнинг пайдо бўлиши.</p> <p>5. Ихтиро қилиш, янгилик яратиш.</p> |
| <p>Тушунча таҳлили:</p> <p>Таълим сифати бу...</p> | <p>Амалий кўникма:</p> <p>Инновацион таълим шаклларига мисол келтиринг:</p> |

Ш. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. Таълим жараёнининг тузилмаси.

Режа:

- 1.1. Узлуксиз муסיқа таълими тузилмаси ва хусусиятлари.
- 1.2. “Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси” фанини ўқитишнинг мақсади ва вазифалари.
- 1.3. Муסיқа санъати фанларининг ўзига хос жиҳатлари.

Таянч иборалар: узлуксиз таълим, иаълим тузилмаси, таълим хусусиятлари, муסיқа санъати, педагогик технологиялар, услубиёт, услуб, восита.

1.1. Узлуксиз муסיқа таълими тузилмаси ва хусусиятлари

Президент Ислон Каримов “Таълим Ўзбекистон халқ маънавиятига яратувчилик фаолиятини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб - кори, махорати узлуксиз такомиллашади, катта авлоднинг доно тажрибасини англаб олинади ва ёш авлодга ўтади”- деб, таълим тушунчаси миллий нуқтаи назаридан таъриф берилган. Юртбошимиз томонидан таълимнинг янги моделига асосан солинди ва унинг келажак истиқболлари илмий асослаб берилди. Таълимнинг янги моделини амалиётга тадбиқ этиш ўқув жараёнини технологиялаштириш билан боғлиқдир. Жумладан, хозирги кунда барча соҳаларда янги технологияларни жорий этилишини ҳаётнинг ўзи, илмий-техникавий тараққиёт талаб этмокда. Шунинг учун, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да “Ўқув - тарбиявий жараёнини илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш” унинг 2 ва 3 - босқичларида бажариладиган жиддий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Табиий савол туғилади: Нима учун бугунги кунда педагогик технологиянинг назарий асосини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш зарурати туғилди?

Бу омил мамлакатимизнинг ижтимоий сиёсатини белилаб берганлиги туфайли таълимнинг янги модели яратилди.

Президентимиз Ислон Каримов томонидан моделнинг амалга ошириш билан жамиятимизнинг ҳаётида рўй бериш кутилаётган “**Портлаш эффекти**” ижобий натижалар рўйрост кўрсатиб берилди:

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

- ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради;
- инсоннинг ҳаётидан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади;
- жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади;
- жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади;
- фуқаролик жамиятини қуришни таъминлайди, модел воситасида дунёда муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада ёйиб тараннум этишга эришилади.

Президентимиз томонидан кўрсатиб берилган “портлаш эффекти” сари шижоат билан қадам ташлаш, бу йўлда учрайдиган қийинчиликларни босқичма-босқич ва изчил ҳал этиш масалалари нафақат педагогик назария ва амалиётларини жунбушга келтиради, балки, жамиятимизни тўлиқ педагоглаштириш муаммосини ижтимоий буюртма сифатида келтириб чиқаради. Демак, жамиятимизнинг ҳар бир фуқаросини тарбияшунослик асослари билан таништириш, ёш авлодни баркамол инсон қилиб вояга етказиш жараёни янги педагогик “қурол” ва воситалар билан таъминлаш давр тақазосидир.

Сўнги пайитларда педагогик олимлар, амалиётчилар илмий асосланган таълим технологияларини ўз фаолиятларида кенг қўллашга интилоқдалар. Таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш илмий муаммо сифатида махсус тадқиқ этишни кўзда тутаяди, бунда энг аввало қуйдагиларни аниқлаш лозим:

- таълим технологияси сифатида нимани аниқлаши ва унинг тузилмаси қандай таркибий қисмлардан ташкил топган;
- жараён сифатида таълим технологиясининг функционал тузилмаси нималардан иборат;
- таълим технологиялари “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” мақсадларига қандай даражада тўғри келиши ва уни қандай баҳолаш мумкинлиги.

Эркин Шахсни шакиллантириш муаммоси таълим муассасаларида ўқув- тарбиявий ишларни педагогик технология “рельс” ига ўтказиш тақазо этади. Бу жараён осон кечмайди. Чунки: бутун ихтиёрий қуриладиган ва жорий этиладиган ўқитиш тизимини қатъиян илмий асосланган педагогик тизимга айлантириш керак. Аслида ҳам ижтимоий тажриба элементлари- билим, ижодий фаолият, объектив борлиққа муносабатлар - педагогик жарён маҳсулидир ва маълум педагогик тизим доирасида шакиллантирилади. Педагогик технология эса амалиётга жорий этиладиган педагогик тизим

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

лойихасидир. Унда педагогик тизим нима? Унинг таркиби қандай? Бу саволларга мавжуд педагогик нашрлардан топиш мумкин.

Н.В.Кузмина педагогик тизим ўзида таълим ва тарбия мақсадида бўйсиндирилган ўзаро боғлиқ таркибли элементлардан ташкил топишини уқтирадилар: педагогик мақсад; ўқув ва илмий ахборот; педагогик алоқа воситалари; талабалар ва педагогик технологиялар. В.П.Беспальконинг таърифига кўра “Педагогик” тизим маълум шахс сифатларини шакиллантиришга тартибли, аниқ мақсадни кўзлаб ва олдиндан ўйлаб педагогик таъсир этишини вужудга келтириш учун зарур бўлган ўзаро боғлиқ воситалар, усуллар ва жараёнлар йиғиндисидир. Ҳар бир жамиятда шу жамият мафқурасига хос шахсни шаклантириш мақсади ва унга мос педагогик тизим мавжуд бўлади. Агар мақсад ўзгарса тизим ҳам ўзгаради.

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш миллий дастури жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини хис этадиган фуқароларни тарбиялашни бош мақсад қилиб кўйган. Демак, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” таълим ва тарбия соҳасидаги давлат буюртмаси ҳисобланиб миллий мафқуранинг таркибий қисмини ташкил этади. Фақат ижтимоий (давлат) буюртмасигина белгилаб беради ёки олий (умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар) таълим учун педагогик тизимнинг мавжудлик шартларини кафолатлайди.

Куйидаги барча таълим тизимлари учун умумий бўлган педагогик тизим лойихаси келтирилган. Профессор Н.Сайдахмедовнинг тадқиқот этишича ҳар қандай педагогик тизим ўзаро боғлиқ бўлган куйидаги инвариатив элементлардан ташкил топади: 1- талабалар ; 2-таълим мақсадлари, 3-таълим (тарбия) мазмуни, 4- дидактика жараёнлар, 5- ташкилий шакллар 6-педагогик ёки ўқитишнинг техник воситалари (УТВ) .

Юқоридаги шаклдан 2 та тушунчани изохлаш мумкин: дидактик масалалар ва уларни амалга оширишнинг педагогик тизим доирасида инсон фаолиятининг муҳим соҳаси сифатида аниқ мақсад ва унга эришиш учун шарт - шароитлар ҳамда бу фаолият учун ахборотлар бўлиши керак.

Дидактик масалаларни ҳал этиш мақсади шахснинг маълум сифатларини шаклантириш зарур бўлса, шарт шароитлар-талаба (талаба) ларнинг бошланғич сифат кўрсаткичлари, ахборот эса ўқув предметининг мазмуни ёки тарбиявий таъсиридир.



Ўзлуксиз муסיқий таълим мазмунида ушбу жараённинг интеграцияси ва ўзаро боғлиқлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Мактабгача таълим мазмунида муסיқага оид амалий кўникмалар шакллантирилган ҳолда, муסיқанинг ифода воситаларини тушуна билиш ва хис қилиш масалаларини ҳал қилиш зарурати ётади. Бу жараёнда дастлабки муסיқий тафаккур, идрок қилиш каби психологик жараёнлар амалга оширилиши лозим.

Жумладан, муסיқий товуш, унинг баландлиги ва ҳаракатланиши, муסיқанинг ифода воситалари, уларни хис эта олиш кўникмалари шакллантирилиши лозим.

Умумий ўрта таълим мазмунида эса, “Муסיқа маданияти” машғулотлари давомида бошланғич муסיқа саводи, муסיқий асарлар ижодкорлари фаолияти, муסיқа ижрочилиги, ашула, хор, ансамбл, оркестр бастакорлар ва композиторлар ижодини, ўзбек халқ чолғу асбобларини билиш, машҳур ўзбек халқ созанда ва хонандалар ижодий фаолияти, муסיқий атама ва иборалари, муסיқа жанрлари, муסיқада замонавийлик ва замонавий муסיқа, миллий эстрада муסיқаси ва унинг ижрочилари каби мавзулар асосида миллий муסיқа маданиятимизни ўзлаштиришни назарда тутади.

Олий муסיқа таълими мазмунида эса, ихтисослик ўқув предметларининг вазифаси танланган касб ва ихтисосликлар бўйича зарур ва етарли даражадаги билим, хатти-ҳаракат усуллари (кўникма ва малакалар) ва шахсий фазилатларни шакллантириш масалалари назарда тутилади. Машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш, талабаларнинг мустақил ишларини ҳамда ўқув предмети бўйича тўғарак ишларини ташкил этиш ва меъёрлаш, таҳсил олувчиларнинг фаол ўқув-билиш фаолиятларини таъминлаш

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

йўллари аниқлаш, таълим-тарбия методларини танлаб амалга жорий этиш, ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаб, баҳолаш каби масалаларда методика ўқув предмети мансуб бўлган фанга нисбатан кўпроқ дидактика ва педагогик психологияга таянади. Лекин, таълимнинг қуйидаги муҳим бир масаласи мавжуд-ки, бир томондан, энг аввало, методика ўзи тегишли фанга, иккинчи томондан педагогик психологияга таянади. Бунда сўз ўқув предметининг асосини ташкил этувчи тушунча (ибора)лар ва назарий концепцияларни шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида бормоқда: чолғу ижрочилиги, хонандалик, сольфеджио, гармония, муסיқий асарлар таҳлили ... кабилар.

Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори Олий таълим муассасаларини модернизациялаш, уларнинг замонавий ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, таълим жараёнларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ҳамда ўқитиш шакллари жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодий соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадларини қамраб олган.

Ҳар бир жамиятнинг ривожланишида таълим тизимининг ривожланиши энг муҳим рол ўйнайди. Шундай экан, ривожланган жамият куриш йўлидаги устозларнинг саъй ҳаракатлари ҳам таълим тизимининг сифат босқичини юқори савияда босиб ўтиб, таълим самарадорлигини оширишга қаратилган. Таълим жараёни жадал ривожланиб бораётган бугунги кунда асосий мазмун берувчи яна бир тизим “Устоз-шогирд” тизимидир. Бугунги кунда мустақил фикрловчи, ишонч-эътиқодли шогирдларни тарбиялашда ва замон талабига мос кадрлар етказиб беришда бу тизим алоҳида ўринга эгадир.

“Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай вазифани ечиш зарурияти туғилмасин, гап охир-оқибат барибир кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимиз келажаги, ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрларни тайёрлашга боғлиқдир” — деган эди Президентимиз И.А.Каримов.

Дарҳақиқат, ҳар бир машғулот мазмунининг кенглиги ва чуқурлиги унинг давлат талабларига мувофиқлиги, шогирдларнинг таълим технологиялари ва методиканинг тўғри усулини танлаши ва ундан унумли фойдаланишни талаб этади. Фикримиздан келиб чиққан ҳолда, устоз —

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

шогирд тизими самарадорлигининг ортиб боришини жадаллаштиримиз зарур. Бу самарадорликни эса, устоз-шогирд тизимида тновацион таълим технологиялари орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, шогирд устозидан ўзади, деган халқ ибораси ҳам бежиз эмас, албатта.

1.2. “Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси” фанини ўқитишнинг мақсади ва вазифалари

Методика – педагогика фанининг бир соҳаси бўлиб, турли предметларни ўқитиш услубиятидир. Қисқача қилиб айтганда методика - бу услуб, кенг маънода – таълимот.

Муסיқа ўқитиш методикаси – муסיқа санъати воситасида бола шахсини мақсадга йўналтирган ҳолда муסיқа маданиятини шакллантириш йўлларини ўрганеди. Муסיқа ўқитиш методикаси дидактик ва хусусий тамойиллар, усул, восита ва методлар ёрдамида муסיқий таълим-тарбия жараёнини олиб бориш ҳамда унинг умумий ва хусусий вазифаларини ҳал этиш йўлларини белгилайди. Умумий вазифаларга – мусиқанинг тарбиявий таъсир кучини кўрсатиш, таълим олувчиларда мусиқага бўлган муҳаббатни, эҳтиёжни ўстириш, муסיқа тинглаш жараёнини ташкил этиш, муסיқа маданиятини шакллантириш ва ҳ.к. масалалар киради.

“Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси” педагогика-психология фанларнинг соҳалари билан узвий боғлиқдир. Бу эса замонавий ҳаётимизда жамият олдида турган вазифалар, таълим муассасалари ва ўқитувчилар олдида кўйиладиган талаблар, таълим олувчиларнинг ёш хусусиятлари, мусиқий таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш, уларнинг ривожланиш истиқболини белгилаш имкониятини беради.

Методика ўз олдида турган муаммоларни ҳал этишда ҳам психологияга таянади. Масалан, муסיқа идроки, ижодий ва мусиқий қобилиятларини ривожлантириш учун инсон руҳияти, онги, тафаккури, хотираси, тасавури қонуниятлари, унинг кўринишлари, ривожланиш босқичлари ҳақидаги билимларга, мусиқий қобилият, инсон фаолияти нима эканлиги хусусидаги тушунчаларга эга бўлиши шарт.

“Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси” умумий таълимнинг мураккаб ва кўпқиррали мақсадларини ҳамда муסיқа таълим-тарбияси вазифаларини самарали ҳал этиш учун педагогика ва психология фанлари билан бир қаторда мусиқашунослик илми ва муסיқа ижрочилиги соҳаларига ҳам таянади.

Мусиқашунослик илмининг мусиқий тарихий-назарий фанлар мазмуни таълим олувчиларга мусиқий санъат хусусиятларини етказиш йўлларини

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

топишга, уларга ҳаётнинг муסיқий образларда акс этиши, муסיқий ифода воситаларининг аҳамиятини тушунтиришда, муסיқий асарларни бадий таҳлили методлари ва технологияларини аниқлаш, касбий такомиллаштишида ёрдам беради. Муסיқа тарихи, асосий йўналишлар, услуб ва жанрларнинг ривожланиши, йирик композиторларнинг ўзига хос ижод йўли ҳақидаги билимлар таълим олувчиларининг муסיқий дидини тарбиялаш, касбий компетенцияларини шакллантириш ва уларнинг дунёқарашини кенгайтиришга асос бўлади.

“Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси” фанининг асосий тушунчалари “тарбия-таълим» – «ривожлантириш» ва уларнинг ўзаро боғлиқлигидир.

Тарбия - педагогикада тарбия деганда болалар, ўсмирлар, ёшларнинг жисмоний, маънавий кучларини ривожлантириш, уларнинг дунёқарашини шакллантириш тушунилади.

Муסיқа ҳаётни акс эттириши, ҳаёт билан боғлиқлиги, унинг муסיқа ижодкори, ижрочиси ва тингловчисининг ҳаётий қарашларига боғлиқлиги муסיқани тарбия воситасига айлантиради. Муסיқий тарбия жараёнида талабада ахлоқий, ақлий, эстетик жисмоний сифатлар таркиб топади.

Таълим - билимлар мажмуасини ўзлаштириш жараёнидир. Хусусан, муסיқий таълим ўқувчиларни турли муסיқий фаолиятларга ўргатиш, муסיқий тасаввур, билим, малака ва кўникмалар бериш ва бу билимларнинг талабалар томонидан ўзлаштириши жараёнидир.

Ривожлантириш – энг оддий, содда муסיқийлик кўринишларидан мураккабларига қараб такомиллашиш. Бошқача айтганда, муסיқий қобилиятларнинг ўсиши ва шаклланиши жараёни ривожланишни ҳосил қилади.

Талабаларга муסיқий таълим бериш, уларни тарбиялаш ва ривожлантириш ишлари яхлитликда олиб борилиши муסיқа педагогикасининг энг муҳим қонуниятларидир.

Муסיқа ўқитиш тамойили (принциплари) - бу муסיқий таълим-тарбия жараёнига қўйиладиган талаблар йиғиндисидир.

Муסיқа ўқитиш методикаси педагогика фани сифатида унинг умумий қонуниятларига бўйсунди ва умумдидактик тамойилларга асосланади:

- тарбияловчи таълим;
- илмийлик, тизимлилик ва изчиллик;
- муסיқий материалнинг қулайлиги ва таълим олувчилар ёшига мослиги;
- кўргазмалилик;
- тасаввур, билим, малака ва кўникмаларнинг мустаҳкамлилиги;

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

- таълим олувчи муסיқий фаолиятининг фаоллиги, мустиқиллиги;
- муסיқий тарбиянинг ҳаёт билан боғлиқлиги.

Мазкур тамойиллар ўқитувчи ҳамда талабалар томонидан бажариладиган барча *таълим компонентлари* - дарс мазмуни, методлари, дарс тузилишидаги асосий талаблар ва йўналишларни белгилаб беради.

Шу билан бир қаторда муסיқа ўқитиш методикаси ўзининг хусусий тамойилларини ҳам илгари суради. Булардан: *эмоционаллик ва онглиликнинг бирлиги* ҳамда *бадийлик ва техниканинг бирлиги* тамойилларини кўриб чиқамиз.

Эмоционаллик ва онглиликнинг бирлиги тамойили. Бу тамойилнинг зарурлиги муסיқа санъати ва уни идрок этишнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқади. Муסיқани идрок этишни ривожлантириш ундан олинган ҳиссий таассуротлар, унинг ифода воситаларини англашни талаб этади. Муסיқий асарни тинглашдан олинган ҳиссий таъсирни онг билан қабул қилиш унинг мазмунини тушунишга, талабаларда муסיқий тажриба тўплашга ёрдам беради. Талабаларнинг фикри, кечинмалари, ҳиссиётларини бойитади, муסיқанинг таъсирини кучайтиради. Мазкур тамойилни муסיқа ўқитишда қўллаш талабаларда идрок этилган асарга баҳо бериш қобилиятини ўстиради ва шу асосда уларнинг қизиқиши, муסיқий диди, эҳтиёжлари тарбияланади.

Бадийлик ва техниканинг бирлиги тамойили. Муסיқий асарни бадий ва ифодали ижро этиш учун маълум бир малака ва кўникмалар талаб этилади. Масалан, кўшиқни ўрганиш жараёнида таълим олувчиларда вокал-хор малакалари шакллантирилади. Чолғу асбобларида ижро этиш учун ҳам биргаликда чалишнинг энг оддий усул ва йўлларини эгаллашлари лозим. Бунда ижрочилик малакалари бадий вазифаларга, яъни муסיқий асар образи, кайфиятининг ёрқин, ифодали ёритилишига қаратилган бўлиши талаб этилади. Бунда муסיқий асарнинг бадий ижросига эришиш *мақсад* бўлиб, малака ва кўникмаларни эгаллаш шу мақсадга етишишда *воситадир*.

Бу тамойиллар талабаларда муסיқий қобилиятларни, муסיқага қизиқишни, дид ва муסיқа маданиятини ривожлантиришга қаратилган.

Муסיқий қобилиятлар, уларнинг турлари, махсус (ижрочилик, бастакорлик) ва умумий муסיқий қобилиятлар, уларнинг ривожланиш шарт-шароитлари масалалари кўплаб психолог (Б.Теплов, В.Мясишев, Б.Яворский, В.Петрушин ва ҳ.з.), педагоглар (Л.Баренбойм, В.Белобородова, Ю.Алиев, Н.Ветлугина), муסיқашунослар (Б.Асафьев, А.Алексеев ва б.) томонидан кенг ўрганиб чиқилган. Ҳозирда ҳам бу муаммолар ўз долзарблигини сақлаб келмоқда.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

“Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси”нинг **мақсади** ёш авлодни миллий муסיқа меросига ворислик қила оладиган ҳамда умумбашарий муסיқа бойлигини идрок эта оладиган маданиятли инсон даражасида камол топтириш, муסיқа маданиятини шакллантириш, юқори малакалари кадрлар сифатида тайёрлашдир.

Талабаларда муסיқа маданиятини шакллантириш мақсадида бир қатор **вазифалар** белгиланади:

- муסיқий таълим-тарбияни ҳаёт билан боғлаб олиб бориш;
- талабаларнинг муסיқа санъатига меҳр, қизиқишларини ўстириш;
- муסיқий-бадий дидни ва муסיқа фаолиятларига эҳтиёжини ривожлантириш;
- муסיқа ҳақида билим, малакалар доирасини таркиб топтириш;
- иқтидорли талабаларнинг муסיқий ривожланишлари учун шароит яратиб бериш ва уларнинг бадий эҳтиёжини қондириш;
- муסיқий фаолиятлар жараёнида бадий-ижодкорлик ҳис-туйғуларини ривожлантириш;
- муסיқий асарларнинг бадий-ғоявий мазмуни воситасида талабаларда ахлоқий-эстетик қарашларни тарбиялаш.

Фан асосларини ўқитиш методикаси каби ихтисослик ўқув предметлари методикаси у тегишли фан билан педагогика орасида вужудга келади. Шу билан бирга умумилмий ўқув предметлари методикаси билан ихтисослик ўқув предметлари методикалари бир-биридан фарқ қилишини ҳам таъкидлаш зарур. Фан асослари амалда умумилмий ёки умумтаълим ўқув предметлари деб юритилиб, уларнинг мазмуни бевосита улар тегишли бўлган фандан ажратиб олинади ҳамда дидактик ишлов берилиб, ундан сўнг ўрганилади.

1.3. Муסיқа санъати фанларининг ўзига хос жиҳатлари

Олий таълимда муסיқа санъати дарсларини олиб бориш амалиёти жараёнида бир неча хусусий, яъни муסיқа санъатини ўқитишга хос бўлган методлар юзага келди. Шулардан бир қанчасини кўриб чиқамиз.

КОНТРАСТ (ТАФОВУТ) – ТАҚҚОСЛАШ МЕТОДИ. Академик Б.Асафьев томонидан таклиф этилган ва муסיқани идрок этиш малакаларини ривожлантиришга қаратилган. Бадий-педагогик таҳлил жараёнида ўқитувчи кўйган вазифаларга жавоб бериш учун талабалар муסיқий образнинг ўзгариши ва ривожланишини кузатишлари, ўзларининг таассуротларини англашлари ва хулосалар қила олишларини тақозо этади.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Муסיқий тажрибаси кам бўлган талабалар учун тафовутли (контраст) асарларни таққослаш орқали ижрочилик услубларини ўзлаштирган ҳолда, асарлар тўғрисида мантиқий тафаккурга эга бўлади.

«МУСИҚИЙ ТАСАВВУРНИ БУЗИШ» МЕТОДИ. Муסיқага эмоционал таъсирчанликни, муסיқа «нутқи» элементларининг ифодавийлиги ҳақидаги тасаввурни шакллантириши методидан бошқача йўл билан ҳам фойдаланиш мумкин. Ўқитувчи талабаларга яхши таниш бўлган асарнинг маълум бир ифода воситаси ёки ижро штрихларини ўзгартирган ҳолда ижро этади ва талабаларга муסיқанинг характери ўзгарган ёки ўзгармаганлигини аниқлашни таклиф этади. Вазифани ҳал этилиши жараёнида талабалар муסיқа ифода воситалари ва штрихларнинг аҳамиятини тўлароқ тушунадилар, асарларни янада диққат билан тинглашга ҳаракат қиладилар.

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ. Муסיқий тажриба орттириш натижасида талабалар катта, йирик жанрлардаги асарларни *қиёсий таҳлил* қилиш имкониятига эга бўладилар. Хусусан, турк, озарбайжон, тожик ва афғон халқлари муסיқаси намуналари билан танишадилар ва қиёсий таҳлил жараёнида уларда ўзбек муסיқасига кўп жиҳатдан «мақом» жанри орқали, муסיқа ладлари, усуллар, нола ва безакларда, чолғуларда умумийлик мавжуд эканлигини билиб оладилар.

Таққослаш, қиёслаш методлари вокал-хор ишларида, муסיқа саводхонлигини ўзлаштиришда ҳам яхши самара беради.

ЭМОЦИОНАЛ ТАЪСИР ЭТИШ МЕТОДИ – ўқитувчининг муסיқий асарга образли сўз, мимика, жестлар орқали ўз муносабатини кўрсата олишида намоён бўлади. Асар кайфияти, характерига мос равишда унинг овози ҳиссий «турланади». Бундай ифодавий усулларни ўқитувчи муסיқанинг эмоционал таъсирини кучайтириш ва талабалар таассуротини бойитиш учун қўллайди.

МУАММОЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИ. Талабаларда мустақилликка, ўзлигини англашга бўлган интилиш уларнинг муסיқий қизиқишлари, эҳтиёжларига ҳам таъсир этади. Турли қарашларнинг юзага келиши *муаммоли ҳолатларни* келтириб чиқаради ва улар «баҳс-мунозара» ларда ўз ечимини топади. Бу жараёнда бирон-бир талаба четда қолмайди. Мунозара жараёни талабаларнинг муסיқий тажрибасини фаоллаштиради, ўз фикрини ҳимоялашга ундайди. Моҳирона ташкил этилган баҳсларда ўқитувчи талабаларга турли фикр-мулоҳазаларни, улардаги зиддиятларни холисона кўрсата олишга ёрдам беради. Ҳар қайси тараф маълум бир хулосалар чиқаради, муסיқий намуналарни келтиради, яъни фаол мунозара талабаларда дунёқарашлар, ишончларни шакллантиради.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Юқорида келтирилгандан ташқари муסיқий таълим-тарбияда яна бир қатор хусусий ва инновацион методлар қўлланилади. Ўқитиш жараёнида ўқитувчи томонидан қўлланиладиган тарқатма материаллар, карточкалар, саволномалар, йўриқномалар, амалий ишни ташкил этиш буйича технологик хариталар киради.

Дидактик топшириқлар ва материалларни ишлаб чиқишда куйидагиларга эътибор бериш керак:

1. Муаммоларни ҳал қилишга йўналтириш;
2. Тадқиқотлар олиб боришга йўналтириш;
3. Турли вазиятлар ва ҳолатлар таҳлилига қаратиш;
4. Тажрибалар ва машқлар ўтказишга мулжаллаш;
5. Янгиликларни излаш ва топишга йўналтириш.

Мустақил ўрганишни таъминловчи ва амалиётларни ўтказишга йўналтирилган ўқув материалларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Буларга йўналтирувчи матнлар, лойиҳалар ва модулларни мисол қилиш мумкин. Бу ўқув материаллари талабаларни мустақил билим олиш ва меҳнат фаолиятига йўналтиради. Ўқув материаллари талабаларнинг фанга тегишли фаолият усули бўйича назарий маълумотлар билан бир қаторда етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлари учун турли хилдаги, ҳажмдаги ва мураккабликдаги савол ва топшириқлар тизимини қамраб олиши керак.

Ижодий топшириқлар таркибига ижодий машқ, ижодий мустақил иш, турли дидактик ўйинлар киради. Агар ижодий машқ воситасида ўрганилган билимлар янги ўқув ҳолатларига татбиқ қилинса, ижодий мустақил иш дилиллардан янги хулосалар чиқариш ҳамда янги фаолият усулларини фаолиятда қўллаш билан ажралиб туради.

Муоммали вазиятлар ва ижодий ўқув топшириқларини ишлаб чиқишда куйидаги қоидаларга риоя этилиши тавсия этилади:

- топшириқлар ҳақиқий вазиятлар билан боғлиқ муаммоларга қаратилиши керак;

- ўқув топшириғидаги муаммони ҳал этишда талабалар ақлий фаолиятини турли усуллар ёрдамида ривожлантиришни кўзда тутати;

- топшириқлар мазмунида акс этирилган ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги муҳим боғлиқлик кўрсатилиши керак;

- топшириқлар ечимини аниқлаш ва талабалар онгида ҳодисалар ёки жараёнлар ўртасида боғлиқликни мустаҳкамлаш имкониятларини назарда тутилиши лозим;

- топшириқларни бажариш жараёнида талаба оддий тушунчалардан, у ҳали ўзлаштирилмаган янада мураккаброқ тушунчани келтириб чиқариш имконини бериши лозим;

- топшириқни бажариш жараёнида оддий тушунчалар талабага маълум бўлмаган тушунчалар билан ўзаро таҳлил қилинади;

- топшириқни бажаришда талаба тушунчаларнинг шакли ва мазмунини ўзгартирмасдан ва ўзгартириб, уларни қайта ишлаб чиқади.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Мустиқил ишлар талабанинг умумий ривожланишига ва касбий маҳоратини ўстиришга хизмат қилиши керак. Шунингдек талабаларнинг мустиқил ва ижодий ишларини ташкил қилиш тарбиявий, таълимий аҳамиятга ҳам эга бўлиши керак. Тарбиявийаҳамияти шундаки, талаба ўз билимини ошириш ва мустиқиллаш учун ўзини-ўзини тарбиялаб боради. Таълимий аҳамияти эса талаба бўш вақтдан самарали фойдаланган ҳолда мустиқил билим олиш жараёнининг шаклланишига олиб келади.

Мустиқил ишларнинг турлари, шакллари танлашда “оддийдан-мураккабга” ҳамда “умумийдан-хусусийга”, “мавҳумдан-аниқликка” тамойилларига амал қилиш лозим. Мустиқил ва ижодий иш топшириқларини ишлаб чиқишда ҳар бир талаба шахсий имкониятлари, тушунувчанлик, ўқув материални ўзлаштириш даражаси инобатга олиниши, шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Муסיқий таълим-тарбия методларининг турлича эканлиги муסיқа санъатининг ўзига хослиги ҳамда талабалар муסיқий фаолиятининг хусусиятлари билан аниқланади. Бу методларнинг ҳар бири алоҳида қўлланмасдан, балки бир-бири билан боғлиқ ҳолда, бир-бирини тўлдирган ҳолда узвий амалга оширилади.

Шундай қилиб, муסיқа дарсининг мақсадига кўра белгиланган вазифаларни амалга оширишда энг муқобил методларни танлаши, бир асар устида ҳар гал янгиша шаклда ишлаши, дарсда нафақат фаол талабаларни, балки пассив талабаларни ҳам ишга жалб эта олиши, ўқитувчи ва талабалар ҳамкорлиги ҳолатини юзага келтириш - муסיқа ўқитувчисининг ижодкорлигини, маҳоратини намоён этади.

Назорат саволлари

1. Узлуксиз муסיқий таълим жараёнининг интеграцияси мазмуни нималардан иборат?
2. “Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси” фанини ўқитишнинг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
3. Методика ўз олдида турган қандай муаммолар мавжуд?
4. Муסיқа ўқитиш тамойиллари қандай?
5. Бадиийлик ва техниканинг бирлиги тамойилини тавсифлаб беринг?
6. Муסיқий қобилиятлар ва уларнинг турлари?
7. Контраст (тафовут) – таққослаш методи нимани билдиради?
8. Муаммоли ўқитиш методини муסיқа санъатига татбиқ этиш масалалари?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Раҳимов Ш. Муסיқа санъатига ўргатиш методикаси. - Т.: Ўқув қўлланма, 2009. – 224 б.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

2. Маданият соҳасига оид меъёрий хужжатлар тўплами.
Ўз.Р.Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, 2010 й.

2-мавзу. Муסיқа фанлари ўқитилишида замонавий ёндашувлар. Очик дарсларни ўтказиш ва дарсларни таҳлил қилиш методикаси.

Режа:

2.1. Муסיқа ўқитишда инновацион технологияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши.

2.2. Таълим тамойиллари. Муסיқа таълимида замонавий стратегиялар.

2.3. Муסיқа санъати фанларини ўқитишда таълим методлари ва воситалари.

***Таянч иборалар:** инновация, технология, тамойио, стратегия, таълим методлари, воситалар*

2.1. Муסיқа ўқитишда инновацион технологияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши.

1999 йил 19 июнда Европанинг 29 давлатининг таълим тизими вазирлари томонидан Болония декларацияси имзоланди ва 2010 йилга қадар Европанинг барча давлатлари ана шу тизимга кириши назарда тутилган.

Европа талабалари кенгаши (11 миллион талаба 37 давлатдан) 2001 йил Баллония жараёнини қўллашга қаратилган ҳаракат фаолиятиини ўз зиммасига олди ва 2 йил давомида талабаларнинг фикрларини ўрганади. Албатта қарама-қарши фикрлар кўп бўлган. Ижобий жиҳатлари ва камчиликлар аниқланган. 2005 йил ушбу жараённи танқидий ўрганишга кирилишган ва “Черная Книга Болонского процесса” деган маълумотномани тақдим этилди. Унда кредит тизимини самарасига ва магистратурада ўқиш учун катта маблағ талаб этилаётгани, талаларга етарли даражада эркинлик берилмаётганлиги ва ҳаддан ташқари меҳнат бозорига специализация қилинаётганлиги ҳақида ёзилган.

Ижобий жиҳатлари:

1. Балония жараёнига қўшилиш талабалар ва педагогларнинг мобил ҳаракатини таъминлайди. Талаблар билан алмашиш кенгайди.

2. Иш билан таъминланиш даражаси кенгайди.

Замонавий педагогик технологияларни бир неча турга бўлиш мумкин:

1. Муаммоли таълим технологиялари.

2. Дидактик- ўйинларга асосланган технологиялар.

3. Ҳамкорлик технологиялари.

4. Модулли технологиялар.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Модулли технологиялар- энг замонавий технология бўлиб, модуль блокларидан ташкил топган ахборотни тизимли равишда қайта ишлаш ва таҳлил қилишга, талабанинг мустақил фаолиятига асосланган, Б.К.М. диагностикасида турли шаклларида фойдаланган ҳолда ташкил этилувчи яхлит жараён.

Модуль - мазмуний ва мантиқий яқунга эга бўлган, дидактик жиҳатдан ишлаб чиқилган, натижага қаратилган, кириш ва чиқиш назоратларидан иборат бўлган бирликдир.

Модуль дастур- бир фан доирасидаги модуль блокларининг йиғиндиси бўлиб, эришиш лозим бўлган дидактик мақсад, қўлланиладиган усуллар ва воситалар йиғиндиси.

Ўқув модули – нисбатан мустақил, мантиқий яқунга эга бўлган ўқув курсининг бўлагидир. У ўқув методик таъминотдан назарий ва амалий қисмлардан, топшириқ ва жорий ҳамда яқуний назорат каби қисмлардан иборат.

Модулли технологиялар мустақил фаолият асосида талабаларда билим, кўникмаларни шакллантириш, уларда режалаштириш, ўз-ўзини бошқариш ва назорат қилиш, ўзлаштириш бўйича самарали натижани таъминлашга қаратилган энг самарали ёндашувлардан бири бўлиб қолмоқда. Модул бу шундай мақсадгша йўналтирилган боғламки, у ўзида ўрганиладиган мазмунни ва уни ўзлаштириш технологиясини акс эттиради.

Бугунги кунда талаба шахсини барча имкониятларини юзага чиқариш учун албатта таълим шахсга йўналтирилган характерда бўлиши талаб этилади. Бунинг учун таълимни ташкил этиш жараёнида талабанинг қобилиятлари, эҳтиёжлари ва ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш лозим. Ана шу элементлар ҳисобга олинган тақдирда ўз-ўзидан табақалаштирилган, ривожлантирувчи, ўқишга бўлган мотивларни кучайтирувчи “субъект-субъект” концепциясига асосланган таълим тизими келиб чиқади.

Анъанавий таълим тизимида чуқур ўрнашиб қолган педагогик парадигмалардан бири бу субъект-объект муносабатларидир. Бу ёндашув немис педагоги И.Ф.Гербард томонидан (1776-1841йиллар) киритилган. Бундй ёндашувда педагог субъект ролини бажаради ва қандай ўқитиш, қандай талабаларни ишлаб чиқиш, талабалар жамоасини қай йўналишда ривожлантиришни фақат ўз ёндашуви асосида ҳал этади. Талабалар эса пассив ҳолда объект ролини бажаради. Талабаларнинг асосий фаолияти эслаб қолиш, тушиниш, қўллашга ўрганиш ҳисобланади. Бу парагдимага қарши ғояни америкалик педагог Д.Дьюи ишлаб (1859-1952) чиқади. Унинг фикрича нимани ва қандай ўқиш лозим деган саволларга жавоб топишда

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

талабага ҳам эркинлик бериш ва унинг ҳошишларини ҳисобга олиш лозим. Токи талаба ўз фаолиятини, ўз тақдирини, ўз ҳаётини мустиқил бошқаришга фаол киришсин. Бу концепция “субъект-субъект” муносабатлари сифатида тан олинди ва кўпгина ривожланган давлатлар таълим тизимида ўз ўрнига эга.

Айтиш жоизки, таълим тарихида йиғилган бой дидактик тажрибанинг ижобий жиҳатлари ўз аксини модулли таълимда топди.

“Модулли таълим” тушунчаси 1971 йилларда Дж.Рассел томонидан киритилди. Рассел модулни ўқув пакети сифатида талқин этади ва унга ўқув материалининг концептуал бирлигини ўрганишга оид ҳаракатларни киритади. Б.М.Гольдшмид – модулни талабага маълум кўзланган натижага етишга ёрдам берувчи мустиқил бирлик сифатида талқин этади (1972 й).

Г.Оуенс модулни ёпиқ комплекс сифатида талқин этади ва бу комплексга ўқитувчи, талаба, ўрганиладиган ахборот материали, воситаларни киритади.(1975 й).

Замонавий тадқиқотчилардан бири П.А.Юцявичене модулни маълум даражадаги мустиқил ахборотдан ҳамда мақсадли равишдаги методик бошқарув асосида мақсад қилиб қўйилган натижаларни таъминлашга қаратилган бирлик сифатида таҳлил этади.

Н.В. Борисова, В.М. К.Я. Вазина, Гареев, Е.М. Дурко, В.В. Карпов, М.Н. Катханов, С.И. Куликов, П. Юцявичене ва бошқа олимларнинг фикрларини ўрганиш натижасида қуйидаги кўринишлардаги модулларни ажаратиш мумкин:

- мустиқил концептуал кичик бирлик;
- модул мустиқил бирлик сифатида бир ўқув курсини ўз ичига олиб, бир неча блокларни ўзида мужассам этади;
- модул маълум мутахассисликка тегишли бўлган бир қанча ўқув предметларни ўзида мужассамлаштирувчи фанлараро бирлик бўла олади;
- аниқ бир мутахассисликни эгаллашга йўналтирилган касбий таълим модули.

Бундан ташқари “модул” тушунчасига тегишли бўлган бир қанча **хусусиятларни ажратиш мумкин:**

- Мақсад;
- Турли хил турдаги ўқув фаолиятини интеграцияси;
- Методик таъминот;
- Мустиқил ривожланиш;
- Таълим жараёнидаги талабанинг мустиқиллиги;
- Ўқув ахборотини таҳлил қилиш ва структуралаштириш кўникмаси;
- Назорат ва ўз-ўзини назорат;

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

- Талабанинг таълим олишдаги шахсий траекторияси.

Модуль бир неча блоклардан иборат бўлиши мумкин:

1. Блок. Кириш назорати- янги мавзуни ўрганиш учун мавжуд базавий ва қолдиқ билимларни текширишга қаратилган.

2. Блок. Назарий блок. Мавзунинг ҳар бир мантиқий бўлаги учун тузилган ахборот ва кўргазмали материаллардан иборат (Ахборот расм, диаграмма, схемаларда тўлиқ кўрсатилиши мақсадга мувофиқ).

3. Блок. Назарий ахборотни ҳар бир бўлагини талабалар билан биргаликда таҳлил этишга қаратилган.

4. Блок. Амалий блок. Назарий билимлар асосида талабаларнинг амалий фаолиятини ташкил этиш.

5. Блок. Чуқурлашиб борувчи блок. Мавзуга оид соҳа бўйича мураккаб топшириқларни бажариш.

6. Блок. Назорат блоки. Бажарилган топшириқларни назорат қилиш.

7. Блок. Назорат натижаларини таҳлил этиш. Умумий йўл қўйилган хатоликларни аниқлаш ва таҳлил қилиш.

8. Блок. Чиқиш назорати. Мавзу бўйича белгиланган топшириқларни бажариш ва топшириш.

Модулли ёндашув тамойиллари:

- ◎ Модуллик
- ◎ Мазмунни структуралаштириш
- ◎ Динамик ҳаракатни таъминлаш (соддадан-мураккабга)
- ◎ Фаолиятлик
- ◎ Мослашувчанлик (гибкость)
- ◎ Натижаларни олдиндан аниқлаш
- ◎ Маслаҳатларнинг турли-туманлигини таъминлаш.

Модуль туралри:

◎ Назарий модульлар (Назарий билимларни шакллантиришга йўналтирилган модульлар).

◎ Амалий модульлар (Амалий кўникмаларни ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган модульлар).

◎ Технологик ёки аралаш модульлар (назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган модульлар).

2.1. Модулнинг таркибий қисмлари.

Модул дастур комплекс дидактик мақсаддан (КДМ) ва бу мақсадга эришишга хизмат қилувчи модуль блоклари йиғиндисидан иборат.

Модул дастурини ишлаб чиқиш учун асосий ғояларни ажаратиб олиш ва блок-модульларда структуралаштириш, сўнгра комплекс дидактик мақсадларни шакллантириш талаб этилади. Комплекс дидактик мақсадлар

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

модул-блокларининг мақсадларига, яъни интегратив дидактик мақсадларга (ИДМ) ва хусусий дидактик мақсадларга (ХДМ) бўлинади, уни эса ўз навбатида ўқув элементлари ташкил этади.

Модул дастурларнинг мақсади албатта малакали мутахассисни етиштиришга хизмат қилади. Модул дастурнинг мақсадини тузишда ана шу мутахассисга қандай талабалар тизими қўйилаётган эканини аниқлаб олишдан бошланади. Бугунги кунда Россияда мутахассисга қўйиладиган умумий талабалар тизими ўрганилиб уларни уч асосий гуруҳга ажратилмоқда. Мутахассисни компетентлигини аниқловчи критерийларни куйидаги категорияларга бўлиш мумкин

*** Инструментал компетентциялар:**

- анализ ва синтез қобилиятига эга бўлиш;
- режалаштириш ва ташкил этиш қобилияти;
- умумий базавий билимларга эга эканлиги;
- мутахассислик бўйича базавий билимларни эгаллаганлиги;
- она тилида бемалол мулоқатга кириша олиш;
- ахборот технологияларидан фойдалан олиш малакалари;
- ахборот материали билан ишлаш қобилияти;
- муаммоларни ечиш қобилияти;
- Қарорлар қабул қилиш қобилияти.

*** Комуникатив компетентлик:**

- танқид ва ўз-ўзини танқид қила олиш;
- груҳда фаолият кўрсатаолиш;-ўзаро мулоқатга кириша олиш;
- ахлоқий қадриятларни тан олиш;
- турли халқлар маданиятига хурмат билан қараш;
- бошқа йўналишда фаолият юритувчи экспертлар билан муносабатга кириша олиш.

*** Тизимли компетентлик:**

- билимларини амалда тизимли равишда қўллай олиш;
- тадқиқот олиб бориш;
- янги ўароитга мослашиш;
- ижод қилиш;
- лидерлик қобилиятини ўстириб бориш;
- индивидуал ҳолда фаолият юритиш қобилияти;
- лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни бошқариш;
- тадбиркорлик ва янги ғояларни илгари суриш;
- масулиятлилик;

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

-муваффақиятга эришиш мотивининг ривожланганлиги¹.

Танланган мутахассислик бўйича умумий дидактик мақсадлар тасдиқланган стандартда ўз аксини топган. Модул дастурини ишлаб чиқишда ана шу стандарт талабларига асосланилади.

Модулларни ишлаб чиқишда урта асосий компонентга эътибор қаратиш лозим:

1. Модул спецификацияси.
2. Модулнинг назорат блокини ишлаб чиқиш.
3. Модулнинг ўқув материални ишлаб чиқиш.

1.Модул спецификацияси-ана шу модул ҳақида тўлиқ маълумотни ўзида акс эттиради. Унинг таркибига қуйидагилар киради:

1.1.Модулнинг номи. Модулларнинг номлари мазмунга мос бўлиши ва қайтарилишларга йўл қўймаслик лозим.

1.2.Ўқитишнинг мақсади. Мана шу модулни ўзлаштириш натижасида қандай фаолият юритиш имкони туғилиши, касбий тайёргаликдаги ахамияти ёритиб берилиши лозим. Талабанинг режали тараққиёти акс эттирилиши мақсадга мувофиқ.

1.3.Ўқитиш натижалари. Модулни ўрганиш натижасида қандай билимларни эгаллаши, қанадй кўникма ва малакалар шакллантирилиши санаб ўтилади. Ўзлаштириш жараёни тугагандан сўнг талаба қандай фаолиятни қандай шароитларда бажара олиши кўрсатилади. Натижалар узвий бирликка эга бўлиб, ўқитиш мақсадларидан четга чиқмаган ҳолда шакллантирилиши лозим. Натижаларни текшириш жараёнида бир неча кўникмаларни эгалланиши назарда тутилиши лозим. Одатда бир модул 3-5 турдаги кўникмани эгаллашга қаратилган бўлиб, уни эгалланганлиги мақсадга эришилганлик даражасини кўрсатади. Эришиладиган натижалар аниқлаштирилган мақсадларни шакллантириш қоидалари асосида шакллантирилади.

1. Модулнинг назорат блокини ишлаб чиқиш.

1.1.Баҳолаш мезонлари. Баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда фаолият объекти, бажариладиган фаолият тури, фаолият сифати, бажарилган фаолиятнинг стандартлари кўриб чиқилади. Баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда ўқитиш натижаларига мос ҳолдаги фаолият тури ишлаб чиқилиши лозим. Ҳар бир натижани текшириш мезонлари 4 ёки 6 тадан ошмаслиги тавсия этилади.

1.2.Ўзлаштириш даражаси. Ўзлаштирилганлик даражасини чуқурлигини кўрсатувчи мезонлар ишлаб яқилади, баъзи ҳолларда уни

¹Проворова О.Г.Принципы модульного обучения. Красноярск-2006-32 с.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

ишлаб чиқиш шарт эмас, агар у баҳолаш мезонларида кўрсатилган бўлса. Ўзлаштирилганлик даражасини исботловчи эришилган натижа турли кўринишда бўлиши мумкин. Ўзлаштириш объекти- тайёрланган предмет, амалий топшириқ, оғзаки ёки ёзма жавоблар тарзида бўлиши мумкин.

1.3.Модулга кириш назорати. Модулни ўрганиш учун зарур бўлган таълим ва билимлар тизимини кўрсатади.

1.4.Ўқув жараёнини давомийлиги. Давомийлик Ўқув соатлари ёки зачёт бирликлари кўринишида акс этади.

1.5.Баҳолаш. Баҳолаш тизимини ишлаб чиқаётганда унинг ҳаққонийлигига ва ишончли бўлишига эътибор қаратиш лозим. Якуний назорат алоҳида ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Баъзи модулларда ягона баҳо ҳам қўйилиши мумкин. Баҳолаш тизими модулнинг характеридан келиб чиқиб танланади.

1.6.Модулнинг тушунтириш хати. Ушбу хат тавиялар кўринишида бўлиб, педагог шахсига йўналтирилган. Унда педагогга қўшимча тавсиялар, баҳолаш жараёнини олиб боришнинг янги имкониятлари, қўллаш мумкин бўлган усулларга тавсиф берилади. Проект, портфолио каби усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

2. Ўқув материали.

Ўқув материали ахборот матнини ва дидактик воситаларни ўзида акс эттиради. Ахборот матнида адабиётлар, иловалар ва ҳаволалар ўз аксини топади. Қайтар алоқани амалга ошириш учун ахборотни ишлаб чиқишда жорий назорат учун топшириқлар ва уларни ишлаб чиқиш намуналарини киритиш тавсия этилади. Ахборот материали тушунарли , лўнда ва кўргазмали бўлиши лозим.

Модулли таълим индивидуал ёндашув воситасидир. Талаба мустақил равишда ёки педагогнинг маълум маслаҳатларидан фойдаланган ҳолда кўйилган дидактик мақсадга эришади.Ўқитувчи ва талаба ўртасида ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилади. Ўқитувчига ўзлаштириш жараёнини тўғри баҳолаб бориш, талабанинг мустақил фаолиятини самарали ташкил этиш, унинг тараққиётини кузатиб боришек масъулият юклатилади. Талаба фаолиятини самарасини баҳолаш, ўз вақтида коррективлар киритиб туриш лозим.

Модулни таркибий қисмлари:

- 1.Модульни номи.
2. Модульни ўзлаштиришдан мақсад.
- 3.Модуль билан ишлаш учун методик тавсиялар.
- 4.Назарий ахборот банки ва таянч тушунчалар.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

5. Семинар, амалий ва лаборатория ишларининг мазмуни, топшириқлар ва уларни бажаришга ёрдам берувчи тавсиялар.

6. Жорий назорат топшириқлари.

7. Индивидуал ҳолда бажариладиган мустақил топшириқлар.

8. Ёзма назорат вариантлари.

9. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

10. Талаба йиғиши мумкин бўлган рейтинг баллари.

Хулоса қилиб айтганда, модулли ёндашувнинг **мақсади** - ахборотни ўзлаштириш, идрок этилган ахборотни мустақил таҳлил қилиш, ўз мустақил фикрларини билдиришни тақазо этувчи ва қисқа муддатда оптимал усуллар ёрдамида белгиланган мақсадларга эришишдир².

Модулли таълим юқорида айтиб ўтилганидек “субъект-субъект” муносабатларига қурилган. Шу сабабали талабаларнинг мустақил фаолиятига катта эътибор қаратилади. Талаба мустақил фаолиятини самарали бўлиши учун педагогдан турли хилдаги маслаҳатлар тизими талаб қилинади. Шу сабабли хориж тажрибасида педагогик ёрдамнинг турли кўринишлари такомиллашиб борди ва бугунги кунда педагогик фаолиятига кўра бир қанча тушунчалар келиб чиқишига сабаб бўлди. Улардан баъзиларини кўриб чиқамиз.

Тьютер - (лот. *tutorem* – маслаҳатчи) фаолияти талабаларга ўқув жараёнига мослашиш, вужудга келувчи айрим саволларга жавоб топишга ёрдамлашишга қаратилган.

Эдвайзер- (*advisor* - қадимги француз сўзи “*avisen*”, “ўйламоқ” сўзидан олинган) индивидуал ҳолда диплом иши, курс ишини ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқот олиб бориш, индивидуал дастурларни ишлаб чиқиш жараёнида маслаҳатчидир.

Фасилитатор (ингл. *facilitator*, лот. *facilis* — «енгил, қулай» деган маънони билдиради) — **фасилитатор** гуруҳларда фаолиятни ташкил этишда кўмаклашади. У гуруҳлардаги фаолиятни самарали бўлишини таъминлаши, гуруҳда соҳлом комуникацияни ўрнатиши, гуруҳда ишлаш қоидаларига ва регаментларга амал қилишни таъминлаши жоиз. Фасилитатор гуруҳда қулай психологик муҳитни яратади ва фаолиятни самарали бўлишига ёрдам беради. Ушбу тушунча мумтоз психолог Роджерс Карл томонидан киритилган бўлиб, инглиз забон мамлакатларининг таълим муассасаларида

² Карпов В. В. Инвариантная модель интенсивной технологии обучения при многоступенчатой подготовке в вузе. — М.; СПб.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 1992. — 141 с.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

кенг фойдаланилади. 1989 йилдан буён Халқаро бош фасилитаторлар ассоциацияси (The International Association of Facilitators) фаолият юритиб келмоқда. Бугунги кунда унинг фаолиятида 63 давлатнинг 1200 аъзоси иштирок этмоқда. Фасилитатор фаолияти турли моделларда учрайди. Қозоғистон миллий тиббиёт университетиде бўлажак шифокорларни касбий фаолиятини моҳиятини чуқур тушиниши ва ўз шахсини мутахассис сифатида тараққиётини таъминлашда психологик-педагогик ёрдам кўрсатишга йўналтирилган. Фасилитатор фаолияти ҳар қандай тренингнинг таркибига кирилади. Турли амалий фаолиятларни онлайн тизимида, гуруҳларда ташкил этиш жараёнида фасилитаторлик хусусиятлари ўз аксини топади.

Модератор - ([лот. moderor](#) — меъёрлаштираман, текшираман) қабул қилинган қоидаларга амал қилишни текширади, талабаларнинг қобилиятларни очилишига, билиш фаолиятини активлаштиришга ёрдам беради.

Супервизор- қуйидаги тўрт фазифани бажаради: ўқитувчи сифатида ўргатади, фасилитаторлик, маслаҳатчи, эксперт вазифани бажаради.

Супервизия — бу ўзаро муносабатлар тизими бўлиб, супервизор томонидан касбий фаолиятга оид бошқа мутахассисга маслаҳатлар беришни кўзда тутаяди. Бу фаолият айниқса психотерапевтларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Супервизия касбий компетентликни оширишга, билим, кўникмаларни янада такомиллаштиришга ва шахсий камолотга эришишга ёрдам беради. Баъзи мутахассисликларни ўқув режасида (Клиник психология) “Супервизорлик ” курси ўқитилади. У мажбурий амалий курс ҳисобланади. Умуман олганда, юқорида қайд этилган тушунчалар бир маъно ва бир вазифани ўзида акс эттирмайди. Улар орасида аниқ чегара ўтказиш қийин. Улар ҳаммаси маслаҳат тизимига эга бўлиб, қандайдир фаолиятга урғу берган ҳолда олиб борилади. Лекин турли олийгоҳларда ушбу фаолиятлар турлирча номланиши ҳам мумкин.

Кейинги вақтларда модулли таълим тизимида комплекс ёндашув тамойили кучайиб бормоқда. Унда турли шакл, усуллар мослаштирилган ҳолда жойлаштирилмоқда. Бугунги кунда аралаш таълим инновация сифатида кириб келмоқда.

Деклан Берн "blended learning" (аралаш таълим) ҳақида шундай дейди- ушбу таълим бой педагогик тажрибадан самарали фойдаланишга қаратилган. Бундай ёндашув ахборотни тақдим этишда турли методикалардан фойдаланишни, таълимни ташкил этишда ва таълим жараёнида ахборот технологиялари, индивидуал ва гуруҳларда анъанавий фаолиятни ташкил этишга асосланиши мумкин. Бундай турлича ёндашув талабани чарчатмайди ва ўқишга бўлган мотивларини кучайтиради. Асосий масала танланган

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

методикаларнинг ўзаро муттаносиблигини таъминлаш ва кам ҳаражат асосида юқори самарадорликка эришиш ҳисобланади.

Аралаш таълим кўпроқ тренинглари ташкил этишни талаб этади. Тренинглари ташкил этишда қуйидаги босқичларга эътибор қаратиш лозим:

1. Тайёргарлик босқичи.

1. Мақсадларни аниқлаб олиш босқичи.

2. Тренингни ўтказиш босқичи.

Бугунги кунда *blended learning* таълими деганда кундузги анъанвий таълим ва масофавий таълимнинг элементларини комбинацияси ҳам тушунилмоқда. Бу тизимда ўқитувчи таълим марказида қолади ва интернет имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланди. Айтиш жоизки, ахборот технологияларининг таълим тизимидаги ахамияти беъқиёс, тобора унинг янги кўринишлари таклиф этилмоқда. Таълим тизимида ушбу технологияларнинг кириб келиши тарихига назар ташласак.

XVIII аср охирида Европада, мунтазам равишда фаолият кўрсатувчи ва кўпчилик аҳоли учун имкониятли бўлган почта алоқасининг жорий қилиниши натижасида “корреспондентлик ўқуви” пайдо бўлди. Талабалар почта орқали ўқув материаллари олар ва ўқитувчилар билан ёзма алоқа олиб борардилар ҳамда илмий иш шаклида ёки ишонч билдирилган шахсга имтиҳон топширардилар. Россияда бундай шакл XIX аср охирида пайдо бўлди. XX аср боши технологияларнинг жўшқин ривожланиши радио ва телевидениенинг пайдо бўлиши масофавий ўқитиш усулларига янги ўзгаришлар киритди. Бундай технологияларнинг кириб келиши жамият ҳаётининг кескин ўсиши билан боғлиқ бўлиб, талабалар аудиторияси бир неча юз баробар ошиб кетди. XX асрнинг 50-йилларидан ўқув-телекўрсатувлар ташкил қилина бошлади. Бироқ телевидение ва радиода олиб борилаётган бундай ўқув машғулотларининг жиддий камчилиги мавжуд эди, яъни талабада қайтарув алоқа олиш имкониятлари мавжуд эмас эди. 1969 йил Буюк Британияда жаҳонда биринчи бўлиб масофавий таълим университети очилди. Университет "Буюк Британия очик университети" деб номланди. Унинг бундай номланишининг сабаби, машғулот аудиторияларига тез-тез бориш зарурияти бўлмаган ҳолларда, юқори бўлмаган ҳақ ҳисобига масофавий билим олиш имкониятларини очиш эди.

Хорижий мамлакатларда масофавий ўқитиш дастурлари асосида фаолият юритувчи машҳур университетлар вужудга келди. Жумладан, University of South Africa 1946. Fern Universitat in Hagen (Германия, 1974). Миллий технология университети АҚШ 1984 (инженер мутахассислиги бўйича дастурлар асосида масофавий машғулотлар олиб борилади)), Хаген очик университети (Германия), ИНТЕС коллеж Кейптаун (ЮАР), Испания

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

масофавий ўқитиш миллий университети, Британия очик университетининг очик бизнес мактаби, Австралия худудий ахборот тармоғи ва ҳоказолар. Масофадан ўқитиш таълимнинг оммавийлашувида Интернет (“on-line”)нинг роли, телекоммуникацияларнинг ўрни, барча инсонларнинг Интернетга баробар очик ташрифи учун йўлак WWW (Web) технологиясини яратган олим Тим Бернерс Лининг хизмати беқиёсдир. Ҳозирги кунда масофавий таълим АҚШда мукаммал шаклланган бўлиб, унинг вужудга келиши 1970-йиллар охирига бориб тақалади. Дунёда интерактив таълим олишнинг кўплаб базалари вужудга келяпти. Жумладан, Британия очик университетига қарашли масофавий таълим умумжаҳон марказининг маълумотлар базасини мисол қилиб келтириш мумкин. Дистант услубида Халқаро Кенгаш фаолият кўрсатяпти, “D – Learning” – масофавий таълим олаётган тингловчиларнинг сони тобора ортиб борапти. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида шахсий компьютер имкониятларининг ошиши ўқитиш тизимини соддалаштириш ва автоматлаштириш билан боғлиқ янги имкониятларни вужудга келтирди. Компьютер ўргатувчи дастурлар ҳар хил ўйинлар шаклида пайдо бўлди.

XXI аср компьютерлари ва Интернет масофавий ўқитишнинг тезкорлик ва соддалаштирилган тартибда кенг тарқалишига имкон берди. Интернет радио ва телевидениега нисбатан жуда катта силжишларга олиб келди. Ҳар қандай талаба билан у қаерда жойлашганлигидан қатъи назар мулоқотга киришиш ва қайтарув алоқага киришиш имкониятлари пайдо бўлди. Тезкор интернетнинг тарқалиши ўқиш учун "онлайн" семинар тизимига ўтиш имконини берди ва натижада масофавий ўқитиш тизими вужудга келди. Масофавий ўқитиш жараёнида тингловчиларнинг ҳамма вақт аудиторияда бўлиши талаб қилинмайди. Масофавий ўқитишни амалга оширувчи кўпчилик ўқув муассасаларида умумий машғулотлар ўтказиб келинмоқда, айрим ҳолатларда улар кечки вақт ёки дам олиш кунлари ўтказилади. Бундай машғулотларда тингловчиларнинг қатнашиши шарт эмас, бироқ тингловчиларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш учун уларнинг бундай машғулотларда иштирок этиши жуда фойдали ҳисобланади.

Масофавий ўқиш таълим беришда икки асосий ёндашишни изоҳлаб беради – булар кенгайтириш ва трансформация моделларидир. Кенгайтириш моделида ўқитиш технологияси ҳозирги анъанавий усулдан деярли фарқ қилмайди. Трансформация модели ўқитувчи ва тингловчи ҳамкорлиги учун ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини ўзида мужассам қилади.


Бугун масофавий таълимнинг яна бир тури «webinar» (1998 йилда бу термин мулоқотга киритилди) технология вужудга келди. Вебинар технология ўқитишни web –технология асосида интерактив ҳолда ташкил

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

этишни назарда тутати. Бу технология нафақат тингловчиларга ахборотни етказди балки, улар билан мулоқатга киришиш (оғзаки, ёзма) имконини яратди, яъни семинар кўринишида фикрларни алмашиш, ўз фикрини баён этиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда интернет тармоғи асосида ташкил этилувчи таълим ҳам субъект-субъект парадигмасига ўтмоқда.

2.2. Таълим тамойиллари. Муסיқа таълимида замонавий стратегиялар.

Инновация (инглизча innovation) - янгилик киритиш, янгиликдир. А.И.Пригожин **инновация** деганда *муайян ижтимоий бирликка - ташкилот, аҳоли, жамият, гуруҳга янги, нисбатан турғун унсурларни киритиб борувчи мақсадга мувофиқ ўзгаришларни тушунади. Бу инноватор фаолиятидир.*



Тадқиқотчилар (А.И. Пригожин, Б.В. Сазонов, В.С. Толстой, А.Г.Кругликов, А.С.Ахиезер, Н.П.Степанов ва бошқалар) инновацион жараёнлар таркибий қисмларини ўрганишнинг икки ёндашувини ажратадилар: *янгиликнинг индивидуал микросатҳи ва алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларни ўзаро таъсири микросатҳи.*

Биринчи ёндашувда ҳаётга жорий этилган қандайдир янги ғоя ёритилади.

Иккинчи ёндашувда алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсири, уларнинг бирлиги, рақобати ва оқибат натижада бирининг ўрнини иккинчиси эгаллашдир.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Олимлар инновацион жараён микротузилмасини таҳлил қилишда ҳаётнинг даврийлиги концепциясини фарқлайдилар.

Бу концепция янгилик киритишга нисбатан ўлчанадиган жараён эканлигидан келиб чиқади.

Педагогикага оид адабиётларда инновация жараёни схемаси берилди. У куйидаги босқичларни қамраб олади:

1. *Янги зоя туғилиши ёки янгилик концепциясини пайдо қилиш босқичи, у кашфиёт босқичи деб ҳам юритилади.*
2. *Ихтиро қилиш, яъни янгилик яратиш босқичи.*
3. *Яратилган янгиликни амалда қўллай билиш босқичи.*
4. *Янгиликни ёйиш, уни кенг тадбиқ этиш босқичи.*
5. *Муайян соҳада янгиликнинг ҳукмронлик қилиш босқичи. Бу босқичда янгилик ўзининг янгилигини йўқотади, унинг самара берадиган муқобили пайдо бўлади.*
6. *Янги муқобиллик асосида, алмаштириш орқали янгиликнинг қўлланиш доирасини қисқартириш босқичи.*

В.А.Сластенин янгилик киритишни мақсадга мувофиқ йўналтирилган янгилик яратиш, кенг ёйиш ва фойдаланиш жараёни мажмуи, унинг мақсади инсонларнинг эҳтиёжи ва интилишларини янги воситалар билан қондириш деб билади.

Янгилик киритишнинг тизимли концепцияси муаллифлари (А.И.Пригожин, Б.В.Сазонов, В.С. Толстой) инновацион жараёнларнинг икки муҳим шаклини фарқлайдилар.

Биринчи шаклга янгилик киритишни оддий ишлаб чиқиш киритилади. Бу илк бор маҳсулот ўзлаштирган ташкилотларга тааллуқлидир.

Иккинчи шаклга янгиликни кенг кўламда ишлаб чиқиш тааллуқлидир.

Янгилик киритиш ҳам ички мантиқ, ҳам вақтга нисбатан қонуний ривожланган ва унинг атроф-муҳитга ўзаро таъсирини ифодалайдиган динамик тизимдир.

Педагогик инновацияда "янги" тушунчаси марказий ўрин тутди. Шунингдек, педагогик фанда хусусий, шартли, маҳаллий ва субъектив янгиликка қизиқиш уйғотади.


Хусусий янгилик В.А. Сластениннинг аниқлашича, жорий замонавийлаштиришда муайян тизим маҳсулоти унсурларидан бирини янгиланишни кўзда тутди.

Мураккаб ва прогрессив янгиланишга олиб келувчи маълум унсурларнинг йиғиндиси **шартли янгилик** ҳисобланади.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Маҳаллий янгилик конкрет объектда янгиликнинг фойдаланиши билан белгиланади.

Субъектив янгилик маълум объект учун объектнинг ўзи янги бўлиши билан белгиланади.



Илмий йўналишларда янгилик ва инновация тушунчалари фарқланади. Янгилик - бу воситадир: янги метод, методика, технология ва бошқалар.

В.И. Загвязинский **янги** тушунчасига таъриф бериб, педагогикадаги **янги** бу фақатгина ғоя эмас, балки ҳали фойдаланилмаган ёндашувлар, методлар, технологиялардир, лекин бу педагогик жараённинг унсурлари мажмуан ёки алоҳида олинган унсурлари бўлиб, ўзгариб турувчи шароитда ва вазиятда таълим ва тарбия вазифаларини самарали ҳал этишнинг илғор бошланмаларини ўзида акс эттиради.

Р.Н.Юсуфбекова **педагогик янгиликка** ўқитиш ва тарбия беришда аввал маълум бўлмаган ва аввал қайд қилинмаган ҳолат, натижа, ривожланиб боровчи назария ва амалиётга элтувчи педагогик воқеликнинг ўзгариб туриши мумкин бўлган мазмуни сифатида қарайди.

Педагогик инновацияда Р.Н.Юсуфбекова *инновацион жараён тузулмасининг уч блокани фарқлайди:*

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Биринчи блок - педагогикадаги янгини ажратиш блоки. Бунга педагогикадаги янги, педагогик янгиликнинг таснифи, янгини яратиш шарт-шароити, янгиликнинг меъёрлари, янгининг уни ўзлаштириш ва фойдаланишга тайёрлиги, анъана ва новаторлик, педагогикадаги янгини яратиш босқичлари киради.

Иккинчи блок - янгини идрок қилиш, ўзлаштириш ва баҳолаш блоки: педагогик ҳамжамиятлар, янгини баҳолаш ва уни ўзлаштириш жараёнларининг ранг-баранглиги, педагогикадаги консерваторлик ва новаторлик, инновация муҳити, педагогик жамиятларнинг янгини идрок этиш ва баҳолашга тайёрлиги.

Учинчи блок - янгидан фойдаланиш ва уни жорий этиш блоки, яъни янгини тадбиқ этиш, фойдаланиш ва кенг жорий этиш қонуниятлари ва турларидир. М.М.Поташникнинг инновация жараёнлари талқинлари киши эътиборини ўзига тортади. У инновация жараёнининг қуйидаги тузилмасини беради:

- *фаолият тузилмаси - мотив - мақсад - вазифа - мазмун - шакл - методлар - методика компонентлари йиғиндисиди;*
- *субъектив тузилма-инновацион фаолият субъектларининг халқаро, минтақавий, туман, шаҳар ва бошқа сатҳлари;*
- *сатҳий тузилма-инновацион фаолият субъектларининг халқаро, минтақавий, туман, шаҳар ва бошқа сатҳлари;*
- *мазмун тузилмаси - ўқув-тарбиявий ишлар, бошқарув (ва б.)да янгиликнинг пайдо бўлиши, ишлаб чиқиши ва ўзлаштирилиши;*
- *босқичлилика асосланган ҳаёт даврилик тузилмаси – янгиликнинг пайдо бўлиши - илдам ўсиши - етуклик – ўзлаш тириши - диффузия (сингиб кетиши, тарқалиши) – бойиши (тўйиниши) – қолоқлик - инқироз – иррадиация(алданиши) – замо навийлаштириши;*
- *бошқарув тузилмаси - бошқарув ҳаракатларининг 4 та турининг ўзаро алоқаси: режалаштириши - ташкил этиши - раҳбарлик қилиши - назорат қилиши;*
- *ташкилий тузилма - диагностик, олдиндан кўра билиши, соф ташкилий, амалий, умумлаштирувчи, татбиқ этувчи.*

Инновация жараёни таркибий тузилмалар ва қонуниятларни қамраб олган тизимдан иборатдир.

Педагогикага оид адабиётларда инновацион жараёни кечишининг 4 та асосий қонуниятлари фарқланади:

- *педагогик инновация муҳитининг аёвсиз бемаромлик қонуни;*
- *ниҳоят амалга ошириш қонуни;*
- *қолиплаштириши (стереотиплаштириши) қонуни;*
- *педагогик инновациянинг даврий такрорланиши ва қайтиши қонуни;*

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Аёвсиз бемаромлик қонунида педагогик жараён ва ҳодисалар тўғрисидаги яхлит тасаввурлар бузилади, педагогик онг бўлинади, педагогик янгилик баҳоланади ва у янгиликнинг аҳамияти ва қимматини кенг ёяди.

Ниҳоят амалга ошиш қонуни янгиликнинг ҳаётийлиги бўлиб, у эрта ё кеч, стихияли ёки онгли равишда амалга ошади.

Қолиплаштириш (стереотиплаштириш) қонуни шундан иборатки, унда педагогик инновация фикрлашни бир қолипга тушириш ва амалий ҳаракатга ўтиш тенденциясига эга бўлади. Бундай ҳолатда педагогик қолип (стереотип) қоқоқликка, бошқа янгиликларнинг амалга ошиш йўлига тўсиқ бўлишга мажбур бўлади.

Педагогик инновациянинг даврий такрорланиши ва қайтиши қонунининг моҳияти шундаки, унда янгилик янги шароитларда қайта тикланади.

Педагогик инновация тадқиқотчилари инновация жараёнининг икки типини фарқлайдилар:

Инновациянинг биринчи типи стихияли ўтади, яъни инновацион жараёнда унга бўлган эҳтиёж ҳисобга олинмайди, уни амалга оширишнинг барча шарт шароитлари тизими, усуллари ва йўлларига онгли муносабат бўлмайди.

Инновациянинг иккинчи типи онгли, мақсадга мувофиқ, илмий асосланган фаолият маҳсулидир.

Олий мактабдаги инновацион жараёнлар В.А.Сластенин, М.М.Левина, М.Я.Виленский ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Олий мактаб инновацион жараёнлари негизида қуйидаги ёндашувларни белгилаш мумкин:

- *маданиятшунослик жиҳатидан (инсонни билишнинг устувор ривожланиши) ёндашув;*
- *шахсий фаолият жиҳатидан (таълимдаги янги технологиялар) ёндашув;*
- *қўп субъектли (диалогик) ёндашув, касбий тайёргарликни инсонпарварлаштириш;*
- *индивидуал - ижодий (ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро муносабатлари) ёндашув.*

Олий мактабда **инновацион фаолиятнинг субъекти** ўқитувчи, унинг шахсий имконияти ҳисобланади. Бунда ўқитувчи шахсининг ижтимоий-маданий, интеллектуал ва ахлоқий имкониятлари юксак аҳамиятга молик бўлади.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

С.М.Годниннинг ишларида талабанинг шахсий хислатлари педагогик жараённинг субъекти сифатида ёритилади. Унга қуйидагиларни киритади: ўқитишнинг ҳозирги ва келгуси босқичлари учун қабул қилинган ўқув - тарбия жараёнининг мақсади, вазифаси ва кўрсатмаларини англай билиш; интеллектуал меҳнатнинг янги тадбирларини эгаллаш; мақсадга мувофиқ касбий ўз-ўзини тарбиялаш ва мустақил таҳсил олиш, қийинчиликларни аъло даражада енга билиш, ўсиш ва мустаҳкам ўрин эгаллашнинг кенгаётган интеллектуал ва касбий имкониятлари, истиқболлари билан қониқиш, ўзининг социал роли функциясини бажаришида фаол муносабатда бўлиш ва ҳоказо.

Инновацион педагогик жараённинг муҳим унсурлари *шахснинг ўз-ўзини бошқариши ва ўзини- ўзи сафарбар қила олиши ҳисобланади*. Унинг энг муҳим йўналишларидан бири **талабаларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш**.

Бундай йўналиш талабаларнинг ўқув ишларини фаоллаштириш, уларнинг касбий ихтисослашишини аниқлаб олиш фаоллигини ўз ичига олади.

Таянч йўналишлар - таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви, уларнинг ўзаро алоқаларида янги тамойилларга ўтиш.

Шундай қилиб, инновацион фаолият омиллари назарияси таҳлили унинг энг муҳим йўналиши *гуманистик аксиология* экан деган хулосага олиб келади.

Инновацион фаолиятга аксиологик ёндашув инсоннинг ўзини янгилик яратиш жараёнига бахшида қилиши, унинг томонидан яратилган педагогик кадриятлар жамини англатади.

Аксиология инсонга олий кадрият ва ижтимоий тараққиётнинг бирдан-бир мақсади сифатида қарайди.

3.2. Ўқитувчининг инновацион фаолияти тузилмаси

Ўқитувчининг инновацион фаолиятига яратувчилик жараёни ва ижодий фаолият натижаси сифатида қаралади.

В.А.Сластенин ўқитувчининг инновацион фаолиятини тузишда унга акмеологик жиҳатдан ёндашади.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Акмеология (акме) - юнонча олий нуқта, ўткир, гуллаган, етук, энг яхши давр деган маъноларни билдиради.

Б.Г. Ананьев, Н.В.Кузьмина, А.А.Деркач ва бошқалар касбий фаолиятнинг самарасини ошириш билан йўғрилган инсон ҳаётининг энг ижодий давлари, етуклик босқичлари тўғрисида фикр юритадилар. Улар етук инсонларнинг профессионализми, шахс ривожланишининг гуллаган давридаги психик қонуниятлари, профессионализмга етишдаги баландликлардан ўта олиш масалалари билан шуғулланганлар.

В.А.Сластенин акмеологиянинг юксак профессионализмга, мутахассиснинг узок ижодий умр кўришига олиб келадиган субъектив ва объектив омилларини асослаб берди. Объектив омилларга олинган таълимнинг сифатини, субъектив омиллари эса инсоннинг истеъдоди ва қобилиятини, ишлаб чиқариш вазифаларини самарали ҳал қила олишидаги масъулияти, мутахассисларга ёндашувини киритади.

Юксак профессионализмга эришишнинг омиллари сифатида қуйидагилар кўрсатилади:

- *истеъдод нишонлари;*
- *уқувлилиқ;*
- *қобилият;*
- *истеъдод;*
- *оила тарбияси шароити;*
- *ўқув юрти;*
- *ўз хатти-ҳаракати.*

Акмеология илмий нуқтаи назардан профессионализм ва ижод муносабатида олиб қаралади. Бунда қуйидаги категориялар фарқланади:

- *ижодий индивидуаллик;*
- *ўзининг ўсиш ва такомиллашиш жараёни;*
- *ўз имкониятларини амалга ошириш сифатидаги креатив тажрибаси.*

Ўқитувчининг ижодий индивидуаллиги қуйидагилардан иборат:

- *интеллектуал - ижодий ташаббус;*
- *билимлар кенглиги ва чуқурлиги интеллектуал қобилияти;*
- *зиддиятларга нисбатан хушёрлик, ижодга танқидий ёндашув, вужудан яратувчиликка курашчанлик қобилияти;*
- *ахборотларга ташналик, муаммолардаги гайри одатийликка ва янгиликка бўлган ҳис-туйғу, профессионализм, билишга бўлган чанқоқлик (Н.В.Вишнекова).*

В.А.Сластенин ижодий индивидуализмни рўёбга чиқаришнинг асосий вазифаларини қуйидагича белгилайди:

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

- *ижтимоий моҳият касб этган маданиятни бойитиш;*
- *педагогик жараён ва шахс билимларини янгилаб туриш;*
- *самарали ва аҳамиятли меъёрларни белгилайдиган янги технологияларни топиш;*
- *шахснинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўзини ўзи намоён қила олиши асосида ўз ривожланишини таъминлаш;*

Шу тариқа ўқитувчининг ижодий индивидуаллигини шакллантириш шахс ривожланиши ва янгилашнинг динамик инновацион жараёни сифатида тушунилади.

Ижодий индивидуалликни характерлайдиган самарали ўз-ўзини англаш кўйидагиларни қамраб олади: ўзини бошқаларга қиёс қилиш асосида ўз шахсининг бетакрор эканлигини англай олиши; ўзи тўғрисидаги креатив кўринишлар ва тасаввурлари тўплами; индивидуал креатив ўзига хосликларнинг бир бутунлиги ва уйғунлиги, ички бирлиги; шахснинг ўз ривожланишидаги динамиклик ва доимийлик жараёни ва унинг ижодкор сифатида шаклланиши; шахс ўзини намоён қила олиши ва ўзининг муайян ишларни амалга оширишга хозир турганлиги; ижодкор сифатида ўзини бахшида қила олиши ва шахсий ҳамда ижтимоий вазиятларда ўзининг ўрнини англай олиши (В.А.Сластенин).

Инновацион фаолият тузилмаси таҳлилида акмеологик ёндашув ўқитувчининг касбий маҳорати чўққиларига эришувида унинг шахси ривожланиш қонуниятларини очиш имконини беради.

Ўқитувчи инновацион фаолиятининг энг муҳим тавсифи креативликдир.

Креативлик термини англия-америка психологиясида 60-йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилияти, хислатини билдиради.

Ж.Гилфорд креативликни тавсифлайдиган қатор индивидуал қобилиятларни кўрсатади:

- *фикрининг равонлиги;*
- *фикрни мақсадга мувофиқ йўллай олиши;*
- *ўзига хослик (оригиналлик);*
- *қизиқувчанлик;*
- *фаразлар яратиш қобилияти;*
- *хаёл қила олиш, фантастлик (фантазия.)*

Ўқитувчи фаолиятидаги креативликнинг бир неча босқичларини белгилаш мумкин:

Биринчи босқичда тайёр методик тавсияномалар тузуккина кўчирилади; **иккинчи босқичда** мавжуд тизимга айрим мосламалар (модификациялар), методик усуллар киритилади; **учинчи босқичда** ғояни

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

амалга ошириш мазмуни, методлари, шакли тўла ишлаб чиқилади; **тўртинчи босқичда** ўқитиш ва тарбиялашнинг ўз бетакрор концепцияси ва методикаси яратилади.

Ўқитувчининг инновация фаолияти тузилмасидаги энг муҳим компонент бу рефлексиядир.

Рефлексия ўқитувчининг ўз онги ва фаолиятини белгилаш ва таҳлил қила олиш деб қаралади (ўз фикри ва ҳаракатларига ташқаридан назар. В.А.Сластенин).

Педагогикага оид адабиётларда рефлексив жараёнларни изоҳлашнинг икки анъанаси мавжудлиги айтилади:

- *объектлар моҳиятини изоҳлашга ва уларни конструкциялашга олиб келадиган онгинг рефлексив таҳлили;*

- *шахслараро мулоқот маъносини тушуниш рефлексияси;*

Бу билан боғлиқ равишда педагог олимлар куйидаги рефлексив жараёнларни фарқлайдилар:

- *ўз-ўзини ва бошқаларни тушуниш;*

- *ўз-ўзига ва бошқаларга баҳо бериш;*

- *ўз-ўзини ва бошқаларни изоҳли таҳлил қилиш.*

Рефлексия (лотинча Reflexio- ортга қайтиш) субъектнинг ўз (ички) психик туйғу ва ҳолатларини билиш жараёни сифатида қаралади.

Фалсафа ва педагогикага оид адабиётларда рефлексия шахснинг ўз онгидаги ўзгаришларни фикрлаш жараёни деб ёзилади.

Психологик луғатда шундай изоҳ берилади: "Рефлексия - фақат субъектнинг ўз-ўзини билиши ва тушуниши эмас, балки бошқалар унинг шахсий хислатлари, ҳис қилиш туйғуси ва билиш (когнитив) тасаввурларини билиш ҳамда тушунишини аниқлаб олишини ҳам англатади.

3.3. Ўқитувчининг инновацион фаолиятини шакллантириш шартлари.

Инновационлик педагогик жараённи ифодалаб, нафақат унинг дидактик қурилмасига, балки ўқитувчининг ижтимоий моҳиятли натижалари ва руҳий қиёфасига ҳам тааллуқлидир.

Инновационлик очикликни, бошқалар фикрининг тан олинишини билдиради.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти турли хилдаги қарашларнинг тўқнашуви ва ўзаро бойитилиши динамикасида амалга ошишини кўзда тутлади.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Ўқитувчининг инновацион фаолиятини самарали амалга ошириш бир қатор шарт-шароитларга боғлиқ. Унга ўқитувчининг тайинли мулоқоти акс фикрларга нисбатан беғараз муносабат, турли ҳолатларда рационал вазиятнинг тан олиншини ўқитишга тайёрлиги киради. Бунинг натижасида ўқитувчи ўз билим ва илмий фаолиятини таъминлайдиган кенг қамровли мавзу (мотив)га эга бўлади.

Ўқитувчи фаолиятида ўз-ўзини фаоллаштириш, ўз ижодкорлиги, ўз-ўзини билиши ва яратувчилиги мавзу (мотив)лар муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўқитувчи шахсининг креативлигини шакллантириш имкониятини беради.

Янгилик киритишнинг муҳим шарти *мулоқотнинг янги вазиятини* туғдиришдир.

Мулоқотнинг янги вазияти - бу ўқитувчининг ўз мустақиллик мавқеини, дунёга, педагогик фан, ўзига бўлган янги муносабатни ярата олиш қобилиятидир. Ўқитувчи ўз нуқтаи назарларига ўралашиб қолмайди, у педагогик тажрибаларнинг бой шакллари орқали очилиб, мукаммаллашиб боради. Бундай вазиятларда ўқитувчининг фикрлаш усуллари, ақлий маданияти ўзгариб боради, ҳиссий туйғулари ривожланади.

Кейинги шарти - бу ўқитувчининг *маданият ва мулоқотга шайлиги*.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти воқеликни ўзгартиришга, унинг муаммолари ва усуллари ечишни аниқлашга қаратилгандир.

Ўқитувчи ва талаба ўртасидаги мулоқот намунасининг ўзгариши инновацион фаолият шартларидан биридир.

Янги муносабатлар анъаналарда бўлганидек, қистовлар, ҳукмга бўйсунуш каби унсурлардан ҳоли бўлиши лозим. Улар тенгларнинг ҳамкорлиги, ўзаро бошқарилиши, ўзаро ёрдам шаклида қурилган бўлиши даркор. Улар муносабатларидаги энг муҳим хусусияти бу ўқитувчи ва талабанинг ижоддаги ҳамкорлигидир.

2.3. Муסיқа санъати фанларини ўқитишда таълим методлари ва воситалари.

Сўнги йилларда республикамиз педагог олимлари ишларида ихтисосликка оид ўқув предметлари бўйича машғулотлар самарадорлигини оширишга оид улкан ижодий ишлар олиб борилмоқда. Бу ижодий изланувчанликка йўналтирилган ишларни қуйидаги йўналишларини кўрсатиш мумкин:

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

- узвий алоқадорликни таъминлаш;
- дарсларни ўтказишда шаблон ва бир қолипчиликни бартараф этиш, ўқув жараёнида турли тузилмадаги дарсларни қўллаш;
- янги материални таҳсил олувчиларга етказиш билан уни шу дарсни ўзида мустаҳкамлашнинг турли шакллари, метод ва воситаларини уйғунлаштириш;
- таълим-тарбия жараёнида таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаоллигини таъминлашнинг муҳим воситаси сифатида машқлар тизимини киритиш;
- ишбилармонлик, ролли, лабирент ва бошқа дидактик ўйинлардан фойдаланиш;
- таҳсил олувчиларнинг мустақил ишлари турлари ва миқдорини аниқлаш;
- ўзлаштирилган ўқув материални мустаҳкамлашнинг аниқ тизими ва механизмини яратиш;
- ўқув материалнинг асосий, бош ғояни ифодаловчи тушунча ва ибораларни ҳар томонлама мукамал ўрганиш ва мустаҳкамлаш;
- таҳсил олувчиларни мустақил равишда ўқиб-ўрганишга ўргатиш;
- таҳсил олувчиларнинг уй ишларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш;
- ихтисослик ўқув предметлари бўйича ўрганилаётган назарий ўқув материалларини ишлаб чиқариш таълими билан узвий боғлаб ўрганиш;
- индивидуал сўровларни камайтириш ва фронтал сўровлар доирасини вақт нуқтаи назаридан кенгайтириш;
- индивидуаллаштириш имкониятларини берадиган ижодий мустақил ишларни қўллаш кабилар.

Рус педагог олими И.П. Подласый фикрича таълим-тарбия назарияси тузилмаси қонуниятлар, қонунлар, аксиомалар, принциплар ва қоидалар, амалиёт билан назариянинг боғлиқлигидан иборат. Қонуниятлар таълим-тарбия жараёнини ташкил этувчи барча таркибий қисм (компонент) ларига тегишли бўлади

Таълим мақсадига тегишли қонуниятлар қуйидагиларга боғлиқ: а) жамиятнинг ривожланиш даражаси ва типига; б) жамият талаблари ва имкониятларига; в) педагогика фани ва амалиётининг ривожланиш даражаси ва имкониятларига.

Дидактик қонуниятлар: таълим натижаларининг таълим давомийлигига; ўрганилаётган материал миқдори ёки талаб этиладиган хатти-ҳаракатлар ҳажмига; ўқув материалнинг қийинлик ва мураккаблик даражасига; таҳсил олувчилар томонидан таълим-тарбия ишининг мақсадини

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

англанганлигига; ўзлаштирилаётган мазмунни таҳсил олувчилар учун муҳимлигига; таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятига; кўлланилаётган таълим шакллари, методлари, воситаларининг уйғунлигига; яратилган шарт-шароитларга; ўқув материални асосий ва иккинчи даражали қисмларга ажратилганлиги ва уларга диққат-эътиборнинг жалб этилганлигига; ўқитувчининг касбий маҳоратига; эшитиб, кўриб ёки амалий бажариб ўзлаштирилишига боғлиқ.

Гносеологик қонуниятлар: таълим натижаси таҳсил олувчиларда ўқиб-ўрганиш малакаларининг мавжудлигига; таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти ҳажмига ва уларни амалда жорий этилишига; ўзлаштирилган ўзаро алоқадор билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатлари ҳажмига; таҳсил олувчилар томонидан уй вазифаларини мунтазам равишда бажарилиб борилишига; таълимнинг муаммолилик даражасига боғлиқ.

Психологик қонуниятлар: таълим маҳсулдорлиги таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш қизиқишларига; уларнинг имкониятларига; машқлар миқдори ва жадаллигига; таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятига; таҳсил олувчиларнинг диққатини даражаси ва турғунлигига; аниқ ўқув материални ўзлаштириш натижалари таҳсил олувчиларнинг индивидуал мойиллиги, билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатларни ўзлаштириш қобилиятига; таҳсил олувчилар тафаккурининг ривожланганлик даражаси, кучи, жадаллиги ва ўзига хос хусусиятларига; таҳсил олувчилар хотираларининг ривожланганлик даражасига; таҳсил олувчиларнинг ишчанлик қобилиятларига; ўрганилаётган материални хотирада мустаҳкам сақланиши бу материални қайта ишлаб чиқилганлик усулига; кўникма ва малакалар шаклланганлик даражасига боғлиқ.

Кибернетик қонуниятлар: таълим самарадорлиги бу жараён иштирокчилари орасида ўзаро тескари алоқалар частотаси ва ҳажмига; назорат самарадорлигига; ўқув жараёнини бошқариш сифатига; бошқариладиган ахборот миқдори ва сифатига; таҳсил олувчиларнинг соғлиги ва имкониятларига; бошқарув таъсирига боғлиқ.

Социологик қонуниятлар: Таҳсил олувчи шахсининг ривожланиши жамият аъзоларининг ривожланганлик даражасига; ўзаро мулоқот ва муносабатлар ҳажми ҳамда жадаллигига; таҳсил олувчилар орасида мусобақа муҳитини яратилганлигига боғлиқ.

Ташкилий қонуниятлар: таълим самарадорлиги унинг ташкил этилишига, яъни таҳсил олувчиларнинг ўқиб-ўрганиш эҳтиёжини қондириш, билишга қизиқиш уйғотиш, билиш фаоллигини стимуллаштирилишига; таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятларига; ўз бурчларига бўлган

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

муносабатларига; иш қобилиятларига; ақлий зўриқиш туфайли сезиш органларининг тормозланишига; ақлий иш қобилияти таҳсил олувчиларнинг соғлиги, ақлий фаолият режими, жинси, ёши, йил, фасл, ой, кун, кеча ва кундуз вақтига; педагогик меҳнатнинг ташкил этилиш даражасига боғлиқ.

Иқтисодий қонуниятлар: таълим самарадорлиги вақт ва хом-ашёларни сарфига, эҳтиёжларни тез ўсиб боришига, такрор ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқариш хусусиятларининг ишлаб чиқарувчи кучлар хусусияти ва ривожланиш даражасига мослигига, талаб ва таклифга, қийматга, қўшимча қиймат кабиларга боғлиқ.

Ишлаб чиқариш қонуниятлари: ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқариш кучлари тавсифига мослиги; мулкчилик муносабатлари; меҳнат характеридаги ўзгаришлар; талаб ва эҳтиёжнинг ишлаб чиқариш даражасидан юқорилиги; меҳнатга яраша тақсимот; ишлаб чиқариш воситаларининг ишлаб чиқаришга нисбатан ўсиши; моддий неъматлар яратувчилар ўзларининг онги, хулқ-атвори ва ҳис-туйғуларини уйғун ҳолда қайта шакллантирилиши; йирик машинасозлик саноатининг узлуксиз ривожланиб бориши; ишлаб чиқариш жараёнларини табақалаштириш ва интеграциялаштирилиши; ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаштирилиши; ишлаб чиқаришни мажмуавий механизациялаш, автоматлаштириш ва роботлаштирилиши; ишлаб чиқаришнинг интеллектуаллашуви; хўжалик ҳисоби, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш; саноат соҳаси билан машғул мутахассислар сонини қисқариши; маиший хизмат кўрсатиш даражасининг ортиб бориши; меҳнатни ташкил этишни демократлаштириш, ўзи-ўзини бошқариш ва шу кабилар.

Бу қонуниятларга асосланган таълимда, шунингдек, касб-ҳунар тайёргарлик жараёнида юқори натижаларга эришилади, акс ҳолда салбий оқибатларга олиб келади. Таълим назарияси (дидактика) энг аввало таълим-тарбия жараёнининг ташкил этувчи компонентлари орасида муҳим ва зарур алоқадорликларни ёритувчи объектив қонунларни очишга имкон беради. Бу қонунлар ўқитувчиларга таълим-тарбия жараёнларини объектив ривожланишини тушуниш имкониятини беради. Лекин улар амалий фаолият учун бевосита кўрсатма бўлмасдан, балки унинг технологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш учун назарий асос ҳисобланади. Таълимни амалга жорий этиш бўйича кўрсатмалар уларни амалга ошириш принциплари ва қоидаларида нисбатан мукамалроқ ўз ифодасини топади.

Олий муסיқа таълими дидактикасининг асосий масалаларидан бири – таълим принципларидир. Юқорида зикр этилган қонуниятлардан маълум қоидалар келиб чиқади. Биз ўз ишимизда таълим қоидалари, тамойиллари ва принципларини синоним сифатида эътироф этиб, халқаро кўламда принцип

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

деб юритилганлиги боис ушбу иборадан фойдаланамиз. Таълим принциплари – бу педагогик жараённинг барча ташкил этувчи компонентларига тегишли асосий қоидалар тизимидир. Бу қоидалар тизимини билмаслик ёки уларга асосланишда нўноқликка йўл қўйиш бутун яхлит касбий таълим-тарбия ишига тўсқинлик қилади. Таълим принциплари тизимини биринчи бўлиб чех педагоги Я.А. Коменский илмий асосда ишлаб чиқди. У бу принципларни, ўқув жараёнини ташкил этилиши учун асос бўладиган қоидалар деб атаган эди.

Дидактик принциплар – бу таълимнинг умумий мақсадлари ва қонуниятларига биноан унинг мазмуни, ташкил этиш шакллари, методлари ва воситаларини белгиловчи асосий қоидалардир. Бошқача айтганда, таълим принципларида таълим-тарбиянинг меъёрий асослари ўз ифодасини топади. Дидактик категория сифатида принциплар кўзланган мақсадга мос ҳолда қонун ва қонуниятлардан фойдаланиш усулларини тавсифлайди.

Қоида ўқитувчига аниқ у ёки бу вазиятда қандай хатти-ҳаракат, маълум талабларга амал қилиш зарурлигини кўрсатади. Педагог олимлар томонидан кўп сонли дидактик ва касб таълимининг хусусий принциплари эътироф этилган. Принциплар тарихийлик хусусиятига эга бўлиб, янгилари шакллантирилади ва эскилари эса такомиллаштирилиб борилади.

Педагогик жараён амал қилиши зарур бўлган қоидалар, яъни принципларнинг моҳиятини билиш ушбу жараён ҳақида аниқ билимга, тасаввурга эга бўлиш талаб этилади. Биз ўз касбий педагогик фаолиятимизда: педагогик жараённинг тизимлилиқ; асосланганлик; инсонпарварлаштириш; узлуксизлик; назариянинг амалиёт (ҳаёт) билан боғлиқлик; илмийлик; тушунарлилиқ; кўргазмалилик; онглилик ва фаоллик; пухталилик; тарихийлик; таҳсил оловчиларни индивидуаллаштириш ва табақалаштириш; мобиллик; модуллилик; қулай муҳит ҳосил қилиш; политехник; таълимни ишлаб чиқариш меҳнати билан қўшиб олиб бориш; ўқув жараёнида касбий фаолиятни моделлаштириш; иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик; предметлараро алоқадорлик; мақбуллиқ; таълим–тарбия жараёнида табиий ривожланиш ва ижтимоийлашув; ижтимоий-иқтисодий таъминот; мунтазамлилиқ; таълим мазмунининг барқарорлиги ва динамик ўзгарувчанлиги; ўқитишдан мустақил равишда ўқиб-ўрганишга ўтиш, редукциялаш каби принципларга амал қиламиз. (чизма)

Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларида педагогик кадрларни тайёрлашни ҳозирги замон ва истиқбол талабларига мослаштириш, фаол таълим омиллари, касбий таълимнинг хусусий принципларидан кенг қўламда фойдаланиш назарда тутилган. Шу боис, биз қуйида уларнинг баъзи бирлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Таълим мазмунининг барқарорлиги ва ўзгарувчанлиги принципи асосида диалектик миқдор ўзгаришларини сифат ўзгаришларига ўтиши ётади. Фан-техника тараққиёти ва илғор ишлаб чиқариш технологияларининг амалиётга тезкорлик билан жорий этилиши касбий таълим мазмунини белгиловчи ўқув-меъёрий ҳужжатларда ўз ифодасини топиши зарур. Бу ўзгаришларда таълим мазмунининг нисбатан паст даражаси юқори даражасига диалектик тарзда ўзгаради. Ҳозирги замон ва истиқбол талабларига жавоб берадиган кичик мутахассис кадрлар тайёрлашда нисбатан барқарор, асосий ядро ҳисобланган, билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатлар мажмуасини илмий асосда шакллантирмасдан тайёрлаш мумкин эмас. Шунингдек, замондан орқада қолиб кетмаслик учун фан-техника ва технологиялардаги ўзгаришларни мунтазам равишда ўрганиб бориш ҳам зарур.

Ўқув-дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фан-техника тараққиёти билан бевосита боғлиқ илмий, техник, технологик ва ташкилий-бошқарувга оид билим, кўникма, малака қўллаш муддати қисқариб боришини ҳисобга олиб бориш керак.

Ҳозирги пайтда фан ва техника соҳасидаги янгиликларни амалга жорий этиш муддати 4-6 йилни ташкил этиб, келгусида бу муддат янада камайиб боради. Шунга кўра ўқув-дастурий ҳужжатларда нисбатан узоқ вақт давомида барқарор, ўзгармайдиган компонентлар ўз ифодасини топиши зарур.

Таълим мазмунининг барқарорлиги ва динамик ўзгарувчанлиги диалектик бирлик ҳамда ўзаро алоқадорликни ўзида намоён этади. Ўқув-дастурий материалда барқарорлик унинг мазмунидаги ядро ҳисобланган муҳимини ажратиб олишни кўзда тутаяди. Бу асосий қоидалар ўз навбатида меҳнат ва ишлаб чиқариш табиатини ёритиб беради.

Мунтазам равишда янги тушунчалар, далиллар, хатти-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатларни йиғилиши бевосита сифат ўзгаришга олиб келиб, янги назариялар яратилишига сабаб бўлади. Бу ҳолат ўқув-дастурий ҳужжатларнинг такомиллаштирилишини талаб этади.

Ўзгарувчанлик аввал айтиб ўтилгандек, янги техника, технология, ташкил этиш ва бошқариш моҳиятини ёритади, янги энергия манбалари, хом-ашё материаллари ишлаб чиқаришни мақбуллаштириш, меҳнатни илмий ташкил этиш, алоҳида фан ютуқлари билан таҳсил олувчиларни таништириш, янгилик яратувчи, ихтирочилар тажрибаларини ўзлаштиришга имкон беради. Таълим мазмунининг барқарорлиги ва динамик ўзгарувчанлиги ўқув-дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқишда дастак ҳисобланиб, мазмуннинг ғоявий йўналганлиги, илмийлиги, тушунарлилиги,

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

мунтазамлиги, назария билан амалиётнинг боғлиқлиги, политехнизм каби касбий таълим принциплари билан чамбарчас боғлиқ.

Ўқув-дастурий ҳужжатларда барқарорлик ва динамик ўзгарувчанлик принципи ҳисобга олиниши қуйидаги талабларни бажаришга асосланади:

1. Ўқув-дастурий ҳужжатларда барқарорликни тавсифловчи, доимий (ўзгармас) ядрони аниқлаш.

2. Ўзгарувчан, уларни ўқув-дастурий ҳужжат мазмунига янги, истиқболли, асосланган ва батафсил текширилган, шу билан бирга тез ўзгарадиган қисмларни мунтазам равишда аниқлаш тузатиш киритиш.

Маълумки, олий таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёни қуйидаги уч тайёргарлик босқичдан иборат бўлади: асосий барқарор, махсус (динамик-ўзгарувчан) ва қўшимча. Бу босқичлар уларга мос ўқув материалларини жойлаштиришни аниқлайди, яъни назарий ва амалий таълим мазмунида у ёки бу даражада асосий ва махсус қисмларда ўз ифодасини топади. Бунда энг муҳими диққат-эътиборни алоҳида ўқув предметлари доирасидаги ўқув материални танлаб олишга қаратилиши зарур.

Асосий тайёргарлик: умумтаълим, умумкасбий, политехник билим, кўникма ва малакалардан иборат бўлиб, фан тарихи, илғор тажрибалар ва ишлаб чиқариш новаторларининг фаолиятларини ёритувчи маълумотларни ўзида ифодалайди. Бундан ташқари асосий тайёргарликка техник, технологик ва иқтисодий билимлар ҳам киради.

Махсус тайёргарлик – махсус билимлар билан бирга таҳсил олувчиларни унумли ишлаб чиқаришга оид кўникма ва малакаларини шакллантириш ва мустаҳкамлашни кўзда тутаяди.

Мутахассис меҳнатининг мазмуни ва характерига боғлиқ ҳолда ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш даражасига турли касб ва ихтисослик кесимида асосий ва махсус тайёргарлик нисбати турлича бўлади.

Алоҳида ўқув предметларининг мазмуни у тегишли бўлган фан мантиғи, технологик жараёндаги операцияларнинг кетма-кетлигига биноан билиш назарияси талабларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.

Алоҳида мавзулар мазмунида ўқув предмети техника, технология, уни ташкил этиш ва бошқариш, ишлаб чиқаришнинг янги ютуқлари кабилар ўз ифодасини топиши керак, бундан ташқари барча ўқув дастурларида техник қурилмаларнинг тузилиши, технологик жараёнларнинг кечиши, ишлаб чиқаришни ташкил этиш кабилар ҳам киритилади.

Бу илғор анъана янги таълим шакллари метод ва воситаларини қўллаш имконини беради.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

касбий тайёргарлик жараёнида умумэтироф этилган дидактик принциплар билан бир қаторда касбий таълимнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи принципларга ҳам асосланиш зарур. Барқарорлик ва ўзгарувчанлик бевосита фан-техника тараққиёти ҳамда ишлаб чиқариш технологиялари даражаси билан боғлиқ бўлиб, касбий таълим мазмунини такомиллаштиришда уни инобатга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Редукциялаш принципи - фан-техника тараққиёти, илғор ишлаб чиқариш технологияларининг амалиётга кенг кўлам ва тезкорликда жорий этилиши билан бевосита боғлиқ бўлган ахборотларнинг шиддатли оқими шароитида ўқув материални имкони борича қисқартириш, яъни энг муҳим тизим ҳосил қилувчи қисмини ажратиб олишни кўзда тутати. Бу қисқартириш Давлат таълим стандарти орқали белгиланган мазмуннинг етарли ва зарур даражасига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмаслиги керак.

Редукциялаш ибораси техника ва технологияларда қўлланиладиган, лотинча-инглизчадан олинган, “редуктор” тушунчасига ўзакдош бўлиб, “ахборот ҳажмини ўзгартириш” маъносида қўлланилади. Бунда таълим мазмунининг стандарт даражасида сақланиши асосий шарт ҳисобланади.

Зеро, янги техникаларни бошқариш, илғор ишлаб чиқариш технологияларини амалга оширишга лаёқатли мутахассис кадрлар тайёрлашга эришилса, ижтимоий ҳаётда эзгу ниятлар қарор топади.

Маълумки, Республикамизда узлуксиз таълим жараёни ўзининг мазмуни билан баркамол шахсни шакллантиришни кўзда тутати. Таълим мазмуни ижтимоий ҳодиса сифатида вужудга келиб, ўзининг дастлабки даврларида амалий аҳамият касб этган, яъни инсонларнинг ҳаётий эҳтиёжлари учун зарур ҳисобланган тажрибаларга бўлган талабини қондирган.

Таълим мазмуни тарихий характерга эга бўлиб, жамиятнинг маълум ривожланиш босқичида таълим мазмуни муайян аниқ мақсад ва вазифаларга қаратилган бўлади. Таълим мазмуни давр талаби, фан ва ишлаб чиқариш тараққиёти, жамиятнинг маданияти даражасига мос равишда ўзгариб боради.

Касбий йўналганлик принципи биринчидан, умумтаълим ўқув предметлари мазмунини мукамал эгалланиши кўзда тутилган касб ва ихтисослик билан боғлайди, иккинчидан, талабаларнинг ўқув билиш фаолиятларини фаоллаштиради, учинчидан, ўзлаштирилади билгимларнинг кўламини кенгайтиради ва чуқурлаштиради, тўртинчидан, билгимлар тизимлилигига эришилади, бешинчидан, таълим мақсади ва жараён иштирокчиларининг ҳамкорлик фаолиятини таъминлайди. Ўқитувчининг касбий йўналганлик принципига амал қилмаслиги таълим-тарбия самарасининг нисбатан паст бўлишига олиб келади.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Тайёрланаётган кичик мутахассислар эгаллаши зарур бўлган билим ва етарли мазмун даражаси ҳамда унинг пировард мақсадлари Давлат таълим стандартлари (ДТС, ТТС)да ўз ифодасини топади.

Узвийлик принципи - таълим жараёнида узвийлик бир босқичдаги билим, иш-ҳаракат усулларининг иккинчи юқори босқичга кўтариш билан боғлиқ алоқадорликни ўрнатиш йўли билан амалга оширилади. Бундай узвийликнинг муваффақиятли амалга ошишига энг камида қуйидаги икки омил ўз таъсирини кўрсатади:

1) ўқув-меъёрий ҳужжатлар ва аниқ ўқув предметларининг мазмуни (дастур, дарслик, кўрсатмали қўлланмалар)даги узвийлик;

2) таҳсил олувчиларнинг реал тайёргарлиги ва ўқитувчининг касбий маҳорат даражаси.

Сўнги йилларда республикамизда фаолият кўрсатувчи илғор педагогик жамоаларда дарс самарадорлигини ошириш ва такомиллаштиришга оид жуда катта ҳажмдаги ижодий ишлар қуйидаги йўналишларда олиб борилмоқда.

- дарсларни ўтказишда шаблон ва бир қолипчиликни бартараф этиш, ўқув жараёнида турли мазмун ва тузилмадаги дарсларни қўллаш;

- ўқув материални таҳсил олувчиларга етказиш билан уни дарсда мустаҳкамлашнинг турли шакллари уйғунлаштириш;

- ўқув-тарбия жараёнига таҳсил олувчиларнинг онглилиги, фаоллиги ва мустаҳкамлигини таъминлашнинг муҳим воситаси сифатида турли даражадаги амалий машқлар, топшириқлар тизимини киритиш;

- таҳсил олувчиларнинг мустақил ишлари миқдори ва мураккаблик даражасини аниқлаш;

- ўқув материални мустаҳкамлашнинг аниқ тизимини амалга ошириш;

- асосий, бош ўқув материалларини ажратиб олиб, уларни мукамал ўрганиш ва мустаҳкамлаш;

- таҳсил олувчиларни мустақил ўқиб-ўрганишга ўргатиш;

- уйга бериладиган топшириқларни меъёрлаштириш ва самарадорлигини ошириш;

- ихтисослик ўқув предметлари бўйича ўрганилаётган назарий ўқув материалларини ишлаб чиқариш таълими билан узвий боғлаб ўрганиш;

- индивидуал сўровларни камайтириш ва фронтал сўровлар доирасини вақт нуқтаи назаридан кенгайтириш;

- индивидуаллаштириш ва табақалаштириш имкониятларини берадиган ижодий мустақил ишларни қўллаш кабилар.


Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, касб - ҳунар коллежларида таълим мазмуни, ташкилий шакллари, амалга ошириш метод ва

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

воситаларининг бирлиги (яхлитлиги)да ўз ифодасини топади. Олий муסיқа таълими мазмунини танлаб олиш ва амалга жорий этишни умумий ҳолда куйидагича чизма тарзда ифодалаш мумкин:


Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Муסיқа таълими мазмунини танлаб олиш ва амалга жорий этиш



Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Топшириқ: Муסיқа таълими мазмунини танлаб олиш ва амалга жорий этиш
(мантикий схемаси) БЎШ ЖОЙЛАРНИ ТЎЛДИРИНГ!



I. Таълим методлари ахборотларни узатиш ва идрок этиш манбаига кўра куйидагича турланади:

1. Оғзаки (ҳикоя, суҳбат, маъруза);
2. Кўрсатмали (расмлар, диаграммаларни кўрсатиш, кинофильм, диафильмларни намоиш қилиш);
3. Амалий (тажриба-синов ишлари, машқ, ўқув ишлаб чиқариш меҳнати кабилар).

II. Ахборотларни узатиш ва идрок этиш мантикига кўра таълим методлари: индуктив, дедуктив ва традуктив (О. А. бизники) бўлади.

Индукция – хусусий, жузъий ҳодиса ва далиллардан умумий хулосага келиш усули, дедукция эса умумийдан хусусий хулоса чиқариш йўлидир.

Традукция-хусусийдан хусусий ёки умумийдан умумий хулоса чиқариш йўли эканлигини психолог олимларнинг сўнгги йиллардаги тадқиқотлари исботламоқда:

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси


III. Билимларни ўзлаштиришда ўқувчиларнинг фикр юритиш мустақиллиги даражасига кўра:

1. Маҳсулсиз (ўқувчилар нофаол иштирокчи сифатида қатнашадилар).
2. Маҳсулли (ўқувчиларнинг фаол изланувчан ўқув-билиш ва ишлаб чиқиш фаолиятида иштирок этишларини кўзда тутди).

II. Ўқув ишларининг бошқарилиш даражасига кўра:

1. Ўқитувчининг бевосита раҳбарлиги остидаги ўқув ишлари;
2. Ўқувчиларнинг ўз устиларида мустақил ишлашлари: (китоб) манбалар билан ишлаш; ёзма ишларни бажариш; лаборатория ишлари; меҳнат вазифаларини бажариш кабилар).

“Метод” тушунчаси моҳиятини ёритувчи қарашлар



III. Ўқиб-ўрганишга қизиқтириш методлари.

1. Ўқув-билиш ўйинлари;
2. Ўқув мунозаралари;
3. Эмоционал - ахлоқий вазиятлар.

VI. Бурч ва жавобгарликка рағбатлантириш методлари:

1. Ўқиб-ўрганишнинг муҳимлигига ишонтириш;
2. Талаблар қўйиш;
3. Талабларнинг бажарилиши юзасидан машқ қилдириш;
4. Рағбатлантириш ва жазолаш;

VII. Оғзаки назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари:

индивидуал сўров; ёппасига сўров; оғзаки синов; оғзаки имтиҳон; машинали ёки машинасиз назорат; оғзаки ўз-ўзини назорат қилиш.

VIII. Ёзма назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари: ёзма назорат ишлари; ёзма синов ишлари; ёзма имтиҳонлар; ёзма дастурлаштирилган ишларни бажариш; ёзма ўз-ўзини назорат қилиш.

IX. Лаборатория амалий назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари:

1. Лаборатория амалий назорат ишлари;
2. Машинали ёки машинасиз назорат ишлари;
3. Ўз-ўзини назорат қилиш учун мўлжалланган лаборатория амалий ишларини бажариш.

X. Шахсий ҳис-туйғуларни шакллантириш (тарбия) методлари: суҳбат; намуна бўлиш, маъруза; мунозара.

XI. Ижтимоий ахлоқий тажрибалар ва амалий фаолиятни ташкил этишни шакллантириш методлари: педагогик талаб; жамият фикр-мулоҳазалари; одатлантириш; машқлантириш; тарбиявий вазиятларни юзага (вужудга) келтириш.

XII. Одоб- ахлоқ ва хулқ- атворни рағбатлантириш методлари:

1. Мусобақа; 2. Моддий ва маънавий рағбатлантириш; 3. Жазолаш.

Реал педагогик жараёнда методларнинг қандай турлари бор ёки йўқлигини билиш эмас, балки улардан самарали фойдалана олиш муҳим аҳамият касб этади.

Таълим методлари ёки таълим жараёнини амалга ошириш усуллари ўқитиш ва ўқишдан иборат бинар хусусиятга эга бўлганлиги учун М.И. Махмутов уни икки томонлама бинар, яъни ўқитиш ва ўрганиш жиҳатларига деб эътироф этади.

Назорат саволлари

1. Баллония жараёнини қўллашга қаратилган ҳаракат мазмуни нима?
2. Модуль дастур нима?
3. Ўқув модули қандай ишлаб чиқилади?
4. Анъанавий таълим тизимида чуқур ўрнашиб қолган педагогик парадигмалар қандай?
5. Модуль бир неча блоклардан иборат?
6. Blended learning таълими деганда нимани тушунасиз?
7. Таълимнинг оммавийлашувида Интернет (“on-line”)нинг роли?
8. Масофавий таълим турининг хусусиятлари нималардан иборат?
9. Муסיқа таълимида замонавий стратегиялар нималарда акс этади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
2. Martina Freytag. “Chorleitung- effizient und lebensnah”. Gustav Boss Verlag. Кассел, Германия, 2011.
3. Назайкинский Е. Жанр и стиль в музыке – М, 2003.
4. Раҳимов Ш. Муסיқа санъатига ўргатиш методикаси. - Т.: Ўқув қўлланма, 2009. – 224 б.
5. Маданият соҳасига оид меъёрий ҳужжатлар тўплами. Ўз.Р.Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, 2010 й.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1- Амалий машғулот.

Машғулот турлари, шакллари.

- 1.1. Ихтисослик ўқув предмети ўқитувчисининг ўқув машғулотларини замонавий дарс тузилмаси асосида ташкил этиб ўқитиш методикаси.
- 1.2. Синф-дарс тизими.
- 1.3. Индивидуал таълимнинг устунлиги, ўқув фаолияти мазмуни, методлари ва суръатини тўла индивидуаллаштириш методлари; индивидуал таълим ўқитувчининг юқори педагогик малакага эга бўлиши.

Таянч иборалар: ихтисослик, дарс тузилмаси, синф-дарс тизими, индивидуал таълим, ўқув фаолияти мазмуни, метод, суръат.

1.1. Ихтисослик ўқув предмети ўқитувчисининг ўқув машғулотларини замонавий дарс тузилмаси асосида ташкил этиб ўқитиш методикаси.

(“Чолғу ижрочилиги ихтисослигида ифода воситалари устида ишлаш” мавзуси мисолида)

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

1) **Дарсинг мақсади** – таҳсил олувчиларда чолғу ижрочилиги ихтисослигида ифода воситалари устида ишлаш, ижро штрихлари, аппликатура жойлашиши, ифода воситалари ва улар воситасида асар мазмунини ёритиш бўйича касбий билим, ижро услублари ва шахсий фазилатларни шакллантириш.

2) **Дарсинг тури** - бинар (кўзда тутилган мақсад йўриқчи-ўқитувчи томонидан аввал тушунтирилади, уларни бажариш тартиби кўрсатилади ва кўзда тутилган ижро услублари ва шахсий фазилатлар машқ методи орқали ўзлаштирилишига эришилади).

3) **Таълим методлари:** кўрсатиб-тушунтириш, машқ.

4) **Жиҳозлар ва асосий манбалар:** чолғу асбоби; фортепиано; назарий маълумотлар банки, амалий топшириқ ва кўрсатмалар.

5) **Дарс бўйича назорат ишларининг кўриниши:** ижронинг солиштирма таҳлили, суҳбат, кузатиш, оғзаки сўров.

II. Долзарблаштириш.

1) **Таянч билимлар (тушунча ва далиллар) ва хатти-ҳаракат усуллари:** йирик шаклдаги муסיқий асар, асар нота матни, ижрочилик услублари, ижро техникаси, ифода воситалари устида ишлаш.

2) **Мустақил ишларнинг турлари:** асар матни устида ишлаш, ижро техникаси устида ишлаш, ифода воситалари назарий асосларини ўзлаштириш (ҳар кунлик мустақил ишлаш).

III. Янги тушунчалар ва хатти-ҳаракат усулларини шакллантириш.

1) Билим ва малакаларни такомиллаштириш, бадиий ижро учун зарур бўлган штрихлар тизими ўзлаштириш ҳамда ўзбек анъанавий муסיқада мавжуд орнаментларни (форшлаг, нахшлаг, мардент, трел кабилар) ижро этиш техникасини эгаллаш, нота билан чалиш, фортепиано жўрлигида ижро этиш малакаларини ўстира бориш, композиторларнинг мураккаб асарларини чалиш, махоратини сингдириб бориш. Ижро имкониятидан келиб чиққан ҳолда ва ўз махоратини ўстириш мақсадида ижро учун мустақил асарлар танлаш, мос ижро услубларини топиш ва ўрганилаётган асарларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, ўқувини ўстира бориш.

2) **Асосий ва иккинчи даражали муаммолар ҳамда мустақил ишларнинг турлари:**

- давлат аттестатсияси талаблари даражасидаги ижро жихатидан мураккаб асарларни, халқ куйларини махорат билан чалиш техникасини эгаллаш; мактаб дастурига киритилган барча кўшиқларга жўрнавозлик

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

қилиш, тинглаш учун берилган асарларни тўлақонли ижро этиш малакасини эгаллаш;

- мактабда синфдан ташқари муסיқий машғулотлар жараёнида чолғу ансамбли, дуэт, трио, кваттет жўравозликларини ташкил этиш тажрибасини эгаллаш; ўз устида мустақил ишлаш, асарлар танлаш, мустақил ўрганиш, нотага қараб равон ижро этиш ва ҳар бир асарни бадиий ва хушоҳанг ижро этиш малакасини шакллантириш..

IV. Қўллаш (кўникма ва малакаларни шакллантириш).

1) Мустақил ишларни тури:

а) Ўзбек муסיқаси ўзига хос ҳарактерли чизгиларни белгилаб берувчи, унинг асрлар давомида тиклаб бораётган миллий маданияти тили, турмуш тарзи, урф – одатлари, анъаналари ўзбек бастакорлари ижодида ўзининг бадиий ифодасини топиш;

б) Ўзбек композиторларининг асарлари мисолида турли полифония шакллари ва жанрлари билан танишиш орқали ўзбек муסיқий маданиятида оддий бир овозли оҳангдан полифония жанригача бўлган катта ва мураккаб йўлни босиб ўтилганини тушуниш ва англаш;

в) мустақил фикрлаш борасида талаба ўз ўқитувчисининг кўрсатма ва фикрларига кўр-кўрона эргашиб бўйсунуши эмас, балки бирон масала юзасидан ўзининг шахсий муносабатини ижро орқали билдира олиш.

2) Предметлараро алоқадорлик: сольфеджио, гармония, полифония, муסיқий асарлар таҳлили, ансамбль иштирокчиларига нисбатан муносабатлар кабилар.

V. Уйга вазифа

1) ижро техникасини такомиллаштириш мақсадида, гамма, арпеджио ва аккордлар кетма-кетлигини чалиб келиш.

2) чолғу асари таркибий тузилмасини, ундаги ифода воситалари тузилмаси схемаларини чизиб келиш.

Бундай дарс режаси асосида машғулотларни ташкил этиб ўтказиш ўқитувчидан кўпроқ меҳнат талаб этади, лекин самараси юқори. Чунки унинг ҳар бир босқичи аниқ нималарга аҳамият бериш зурурлигини ёритади.

Қутилаётган натижа (аниқ мақсад)лар:

Таҳсил олувчи машғулот якунида қуйидагиларни уддалаши шарт:

- Чолғу ижрочилиги ихтисослигида ифода воситалари устида ишлаш, ижро штрихлари, аппликатура жойлашиши, ифода воситалари ва улар воситасида асар мазмунини ёритиш бўйича касбий билим, ижро услублари ва шахсий фазилатларни шакллантиришни билади ва унинг моҳиятини тушунтириб бера олади;

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

- Чолғу асарини ифодали ижро этиш бўйича ифода воситаларининг назарий асосларини билади ва уларнинг моҳиятини тушунтириб бера олади.
- Ижро ҳолати, ижро техникаси ва аппликатурани тўғри бажара олади;

| | | | | | | |
|------|---|-----------|----------------|---------------|-------------|-----------|
| Т.р. | Назарий билимларни баҳолаш: Чолғу ижрочилиги ихтисослигида ифода воситалари устида ишлаш, ижро штрихлари, аппликатура жойлашиши, ифода воситалари ва улар воситасида асар мазмунини ёритиш бўйича касбий билим, ижро услублари ва шахсий фазилатларни шакллантириш. | | Талаб даражаси | Ахмадалиев А. | Раззоқов Д. | Тўраев А. |
| | Вақт | Бошланиши | | | | |
| | | Тугаши | | | | |
| 1 | Ифода воситаларини билиши | | 20 | | | |
| 2 | Ижрочилик ҳолати ва уларнинг хусусиятларини билиши | | 25 | | | |
| 3 | Ижро техникаси ва уларнинг назарий асосларини билиши | | 25 | | | |
| 4 | Асарнинг ифодали ижросини таъминлаш йўллари билиши | | 30 | | | |
| | | | 100 | 76 | 85 | |

0-56 балл- “кониқарсиз”; 57-70 балл- “кониқарли”; 71-84 балл – “яхши”
85-100 балл – “аъло”

| | | | | | | |
|------|---|-----------|-----------------|---------------|-------------|-----------|
| Т.р. | Амалий кўникмаларни баҳолаш: Чолғу ижрочилиги ихтисослигида ифода воситалари устида ишлаш, ижро штрихлари, аппликатура жойлашиши, ифода воситалари ва улар воситасида асар мазмунини ёритиш бўйича касбий билим, ижро услублари ва шахсий фазилатларни шакллантириш | | Стандарт (балл) | Ахмадалиев А. | Раззоқов Д. | Тўраев А. |
| | Вақт | Бошланиши | | | | |
| | | Тугаши | | | | |
| 1 | Ифода воситаларини амалий бажариш йўллари билиши | | 15 | | | |
| 2 | Ижрочилик ҳолати ва уларнинг бажарилишини билиши | | 15 | | | |

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

| | | | | | |
|---|--|-----|--|--|--|
| 3 | Ижро техникаси ва улардан фойдаланишни билиши | 20 | | | |
| 4 | Асарнинг ифодали ижросини таъминлаш йўлларини кўрсата билиши | 20 | | | |
| 5 | Асар матни ва ифода воситаларини тўла билиши | 40 | | | |
| | | 100 | | | |

0-56 балл- “базара олмади”; 57-70 балл- “қоникарли бажарди”; 71-84 балл – “талаб даражасида бажарди”; 85-100 балл – “ижодий ёндошган ҳолда бажарди”

1.2. Синф-дарс тизими.

Муסיқий таълим-тарбия жараёни иштирокчиларини ўзаро боғлиқ ҳамкорликдаги фаолиятларининг ташқи кўриниши касбий таълимнинг ташкилий шакли деб эътироф этилади.

Кишилиқ жамиятининг тарихий тараққиёти давомида таълимнинг ташкилий шакллари турлича бўлган.

Индивидуал таълим бир қатор афзалликларга эга, шунинг учун ҳам айниқса, касб-ҳунар тайёргарлигида бу усул бизнинг давримизгача сақланиб қолган. Унинг устунлиги ўқув фаолияти мазмуни, методи ва суръатини тўла индивидуаллаштиришга имкон беришидан иборат. Индивидуал таълим ўқитувчининг юқори педагогик малакага эга бўлишини талаб этади.

Индивидуал ўқитишнинг устунликлари билан бир қаторда қуйидаги камчиликлари ҳам мавжуд:

1) кўп вақт талаб этилиши; 2) ўқитувчи тасирининг чекланганлиги; 3) бошқа таҳсил олувчилар билан ҳамкорликда ишлаш имконияти чекланганлиги; 4) жамоада ишлаш тажрибасининг шаклланмаслиги.

Мазкур камчиликлар XVI асрдан бошлаб индивидуал ўқитишнинг аҳамиятини бир мунча пасайишига ва унинг муқобили сифатида таълимнинг индивидуал-гуруҳли шаклини келиб чиқишига имкон берди.

Таълимнинг индивидуал-гуруҳли шаклидан Европада, XVI асрда кенг фойдалана бошланди.

Индивидуал-гуруҳли шаклининг мазмуни машғулотларни ўқитувчи бир таҳсил олувчи билан эмас, балки тайёрлик даражаси турлича бўлган турли ёшдаги таҳсил олувчилар гуруҳи билан олиб боришидан иборат эди. Ўқитувчи навбат билан ҳар бир таҳсил олувчидан ўтилган материални сўрайди, янги саволларни тушунтиради, мустақил ишлаш учун индивидуал топшириқлар беради, қолган таҳсил олувчилар ўз ишлари билан шуғулланадилар. Ўқишни бундай ташкил этишда, таҳсил олувчилар

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

машғулотларга йилнинг турли даврларида ҳамда куннинг турли вақтларида келишлари мумкин бўлган.

XV - XVI асрларда Европада ишлаб чиқаришнинг ривожланиши кузатилди. Ушбу ўзгаришлар таълимнинг оммавий шаклини юзага келишига замин яратди.

Улардан бири XVII асрда Ян Амос Коменский томонидан “Буюк дидактика” асарида синф-дарс тизимини назарий жиҳатдан асослаб берди ва оммавийлаштирилишга муҳим ўз хиссасини қўшди. Коменский педагогикага ўқув йили, ўқув куни, дарс, машғулотлар орасидаги танаффус, ўқув таътиллари каби тушунчаларни киритди.

Синф-дарс тизими гарчи 360 йил аввал асосланган бўлсада, бугунги кунда ҳам кенг қўламда қўлланилиб келинмоқда.

Синф-дарс тизимининг мазмуни ўқув ишларини ташкил этишнинг ўзига хос шакли сифатида қуйидагилардан иборат:

- бир хил ёшдаги ва тахминан бир хилдаги тайёргарлик даражасига эга бўлган таҳсил олувчилар синф ёки гуруҳни ташкил этади. Бу синф ёки гуруҳ таълим муассасасида ўқишнинг умумий даврига асосан доимий тартибини сақлаб қолади;

- синф ёки гуруҳ фаолияти ягона йиллик режа ва дастур асосида, доимий дарс жадвали бўйича ташкил этилади, бунинг натижасида таҳсил олувчилар йилнинг бир вақти ва олдиндан белгиланган кун соатларида келишлари керак бўлади.;

- машғулотларнинг асосий бирлиги дарс ҳисобланади;

- дарс одатда бир ўқув предмети ёки мавзуга бағишланган бўлади, шу боис таҳсил олувчилар синф ёки гуруҳда битта материал устида ишлайдилар;

- дарсда таҳсил олувчиларнинг ишига ўқитувчи раҳбарлик қилади, у ўз фани бўйича ўқиш натижалари, ҳар бир таҳсил олувчини алоҳида билимини баҳолайди.

Синф-дарс тизими К.Д.Ушинский томонидан янада ривожлантирилди ва унинг барча устунликларини илмий асослаб берди. К.Д.Ушинский ҳар бир дарснинг бир-бири билан узвий боғланган қуйидаги учта қисмини ажратиб кўратади:

- 1) илгари ўрганилган билимлар асосида янги билимларни англашни амалга ошириш ва таҳсил олувчиларда материални жадал қабул қилишга мақсадли кўрсатмани яратишга қаратилади. Дарснинг бу қисми К.Д.Ушинскийнинг фикрича дарсга гўёки “эшик” ҳисобланади.

- 2) асосий масалани ҳал этишга йўналтирилади ва дарснинг муҳим, марказий қисми ҳисобланади.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

3) амалга оширилган фаолиятга яқун ясаш билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлашга қаратилади.

Афзалликлари: яхлит таълим-тарбия жараёнининг аниқ белгиланган тартиб асосида кечишини таъминловчи аниқ ташкилий тизим; жараённинг ўқитувчи томонидан бошқарилиши: ўқув муаммосининг таҳсил олувчилар ёки иштирокчилар жамоа бўлиб муҳокама қилиниши, масаланинг ечимини ҳамкорликда излаш жараёнида таҳсил олувчилар орасида ўзаро мусобақа муносабатларининг шаклланиши; ўқитувчининг таҳсил олувчилар ва уларнинг тарбиясига доимий эмоционал таъсир кўрсатиши; таълимнинг эмоционаллиги (зеро, ўқитувчи бир вақтнинг ўзида таҳсил олувчиларнинг катта гуруҳи билан иш олиб боради), ўқув фаолиятига мусобақалаштириш элементларини киритиш учун шароитнинг яратилиши, билимсизликдан билимларни мустақил равишда ўзлаштириш сари ҳаракатларнинг мунтазамлиги ва кетма-кетлиги.

Камчиликлари: тизимнинг ўртача даражада ўзлаштирувчи таҳсил олувчилар учун мўлжалланганлиги, бўш ёки жуда яхши ўзлаштирувчилар учун қийинчиликларнинг юзага келиши; ўқитувчи учун ўқитиш мазмуни ва ўқитиш суръатлари ҳамда методлари бўйича индивидуал ишларни ташкил этиш, шунингдек, таҳсил олувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишдаги қийинчиликнинг юзага келиши; катта ва кичик ёшли таҳсил олувчилар ўртасидаги муносабатларнинг қарор топмаслиги.

XIX аср охири XX аср бошларида, ақлий ривожланишида фарқи бўлган таҳсил олувчиларни ўқитишда индивидуаллаштиришга аҳамият қаратилди. Шунга мос равишда АҚШ ва Европада танлаб ўқитиш шакли юзага келди.

Европа ва АҚШда, XX аср бошида таҳсил олувчиларнинг индивидуал, фаол, мустақил ўқув ишларини таъминлашга қаратилган кўплаб таълим тизимларининг самарадорлиги синаб кўрилган.

XX асрнинг 20-йилларида америкалик У.Кильпатрик ишлаб чиққан таълимнинг лойиҳали тизими тарғиб қилина бошланди. Ўқитишнинг бу тизими талабаларнинг ўзлари лойиҳа ишлари мавзусини танлаб олишларидан иборат эди. У мавжуд ҳақиқий ҳаёт билан боғланган бўлиши ва ўқув гуруҳи ихтисослашишига қараб (йўналишлари) ижтимоий-сиёсий, хўжалик-ишлаб чиқариш ёки маданий-турмуш томонларини акс эттириши керак бўлган.

60-йилларда америкалик профессор педагог Люйд Трамк ишлаб чиққан Трамк режаси жуда машҳур бўлди. Ўқитишни ташкил этишнинг бу шакли катта аудиторияларда (100-150 нафар таҳсил олувчи) машғулотларни, 10-15 кишилик гуруҳларда ва талабаларнинг индивидуал ишларини биргаликда олиб боришни таклиф этган. Турли хилдаги техник воситалардан фойдаланиб умумий маърузаларни олиб боришга ўқув вақтининг 40 фоиз

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

миқдори ажратилади. Кичик гуруҳларда машғулотларга (семинарлар) – 20 фоизи, кабинет ва лабораторияларда индивидуал мустақил ишларни бажаришга 40 фоизи ажратилади.

70-йилларда ўқишни ташкил этишнинг ноанъанавий шакллари излаш давом эттирилди. Тажриба – синов мактабларини излаш биринчи навбатда синф-дарс тизимини модернизациялаштириш фикри билан боғлиқ бўлган. Изланишлар асосий масаласи – ўқишни индивидуаллаштириш эди. Ҳозирги пайтда XVI асрда Я.А. Коменский томонидан асосланган синф (гуруҳ) - дарс шакли ва замон ҳамда истиқбол талабларини ўзида акс эттирувчи ноанъанавий (баҳс-мунозара, семинар, семинар-тренинг, лаборатория-амалий машғулоти, саёҳат, давра суҳбати, викторина, факультатив, ўйин каби) шакллардан кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Синф-дарс тизимида машғулот талабалар ёши ва тайёргарлик даражасига биноан табақалаштирилиб, маълум ўқув дастури ва жадвал асосида ўқитувчи раҳбарлигида ташкил этилиб ўтказилади. Ҳозирги пайтда дарсларни ташкил этиб ўтказишга қуйидаги талаблар қўйилади:

1. Дарснинг мақсад ва вазифаларининг аниқлиги, ўзаро боғлиқлиги ҳамда психологик, педагогик, физиологик нуқтаи назардан мақбуллиги.
2. Дарснинг мазмунан ва тузилмавий жиҳатдан яхлитлиги.
3. Иштирокчиларининг онгли ўзаро ҳамкорлик фаолиятининг таъминланганлиги.
4. Талабаларнинг ўқиб-ўрганишлари, тарбияланишлари ва ривожланишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш.
5. Барча дидактик ва хусусий принципларга асосланганлиги.
6. Талабалар шахсини ҳурмат қилиш, уларнинг фаоллиги, эркинлиги, мустақиллиги, ижодкорлиги кабиларга шарт-шароит яратилиши кабилар.

Шу ўринда ҳозирги пайтда ҳам таълим-тарбияни яқка тартибда ташкил этиш шакли сақланиб қолган бўлиб, айниқса ундан талабаларнинг эҳтиёжи, хоҳиши, қизиқишлари, баъзан ўзлаштирмасликни бартараф этиш, узок вақтлар давомида тиббиёт ходимлари назоратида бўлган ёшларга кўмаклашиш мақсадида ундан фойдаланилмоқда.

Шундай қилиб, шу пайтгача бу тизимдан фойдаланиб келинмоқда, лекин унга муқобил тизим яратилганича йўқ.


Ҳозирги пайтда касбий таълимнинг ташкилий шакллари қуйидаги хусусиятларига биноан турланиши кўп сонли педагог олимлар томонидан эътироф этилган:

Нофаол. Бу жараёнда ўқув материали ўқитувчи томонидан тайёр ҳолда узатилади, таҳсил олувчилар фақат эшитадилар, кузатадилар ва имкон қадар хотирада сақлашга ҳаракат қиладилар.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Фаол. Касбий таълим жараёни иштирокчилари ўзаро бир-бирларига нисбатан фаол мулоқот ва муносабатда бўлиб, ўрганилаётган объект маъноси ҳамда моҳиятини англаб етадилар. Чунки бу жараёнда ўқитувчи ва таҳсил олувчилар орасида қайтар алоқа таъминланади.

Интерфаол шаклда таҳсил олувчилар ўзаро мулоқот ва муносабатлари йўлга қўйилиб, ўқитувчи ҳам, таҳсил олувчилар ҳам фаол иштирок этиб, ўрганилаётган объектнинг моҳияти англаниб, амалда қўлланиши ҳам аниқ мисоллар ёрдамида кўрсатилади. Бундай таълим шакллари баъзи бир педагоглар монологик, диалогик ва полиологик таълим сифатида ҳам талқин этадилар. Таълимнинг зикр этилган шакллари чизмада куйидагича тасвирлаш мумкин.



Синф-дарс тизимининг асосий ўзига хос жиҳатлари куйидагилар ҳисобланади:

- деярли бир хил таркиб, ёш ва тайёргарлик даражасидаги талабалар иштирок этади; таълим-тарбия жараёни ўзаро боғлиқ алоҳида-алоҳида қисмлар кўринишига эга бўлади;
- ҳар бир дарс ўқув режасига кирган маълум бир ўқув предметиға оид бўлади;
- дарслар мунтазам равишда алмашиб туради;
- касбий таълим дарсларига ўқитувчи, муҳандис-педагог, йўриқчи, тажрибали мутахассис кабилар раҳбарлик қилади;
- талабалар турли кўринишдаги ўқув-билиш фаолиятида иштирок этадилар.

Қуйидагилар синф-дарс тизимининг ижобий томонлари ҳисобланади:

- катъий ташкилий тузилмага эгалиги;
- иқтисодий кўрсаткичларининг нисбатан юқорилиги. Сабаби бир ўқитувчи бир вақтнинг ўзида кўп сонли талабалар билан ишлайди;
- ўзаро ҳамкорлик фаолиятини амалга оширишга қулай шароит яратилганлиги кабилар.

Шу билан бирга синф-дарс тизимининг қуйидаги камчиликлари ҳам эътироф этилган:

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Ўртача талабага мўлжалланганлиги; ҳар бир талаба билан индивидуал ишлаш имкониятининг йўқлиги; қатъий тузилмага эгаллиги ва шу кабилар.

Ижтимоий талаблар, касбий таълимнинг мақсад ва вазифалари, талабаларнинг талаб ва эҳтиёжлари, таълим-тарбия қонуниятлари, принциплари кабиларга кўра касбий таълим дарсларига қуйидаги талаблар қўйилади:

- фан-техника ва ишлаб чиқариш технологияларининг сўнгги ютуқлари, илғор, педагогик тажрибалардан имкон қадар фойдаланиш, таълим-тарбия қонуниятларига асосланиб дарс тузилмасини мақбуллаштириш;

- дарсда барча дидактик ва олий муסיқа таълимининг хусусий принципларининг мақбул нисбати ҳамда уйғунлигини таъминлаш;

- талабаларнинг онглилиги, қизиқиши, эҳтиёжлари, мойиллигини ҳисобга олган ҳолда фаол, маҳсулли ўқув-билиш фаолиятига шарт-шароит яратиш;

- ўқув материалининг мукамал ўзлаштирилиши учун фанлараро алоқадорликка амал қилиш;

- талабалар томонидан илгари ўзлаштирилган билимлар ва уларнинг ҳаётий тажрибаларига таянган ҳолда иш кўриш;

- талабаларнинг барча ижобий жиҳатларини рағбатлантириш, ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш йўли билан талабалар шахсини ривожлантиришга эришиш;

- дарснинг барча босқичларида мантиқий ва эмоционал ҳис-туйғуларга асосланиш;

- дидактик материаллар ва воситалардан самарали фойдаланиш;

- назарий материални амалиёт билан узвий боғлаб ўрганиш;

- зарурий билим, хатти-ҳаракат усуллари, оқилона фикрлаш ва амалий фаолият кўрсатиш усулларини таркиб топтириш;

- талабаларда мунтазам ва узлуксиз равишда ўқиб-ўрганиш, ўзининг билим ва касбий маҳоратини ошира бориш эҳтиёжини шакллантириш;

- дарсларни мукамал режалаштириш натижаларини олдиндан башорат қилиш, ташҳислаш ва шу кабилар.


Касбий таълимга оид замонавий дарсларда бир-бири билан узвий боғлиқ: таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи ва мотивацион мақсадларни уйғунлаштириш бу соҳада аниқ мақсадларни белгилаб олишни талаб этади.

Бундан ташқари касбий таълим методикасида ташкилий, психологик, бошқарувчилик, мақбул мулоқот ўрнатиш, ҳамкорлик қилиш, санитария-гигиеник, ахлоқий каби талаблар ҳам ҳисобга олинади.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Муסיқа таълимини ташкил этиш шакллари





Юқори сифат ва самарадорликка эришиш учун дарсларни турларинигина билиш камлик қилади. Бунинг учун ўқитувчидан қандай дарслардан қачон фойдаланиш мумкинлигини ҳам билиш талаб этилади.

Юқоридаги чизмадан кўриниб турибдики, саёҳат бир пайтда дарс, иккинчи ҳолда эса таълимнинг алоҳида шакли бўлиши мумкин.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Саёҳат, маслаҳат, уй иши, ўқув конференциялари, кўшимча машғулотлар, семинар - практикумлар, синов ва имтиҳонлар, дарсдан ташқари машғулотлар турлича бўлиб, ўқитувчидан ижодий ёндашув, эрудицияни талаб этади.

Биз, саёҳат бир пайтнинг ўзида ҳам дарс, ҳам алоҳида ташкилий шакл бўлиши мумкин, деб ўйлаймиз. Агар саёҳат белгиланган ўтказилиш вақти, иштирокчилари билан чегараланган қатъий жадвалга биноан аниқ мавзу бўйича ўтказилса, у саёҳат дарси деб эътироф этилади.

Ўқитувчи саёҳатни ташкил этишига қарамай, айрим ҳолларда ўзининг объекти (предмет, ҳодиса, жараён, воқеа, шахслар ва уларнинг ўзаро муносабатлари кабилар)ни мукамал билмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда машғулотни махсус шартномага кўра белгиланган мутахассислар ўтказиши, яъни ўтказиш муддатининг аниқ чегараланмаганлиги, яъни машғулот жадвалига маълум маънода амал қилинмаслиги туфайли у таълим-тарбиянинг махсус шакли сифатида тан олинади.

1.3. Индивидуал таълимнинг устунлиги, ўқув фаолияти мазмуни, методлари ва суръатини тўла индивидуаллаштириш методлари; индивидуал таълим ўқитувчининг юқори педагогик малакага эга бўлиши.

Инге Унт, А.С. Границкая, В.Д. Шадриков тадқиқотларида индивидуал ўқитиш ўқув жараёнини ташкил этиш шакли, модели сифатида белгиланади. Унда:

- педагог фақат биргина талаба билан ўзаро муносабатда бўлади;
- бир талаба фақат ўқитиш воситалари (китоблар, компьютер ва б.) билан ўзаро алоқада бўлади.

Индивидуал ўқитишда фаолиятнинг мазмуни, методлари ва суръати талабанинг хусусиятларига мослаштирилади.

Шахсий ёндошиш деганда:

- у педагогиканинг тамойили бўлиб, унга кўра педагог ўқув – тарбия ишлар жараёнида талабаларнинг шахсий хислатларини ҳисобга олган ҳолда айрим талабалар билан индивидуал модел бўйича ўзаро муносабатда бўлиш, индивидуал хусусиятларига асосланиш;

- ўқув жараёнида талабаларнинг индивидуал хусусиятини ҳисобга олиш;

- барча талабаларнинг ривожланишигина эмас, балки ҳар бир талабага алоҳида ривожланиш учун психологик–педагогик тадбирлар яратиш тушунилади.

Ўқитишни индивидуаллаштириш;

Мустиқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

- ўқув жараёнини ташкил этиш бўлиб, унда ўқитиш усуллари, суръатини танлаш талабанинг индивидуал хусусиятлари билан боғланади;
- индивидуал ёндашувни таъминловчи турли ўқув-методик, психологик-педагогик ва ташкилий-маъмурий тадбирлардир.

Шундай қилиб, дидактика бўйича амалга оширилган тадқиқотларга кўра ўқитишни индивидуаллаштириш ўқув жараёнининг шундай ташкил қилиниши, унда индивидуал ёндашув ва индивидуал шакл устувор ҳисобланади.

Ўқитишни индивидуаллаштириш қуйидаги муаллифлик технологияларида асослаб берилди:

- *Инге Унтнинг ўқитишни индивидуаллаштириш технологияси;*
- *А.С. Границкаянинг мослашувчан ўқитиш технологияси;*
- *В.Д. Шадриковнинг индивидуалликка қаратилган режа асосида ўқитиш технологияси.*

Инге Унтнинг ўқитишни индивидуаллаштириш технологиясидаги асосий концепция ҳозирги шароитда ўқитишни индивидуаллаштиришнинг муҳим шакли талабаларнинг мактабдаги ва уйдаги мустақил ишлари деб қоидалаштирилган. Инге Унт унинг мазмуни ва методикаси деб мустақил ишлар учун индивидуал ўқув вазифалари, жорий ўқув адабиётига мослаштирилган, индивидуаллаштирилган мустақил ишлар қўлланмаси асосида нашр этилган иш дафтарларини тушунади.

А.С.Границкая ўзининг мослашувчан ўқитиш тизимини синф-дарс тизимида ташкил этиш ва унда ўқитувчи 60-80% вақтини талабалар билан индивидуал ишлашга ажратиш мумкинлигини қайд қилади. А.С.Границкая методикасининг ўзига хослиги унинг дарсни муайян ғайриодатий қурилма асосида ташкил этишидир:

- *Биринчи қисм – барчани ўқитиш;*
- *Иккинчи қисм – икки параллел жараён: талабаларнинг мустақил ишлари ва ўқитувчининг айрим талабалар билан индивидуал ишлаши, яъни умумлаштирилган схемалардан фойдаланиш, алмашилиб турувчи жуфт ўқитувчи бўлиб ишлаш, мослашувчан кўп қиррали вазифалар ва б.*

В.Д.Шадриков гипотезасига кўра агар болага мураккаблашиб борувчи вазифаларнинг тафсилоти берилса, унга ўрганиш жараёнини мотивациялаш таклиф этилса, лекин болага шу бугун унинг учун мумкин ва қулай ишлаш имконияти қолдирилса, талабалар қобилияти самарали ривожланади деб ҳисобланади. В.Д.Шадриков методикаси асосини ҳар бир талабанинг қобилиятига қараб ўқитишга имкон берадиган олти даражадаги ўқув режаси, дастур ва методик қўлланма ташкил этади. Ҳар бир фаннинг мураккаблик даражасига кўра кучи етган вариантни танлаб олиб, талабалар синфда тез-тез алмашиб туради ва фаннинг ҳажми ва мазмунини қўлдан чиқармай

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

биргаликда ўқув дастурини ўзлаштиришга ҳаракат қиладилар. Мураккаблик даражасини танлаш тезликда амалга оширилади, «баъзан» уни амалга ошириб бўлмайди, чунки у синфдаги талабаларнинг тенглашиш, талабаларнинг қобилияти ҳолатига боғлиқ бўлади.

Мураккабликнинг олти даражаси амалда барча болаларга эътибор беришга, барчанинг кучи етадиган, талабанинг қобилиятига, унинг ривожланишига мосланган, ўқув жараёнини ташкил этишга имкон беради.

Бу ўқитишни индивидуаллаштириш муаллифлик технологияси негизда умумий тамойиллар мавжуд:

- *индивидуаллаштириш ўқитиш жараёни стратегиясидир;*
- *индивидуаллаштириш–индивидуалликни шакллантиришнинг зарурий омили;*
- *барча ўрганиладиган фанларда индивидуаллаштирилган ўқитишдан фойдаланишнинг мумкинлиги;*
- *индивидуал ишларни ўқув фаолиятининг бошқа шакллари билан интеграциялаш;*
- *индивидуал суръатда, услубда ўрганиш.*

Индивидуаллаштириш технологиясининг умумий хусусиятларига куйидагилар киради;

- *ўзлаштира олмасликка олиб келувчи омилларни қайд қилиш;*
- *фикрлаш жараёнида билим, малака, кўникмаларни эгаллаш индивидуал камчиликларни тузата олиш усуллари;*
- *оила тарбиясидаги мотивациянинг бўлинмаслиги, ироданинг сустлиги камчиликларини қайд қилиш ва енга олиш;*
- *қобилиятли ва истеъдодли талабаларга нисбатан ўқув жараёнини оптималлаштириш (ижодий фаолият, синф ва синфдан ташқари ишларни ҳисобга олиш);*
- *ўқитиш жараёнини танлаш эркинлигини бериш;*
- *умумий ўқув малакалари ва кўникмаларини шакллантириш;*
- *талабаларнинг ўз-ўзига мос баҳо бера олишини шакллантириш;*
- *ўқитишнинг техник воситаларидан, шунингдек, ЭҲМдан фойдаланиш.*

Ўқитишни индивидуаллаштириш технологиясига куйидагилар киради:

Батов тизими. АҚШда ишлаб чиқилган бу тизимда ўқув жараёни икки қисмга бўлинади:

Биринчи қисм- бутунича синф иши.

Иккинчи қисм- индивидуал машғулотлар.

Бундай машғулотлар унга зарурият сезган талабалар билан ё умум томонидан қабул қилинган меъёрлардан орқада қолмаслик ёки нисбатан ривожланган қобилиятлари билан ажралиб турганлар билан бир қаторда бўлишини таъминлаш мақсадида ўтказилади.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Юқори қобилиятли категория талабалар билан ўқитувчи, нисбатан камроқ қобилиятли ва қолоқ талабалар билан ўқитувчи ёрдамчиси шуғулланади.

Трамп режаси – бу технология АҚШда жуда машхур. Бу ўқитиш шакллари шундай тизимики, унда катта аудиториядаги машғулотлар кичик гуруҳлардаги индивидуал машғулотлар билан қўшиб олиб борилади.

Замонавий техник воситалар ёрдамида 100-150 кишидан иборат катта гуруҳларда юксак малакали ўқитувчилар, профессорлар лекция ўқийдилар. 10-15 кишидан иборат кичик гуруҳлар эса лекция материалларини муҳокама қиладилар, баҳс юритадилар.

Индивидуал ишлар эса мактаб кабинетларида, лабораторияларида ўтказилади. Лекция машғулотларига 40%, кичик гуруҳлардаги машғулот 20%, кабинет ва лабораториялардаги индивидуал ишларга 40% ажратилади. Одатдаги синф тушунчаси йўқ, кичик гуруҳлар ҳам доимий эмас.

Интерфаол дарс турлари:

- 1) Компьютер симуляция,
- 2) Иш ва ролли ўйинлар,
- 3) Воқеа ҳодисаларни таҳлил қилиш,
- 4) Психологик тренинглари

Назорат саволлари

1. Таълимнинг индивидуал-гуруҳли шакли?
2. Синф-дарс тизимининг мазмуни ўқув ишларини ташкил этишнинг ўзига хос шакли сифатида нималардан иборат?
3. Таълимнинг лойиҳали тизими қандай?
4. Ҳозирги пайтда дарсларни ташкил этиб ўтказишга қандай талаблар қўйилади?
5. Муסיқа таълимини ташкил этиш шакллари?
6. Индивидуал таълимнинг устунлиги нимада?
7. Ўқитишни индивидуаллаштириш қайси муаллифлик технологияларида асослаб берилди?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
2. Martina Freytag. “Chorleitung- effizient und lebensnah”. Gustav Boss Verlag. Кассел, Германия, 2011.
3. Назайкинский Е. Жанр и стиль в музыке – М, 2003.
4. Узбекская музыка на стыке столетий (XX-XXI вв.), проблемы (коллективная монография). Ташкент, 2008.
5. Рахимов Ш. Муסיқа санъатига ўргатиш методикаси. - Т.: Ўқув қўлланма, 2009. – 224 б.

6. Маданият соҳасига оид меъерий хужжатлар тўплами.
Ўз.Р.Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, 2010 й.

2-Амалий машғулот. Дарслик ва электрон дарслик ҳамда ўқув ва электрон ўқув қўлланмалардан фойдаланиш методикаси.

Режа:

2.1. Дарслик ва электрон дарсликдан мустақил таълим олишда ва ўқув материалларини ҳар томонлама самарали ўзлаштиришда фойдаланиш методлари.

2.2. Электрон дарсликда фаннинг ўқув материаллари талабага интерактив усуллар билан, психологик ва педагогик жиҳатлар, замонавий ахборот технологиялари, аудио ва видео анимациялар имкониятларидан ўринли фойдаланиш.

Таянч иборалар: *технологик харита, компьютер технологиялари, электрон дарслик, мустақил таълим, аудио, видео, анимация.*

2.1. Дарслик ва электрон дарсликдан мустақил таълим олишда ва ўқув материалларини ҳар томонлама самарали ўзлаштиришда фойдаланиш методлари.

Сўнги йилларда замонавий ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш бўйича қатор қонунлар қабул қилинди. Буларга 2003 йил иккинчи чақириқ 13-сессияда қабул қилинган “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги ва “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунлар ҳамда 2004 йил иккинчи чақириқ 14-сессияда қабул қилинган “Электрон тижорат тўғрисида”ги ва «Электрон хужжат айланиши тўғрисида»ги қонунларни мисол келтириш мумкин.

Хусусан, 2003 йил 13 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири АКТнинг сўнги ҳолатини ҳисобга олган ҳолда аввалгисидан фарқ қилиб, унда қуйидаги тамойиллар ўз аксини топган:

- ҳар кимнинг ахборотни эркин олиш ва тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириши, ахборот ресурслари-дан эркин фойдаланишини таъминлаш;
- давлат органларининг, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари, шунингдек, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ахборот тизимлари асосида республиканинг ягона ахборот майдонини яратиш;

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

- халқаро ахборот тармоқлари ва Интернет - жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шароит яратиш;
- давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ҳамда ривожлантириш, уларнинг бир-бирига мослигини ва ўзаро алоқада ишлашини таъминлаш;
- ахборот технологияларининг замонавий воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини шакллантиришга кўмаклашиш;
- дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини ривожлантиришни рағбатлантириш;
- соҳа йўналишида тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароитлар яратиш.

Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ 13-сессиясида қабул қилинган “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонун иқтисодиёт, бошқарув ва бошқа соҳаларда ҳужжат юритишнинг бутунлай янги технологиясига ўтиш учун ҳуқуқий йўриқнома вазифасини бажармоқда.

Шу вақтгача “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонун жаҳоннинг 70 га яқин мамлакатларида қабул қилинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳам ана шундай мамлакатлар қаторидан ўрин олди.

Айтиш жоизки, шу вақтгача республикамизда электрон рақамли имзодан фақат банк фаолиятида электрон тўловларни амалга оширишдагина фойдаланилар эди. “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши бу тизимдан фойдаланиш кўламини кенгайтиришга ҳуқуқий пойдевор бўлди. Республика даражасида электрон рақамли имзодан фойдаланишни тўғри ташкил этиш энг долзарб ва мураккаб вазифалардан бири ҳисобланади. Электрон рақамли имзо тизимини шакллантиришда тизимнинг тузилмасига кирувчи барча компоненталарнинг функционал вазифалари, мажбуриятлари, уларга қўйиладиган талаблар ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг аниқлаб берилиши электрон рақамли имзодан фойдаланишни ташкил этишдаги энг асосий ва бирламчи босқич ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунга асосан Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг асосий вазифалари белгилаб берилган. Шунингдек, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тўғрисидаги

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

низом ҳамда унинг ҳудудий бошқармасининг намунавий ва марказий аппаратининг ташкилий тузилмаси тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон рақамли имзодан фойдаланишнинг ҳуқуқий-норматив базасини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ушбу қонуннинг бажарилишини таъминловчи меъёрий ҳужжатлардан ҳисобланади.

Мактаблар, лицейлар, коллежлар талабаларининг, олий таълим муассасалари талабаларининг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Интернет тармоғининг миллий сегментида таълим ва билим берадиган ахборот ресурсларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида умумтаълим тармоғини яратиш тўғрисида”ги қарори имзоланди.

Унда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликларининг ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг республикадаги турли тузилмалар томонидан маълумотлар узатиш тармоқларида ташкил этилаётган таълим ва ёшларга мўлжалланган ахборот ресурсларини ягона "ZiyoNET" ахборот тармоғига бирлаштириш ва тизимлаштириш тўғрисидаги таклифи маъқулланди.

Хусусан, тегишли вазирликларга "ZiyoNET" тармоғини шакллантириш ва ривожлантиришни, шунингдек, Ресурс маркази ва бўлимларининг тармоқ ахборот ресурсларини мунтазам суръатда жамлаш ва янгилаш борасида самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш топширилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг "Ўзинфоком" Компьютер ҳамда ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий қилиш маркази таркибида Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари ҳузуридаги бўлимлари билан "ZiyoNET" тармоғининг Ресурс марказини ташкил этиш лозимлиги қайд этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг “Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори асосида Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва Давлат органларининг ахборот тизимларини ташкил этиш тартиблари тўғрисидаги низомлар тасдиқланган.

Давлат солиқ хизмати органларининг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда солиқ тўловчиларга ахборот хизматлари кўрсатишни янада такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан молиявий ҳисоботлар ва ҳисоб-китоблар тақдим этишда электрон ҳужжат айланишини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатиш ва Давлат солиқ хизмати органларининг ахборот

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори имзоланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2006-2010 йилларда солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатиш ва давлат солиқ хизмати органларининг ахборот тизимини такомиллаштириш дастурида назарда тутилган тадбирлар бажарилишига доир ишлар ташкил этилишини таъминлаш лозимлиги ўқтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда кутубхона тармоғини ташкил қилишни такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маданий, маънавий-ахлоқий кадриятларни сақлаб қолишга йўналтирилган принципал янги ахборот марказларини ташкил этиш, шунингдек, аҳолини янада кенгроқ ва тизимли ахборот билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида имзоланган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Унда Қорақалпоғистон Республикасининг Республика кутубхонаси, вилоятлар илмий-универсал кутубхоналари, шунингдек, Тошкент шаҳар марказий кутубхонаси негизда, идоравий жиҳатдан Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига бўйсунувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказлари ташкил этиш ҳамда бу марказларнинг асосий вазифалари қилиб, қуйидагилар белгиланди:

- таълим муассасалари талабалари ҳамда аҳолининг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мунтазам таълим олиши ва мустақил равишда таълим олишига кўмаклашиш;
- миллий маънавий-ахлоқий кадриятларни кенг кўламда тарғиб қилиш, халқнинг маданий-тарихий меросидан баҳраманд бўлишини таъминлаш, маънавий бой ва уйғун камол топган шахснинг ижодий ўсиши учун имконият яратиб бериш;
- янги ахборот технологиялари (маълумотлар электрон базалари, Интернет ресурслари) асосида аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш;
- маданий, таълим, ахборот ҳамда бошқа дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун таълим муассасалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, миллий маданият марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш;
- универсал ахборот ресурслари, миллий ва хорижий нашрлар (босма, аудиовизуал, электрон ва бошқа) фондларини шакллантириш, сақлаш ҳамда фойдаланиш учун бериш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш воситасида жисмоний ва юридик шахслар билан тезкор ўзаро ҳамкорликни таъминлаш, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлардан кенг фойдаланишни таъминлаш мақсадида юзага келган норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизматлари тўғрисидаги низом ҳамда базавий интерактив давлат хизматлари реестри тасдиқланган.

2.2. Электрон дарсликда фаннинг ўқув материаллари талабага интерактив усуллар билан, психологик ва педагогик жиҳатлар, замонавий ахборот технологиялари, аудио ва видео анимациялар имкониятларидан ўринли фойдаланиш.

Компьютерда мультимедиа (аудио, видео) маълумотларини намойиш этиш. Компьютер ҳозирги кунда ҳисоблашларни бажарибгина қолмай, балки муסיқа ва видео маълумотларни ҳам қайта ишлаш ва намойиш қилиш имкониятига эга.

Компьютерда муסיқа тинглаш учун компьютерга қўшимча карнай (колонка) ёки қулоққа тақиладиган махсус ускуна уланган бўлиши талаб қилинади. Шундан сўнг муסיқаларни намойиш этишга мўлжалланган махсус дастур (Winamp) ёрдамида муסיқа тинглаш мумкин. Ҳозирги кунда компьютерларда муסיқаларнинг MP3 формати кенг тарқалган.

Компьютерларда видео намойиши унинг экрани орқали амалга оширилади. Бунда видеофильмларни намойиш этишга мўлжалланган махсус дастурлар (Media player) ёрдамида фильмларни компьютер экранида томоша қилиш ва унинг овозини карнайлар орқали эшитиш мумкин. Ҳозирги кунда компьютерларда видео маълумотларнинг MPG ва AVI турлари кенг тарқалган.

Муסיқалар ва видеолар одатда компакт дисклар ёрдамида ташилади ва уларда сақланади. Дисклардаги муסיқа ва видеолар эса компьютернинг диск талаба қурилмаси ёрдамида намойиш этилади.

Компьютернинг салбий ва ижобий томонлари. Компьютердан фойдаланиш бўйича маълум меъёрлар, қоидалар ва талаблар мавжуд. Бунга компьютернинг жойлашиши, хонанинг ёруғлиги, ҳаво алмашишига

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

бўлган талаблар ва техника хавфсизлиги қоидалари киради. Компьютер ишлаш вақтида ўзидан электромагнит тўлқинларни тарқатади, бу эса ўз навбатида компьютердан узоқ вақт фойдаланилганда инсон соғлиғига зарар етказиши мумкин. Компьютернинг нотўғри жойлашиши фойдаланувчининг танаси тузилишига, компьютер жойлашган хонанинг ёруғлик даражаси эса компьютернинг фойдаланувчи кўриш қобилиятига таъсирини белгилайди.

Интернет конференциялар. Интернет конференциялар – бу муайян муаммони ҳал қилаётган гуруҳ иштирокчиларининг Интернет тармоғи орқали конференция алоқаси ёрдамида ўзаро ахборот алмашилиш жараёнидир. Табиийки, бу технологиядан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси чекланган бўлади. Компьютер конференцияси иштирокчилари сони аудио– ва видеоконференциялар иштирокчилари сонидан анча кўп бўлиши мумкин. Адабиётларда телеконференция атамасини кўп учратиш мумкин. Телеконференция ўз ичига конференцияларнинг уч турини: аудио, видео ва компьютер конференцияларини олади.

Аудиоконференциялар. Улар ташкилот ёки фирманинг ҳудудий жиҳатдан узоқда жойлашган ходимлари ёки бўлинмалари ўртасида коммуникацияларни сақлаб туриш учун аудиоалоқадан фойдаланади. Аудиоконференцияларни ўтказишнинг энг оддий техника воситаси сўзлашувда иккитадан кўп иштирокчи қатнашувини таъминлайдиган кўшимча қурилмалар билан жиҳозланган телефон алоқаси ҳисобланади. Аудиоконференцияларни ташкил этиш компьютер бўлишини талаб этмайди, фақатгина унинг иштирокчилари ўртасида икки томонлама аудиоалоқадан фойдаланишни кўзда тутди. Аудиоконференциялардан фойдаланиш қарорлар қабул қилиш жараёнини енгиллаштиради, у арзон ҳам қулай.

Видеоконференциялар. Улар ҳам аудиоконференциялар қандай мақсадларга мўлжалланган бўлса, шундай мақсадларга мўлжалланган, лекин бунда видеоаппаратура қўлланилади. Уларни ўтказиш ҳам компьютер бўлишини талаб этади. Видеоконференция жараёнида бир-биридан анча узоқ масофада бўлган унинг иштирокчилари телевизор экранида ўзларини ва бошқа иштирокчиларни кўриб турадилар. Телевизион тасвир билан бир вақтда овоз ҳам эшитилиб туради. Видеоконференциялар транспорт ва хизмат сафари харажатларини анча қисқартириш имконини берса ҳам, аксарият ташкилот ёки фирмалар уларни фақат шу сабабларга кўра қўлламайдилар. Бу фирмалар бундай конференцияларда муаммони ҳал қилишга ҳудудий жиҳатдан офисдан анча узоқда жойлашган кўп сонли менежерларни ва бошқа ходимларни ҳам жалб этиш имкониятини кўрадилар.

Ziyonet таълим тармоғи ва ундан фойдаланиш.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

ZiyoNET жамоат ахборот таълим тармоғи 2005 йил 28 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида”ги 2005 йил 28 сентябрдаги қарорига мувофиқ ташкил топган.

ZiyoNET тармоғининг асосий мақсади таълим тизимида республика ёшлари ҳамда таълим олувчиларни билим олиш жараёнида ахборот-коммуникация хизматларини кўрсатишдан иборат.

ZiyoNET портали. ZiyoNET ахборот таълим тармоғи ёшларни, мураббийларни, шунингдек аҳолининг турли қатламини керакли ахборот билан таъминлаш, АТ соҳасида керакли маълумотларни бериш, мулоқат қилиш ва тажриба алмашинишлари учун зарур имкониятларни яратиб беришни ўз зиммасига олади.

Фойдаланувчилар. ID.UZ тизимидан рўйхатдан ўтган фойдаланувчиларга ZiyoNet портали ўз имкониятларини намоён қилишлари учун барча шароитларни яратиб беради. Жумладан,

– ZiyoNet порталининг кутубхонасига ахборот – таълимий маълумотларни жойлаштириш;

– учинчи даражали «zn.uz» доменида сайт-сателитларни яратиш;

– ZiyoNET порталининг ёпиқ бўлимларига кириш ва у ердан маълумот олиш;

– ZiyoNET ахборот ресурс тармоғининг турли танловларида катнашиш.

ZiyoNet тармоғига уланиш. Ҳукумат қарорига мувофиқ барча таълим муассасалари (уланиш объектлари) ZiyoNET ахборот таълимий тармоғи негизида бирлашишлари керак.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта-махсус касб-ҳунар таълим маркази, Халқ таълими вазирлиги ва Давлат тест маркази веб сайтлари ва улардан фойдаланиш.

Ушбу таълим вазирликлари сайтлари ўзларида олий таълим ва унинг фаолияти, олий таълим муассасалари, ўрта-махсус касб-ҳунар таълими ва унинг фаолияти, ўрта-махсус касб-ҳунар таълим муассасалари, халқ таълими ва унинг фаолияти, республика мактаблари, таълимнинг меъёрий ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни мужассамлаган. Таълим муассасалари вазирликлари сайтлари манзиллари

– Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги веб-сайти: www.edu.uz

– Ўрта-махсус касб-ҳунар таълим маркази: www.markaz.uz

– Халқ таълими вазирлиги веб сайти: www.eduportal.uz

– Давлат тест маркази веб сайти: www.dtm.uz

Интернет орқали видео мулоқот. Интернет орқали видео мулоқот деганда фойдаланувчилар бир бирларини компьютер экранида (он-лайн тарзда) кўриб турадилар, яъни фойдаланувчиларнинг ҳаракатли тасвирлари бир-бирларига узатилади. Бу видео алоқани амалга ошириб берувчи қурилма веб камера деб номланади. Интернет орқали видео мулоқот жараёнида мулоқотда қатнашаётган барча фойдаланувчилар бир бирининг гапини эшитибгина қолмай, балки бир-бирларини кўриб ҳам туришади.


Веб камера ва унинг аҳамияти. Веб камера алоҳида қурилма бўлиб, у компьютер воситасига уланади ва Интернет тармоғи орқали мулоқотларда ишлатилади.

Веб камерадан фойдаланиш ва у орқали мулоқот қилиш учун Интернет тармоғи уланган бўлиши ҳамда ҳар бир фойдаланувчи компьютерида веб камера қурилмаси ўрнатилган бўлиши шарт.




Веб камера фойдаланувчиларга жуда ҳам кўп қулайликларни яратиб беради, яъни суҳбат жараёнида фойдаланувчилар қаерда жойлашганлигидан қатъий назар бир-бирларини кўриб турадилар. Интернет тармоғи орқали видео мулоқотлар Скайп, Мейл Агент, Google Talk, ICQ дастурлари орқали амалга оширилади.


ISpring ва унинг имкониятлари




Музыка санъати фанларини ўқитиш методикаси Новый курс орқали янги курс очилади



ISpring панели воситасида менюлар сатри очилади:




Тест менюси орқали янги тестлар тузиш мумкин.




Вопрос теста менюси орқали 11 турдаги анъанавий ва ностандарт тестлар банкига эга бўламиз:

Музыка санъати фанларини ўқитиш методикаси




Презентациянинг 1-ойнасида тестлар пайдо бўлади




Интерактивность менюси воситасида электрон китоб манбаасига эришамиз:

Музыка санъати фанларини ўқитиш методикаси



Китоб муқоваси ва бетларига турли расм, персонаж, матнлар, аудио ва видео материалларни киритиш имконияти мавжуд.



Назорат саволлари

1. Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунда келтирилган тамойилларни тавсифланг?
2. Компьютерда мультимедиа (аудио, видео) маълумотларини намоиш этиш қайси дастурлар орқали амалга оширилади?
3. Интернет тармоғи орқали конференц алоқаси ёрдамида ўзаро ахборот алмашилиш жараёни қандай номланади?
4. Ziyonet жамоат ахборот таълим тармоғи қачон ташкил топган?

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

5. Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги веб-сайти?
6. ISpring ва унинг имкониятларини тавсифлаб беринг

Фойдаланилган адабиётлар

1. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000. – 218 б.
2. Martina Freytag. “Chorleitung- effizient und lebensnah”. Gustav Boss Verlag. Кассел, Германия, 2011.
3. Kurt Redel. Taktschlagen oder Dirigieren. Germany. 2005.
4. James L.McHard. “The Future of modern Music”. Sad Edition. Англия, 2005.
5. Маданият соҳасига оид меъерий хужжатлар тўплами. Ўз.Р.Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, 2010 й.

3-Амалий машғулот. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.

Режа:

- 3.1. Илғор хорижий тажрибалар асосида ўқув-услубий мажмуаларни яратиш.
- 3.2. Модул асосида дарсларни ташкил этиш услубиёти.

Таянч иборалар: хорижий тажриба, модул тизими, тьютер, эдвайзер, blended learning, аралаш таълим, Баллония тизими.

3.1. Илғор хорижий тажрибалар асосида ўқув-услубий мажмуаларни яратиш.

Модулли таълим юқорида айтиб ўтилганидек “субъект-субъект” муносабатларига қурилган. Шу сабабали талабаларнинг мустақил фаолиятига катта эътибор қаратилади. Талаба мустақил фаолиятини самарали бўлиши учун педагогдан турли хилдаги маслаҳатлар тизими талаб қилинади. Шу сабабли хориж тажрибасида педагогик ёрдамнинг турли кўринишлари такомиллашиб борди ва бугунги кунда педагогик фаолиятига кўра бир қанча тушунчалар келиб чиқишига сабаб бўлди. Улардан баъзиларини кўриб чиқамиз.

Тьютер - (лот. *tutorem* – маслаҳатчи) фаолияти талабаларга ўқув жараёнига мослашиш, вужудга келувчи айрим саволларга жавоб топишга ёрдамлашишга қаратилган.

Эдвайзер- (advisor - қадимги француз сўзи “avisen”, “ўйламоқ” сўзидан олинган) индивидуал ҳолда диплом иши, курс ишини ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқот олиб бориш, индивидуал дастурларни ишлаб чиқиш жараёнида маслаҳатчидир.

Фасилитатор (ингл. **facilitator**, лот. *facilis* — «енгил, қулай» деган маънони билдиради) — **фасилитатор** груҳларда фаолиятни ташкил этишда

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

кўмаклашади. У гуруҳлардаги фаолиятни самарали бўлишини таъминлаши, гуруҳда соҳлом комуникацияни ўрнатиши, гуруҳда ишлаш қоидаларига ва регаментларга амал қилишни таъминлаши жоиз. Фасилитатор гуруҳда қулай психологик муҳитни яратади ва фаолиятни самарали бўлишига ёрдам беради. Ушбу тушунча мумтоз психолог Роджерс Карл томонидан киритилган бўлиб, инглиз забон мамлакатларининг таълим муассасаларида кенг фойдаланилади. 1989 йилдан буён Халқаро бош фасилитаорлар ассоциацияси (The International Association of Facilitators) фаолият юритиб келмоқда. Бугунги кунда унинг фаолиятида 63 давлатнинг 1200 аъзоси иштирок этмоқда. Фасилитатор фаолияти турли моделларда учрайди. Қозоғистон миллий тиббиёт университетиде бўлажак шифокорларни касбий фаолиятини моҳиятини чуқур тушиниши ва ўз шахсини мутахассис сифатида тараққиётини таъминлашда психологик-педагогик ёрдам кўрсатишга йўналтирилган. Фасилитатор фаолияти ҳар қандай тренингнинг таркибига киради. Турли амалий фаолиятларни онлайн тизимида, гуруҳларда ташкил этиш жараёнида фасилитаторлик хусусиятлари ўз аксини топади.

Модератор - ([лот. moderor](#) — меъёрлаштираман, текшираман) қабул қилинган қоидаларга амал қилишни текширади, талабаларнинг қобилиятларни очилишига, билиш фаолиятини активлаштиришга ёрдам беради.

Супервизор- қуйидаги тўрт фазифани бажаради: ўқитувчи сифатида ўргатади, фасилитаторлик, маслаҳатчи, эксперт вазифани бажаради.

Супервизия — бу ўзаро муносабатлар тизими бўлиб, супервизор томонидан касбий фаолиятга оид бошқа мутахассисга маслаҳатлар беришни кўзда тутаяди. Бу фаолият айниқса психотерапевтларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Супервизия касбий компентентликни оширишга, билим, кўнкмаларни янада такамоллаштиришга ва шахсий камолотга эришишга ёрдам беради. Баъзи мутахассисликларни ўқув режасида (Клиник психология) “Супервизорлик ” курси ўқитилади. У мажбурий амалий курс ҳисобланади. Умуман олганда, юқорида қайд этилган тушунчалар бир маъно ва бир вазифани ўзида акс эттирмайди. Улар орасида аниқ чегара ўтказиш қийин. Улар ҳаммаси маслаҳат тизимида эга бўлиб, қандайдир фаолиятга урғу берган ҳолда олиб борилади. Лекин турли олийгоҳларда ушбу фаолиятлар турлирча номланиши ҳам мумкин.

Кейинги вақтларда модулли таълим тизимида комплекс ёндашув тамойили кучайиб бормоқда. Унда турли шакл, усуллар мослаштирилган ҳолда жойлаштирилмоқда. Бугунги кунда аралаш таълим инновация сифатида кириб келмоқда.

Деклан Берн "blended learning" (аралаш таълим) ҳақида шундай дейди- ушбу таълим бой педагогик тажрибадан самарали фойдаланишга қаратилган. Бундай ёндашув ахборотни тақдим этишда турли методикалардан фойдаланишни, таълимни ташкил этишда ва таълим жараёнида ахборот технологиялари, индивидуал ва гуруҳларда анъанавий фаолиятни ташкил

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

этишга асосланиши мумкин. Бундай турлича ёндашув талабани чарчатмайди ва ўқишга бўлган мотивларини кучайтиради. Асосий масала танланган методикаларнинг ўзаро муттаносиблигини таъминлаш ва кам ҳаражат асосида юқори самарадорликка эришиш ҳисобланади.

Аралаш таълим кўпроқ тренингларни ташкил этишни талаб этади. Тренингларни ташкил этишда қуйидаги босқичларга эътибор қаратиш лозим:

1. Тайёргарлик босқичи.
3. Мақсадларни аниқлаб олиш босқичи.
4. Тренингни ўтказиш босқичи.

Бугунги кунда blended learning таълими деганда кундузги анъанвий таълим ва масофавий таълимнинг элементларини комбинацияси ҳам тушунилмоқда. Бу тизимда ўқитувчи таълим марказида қолади ва интернет имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланди. Айтиш жоизки, ахборот технологияларининг таълим тизимидаги ахамияти бешкиёс, тобора унинг янги кўринишлари таклиф этилмоқда. Таълим тизимига ушбу технологияларнинг кириб келиши тарихига назар ташласак.

XVIII аср охирида Европада, мунтазам равишда фаолият кўрсатувчи ва кўпчилик аҳоли учун имкониятли бўлган почта алоқасининг жорий қилиниши натижасида “корреспондентлик ўқуви” пайдо бўлди. Талабалар почта орқали ўқув материаллари олар ва ўқитувчилар билан ёзма алоқа олиб борардилар ҳамда илмий иш шаклида ёки ишонч билдирилган шахсга имтиҳон топширардилар. Россияда бундай шакл XIX аср охирида пайдо бўлди. XX аср боши технологияларнинг жўшқин ривожланиши радио ва телевидениенинг пайдо бўлиши масофавий ўқитиш усулларига янги ўзгаришлар киритди. Бундай технологияларнинг кириб келиши жамият ҳаётининг кескин ўсиши билан боғлиқ бўлиб, талабалар аудиторияси бир неча юз баробар ошиб кетди. XX асрнинг 50-йилларидан ўқув-телекўрсатувлар ташкил қилина бошлади. Бироқ телевидение ва радиода олиб борилаётган бундай ўқув машғулотларининг жиддий камчилиги мавжуд эди, яъни талабада қайтарув алоқа олиш имкониятлари мавжуд эмас эди. 1969 йил Буюк Британияда жаҳонда биринчи бўлиб масофавий таълим университети очилди. Университет "Буюк Британия очик университети" деб номланди. Унинг бундай номланишининг сабаби, машғулот аудиторияларига тез-тез бориш зарурияти бўлмаган ҳолларда, юқори бўлмаган ҳақ ҳисобига масофавий билим олиш имкониятларини очиш эди.

Хорижий мамлакатларда масофавий ўқитиш дастурлари асосида фаолият юритувчи машҳур университетлар вужудга келди. Жумладан, University of South Africa 1946. Fern Universitat in Hagen (Германия, 1974). Миллий технология университети АҚШ 1984 (инженер мутахассислиги бўйича дастурлар асосида масофавий машғулотлар олиб борилади), Хаген очик университети (Германия), ИНТЕС коллеж Кейптаун (ЮАР), Испания масофавий ўқитиш миллий университети, Британия очик университетининг очик бизнес мактаби, Австралия ҳудудий ахборот тармоғи ва ҳоказолар. Масофадан ўқитиш таълимининг оммавийлашувида Интернет

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

(“on-line”)нинг роли, телекоммуникацияларнинг ўрни, барча инсонларнинг Интернетга баробар очик ташрифи учун йўлак WWW (Web) технологиясини яратган олим Тим Бернерс Лининг хизмати бекиёсдир. Ҳозирги кунда масофавий таълим АҚШда мукамал шаклланган бўлиб, унинг вужудга келиши 1970-йиллар охирига бориб тақалади. Дунёда интерактив таълим олишнинг кўплаб базалари вужудга келяпти. Жумладан, Британия очик университетига қаршли масофавий таълим умумжаҳон марказининг маълумотлар базасини мисол қилиб келтириш мумкин. Дистант услубида Халқаро Кенгаш фаолият кўрсатяпти, “D – Learning” – масофавий таълим олаётган тингловчиларнинг сони тобора ортиб борапти. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида шахсий компьютер имкониятларининг ошиши ўқитиш тизимини содалаштириш ва автоматлаштириш билан боғлиқ янги имкониятларни вужудга келтирди. Компьютер ўргатувчи дастурлар ҳар хил ўйинлар шаклида пайдо бўлди.

XXI аср компьютерлари ва Интернет масофавий ўқитишнинг тезкорлик ва содалаштирилган тартибда кенг тарқалишига имкон берди. Интернет радио ва телевидениега нисбатан жуда катта силжишларга олиб келди. Ҳар қандай талаба билан у қаерда жойлашганлигидан қатъи назар мулоқотга киришиш ва қайтарув алоқага киришиш имкониятлари пайдо бўлди. Тезкор интернетнинг тарқалиши ўқиш учун “онлайн” семинар тизимига ўтиш имконини берди ва натижада масофавий ўқитиш тизими вужудга келди. Масофавий ўқитиш жараёнида тингловчиларнинг ҳамма вақт аудиторияда бўлиши талаб қилинмайди. Масофавий ўқитишни амалга оширувчи кўпчилик ўқув муассасаларида умумий машғулотлар ўтказиб келинмоқда, айрим ҳолатларда улар кечки вақт ёки дам олиш кунлари ўтказилади. Бундай машғулотларда тингловчиларнинг қатнашиши шарт эмас, бироқ тингловчиларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш учун уларнинг бундай машғулотларда иштирок этиши жуда фойдали ҳисобланади.

Масофавий ўқиш таълим беришда икки асосий ёндашишни изоҳлаб беради – булар кенгайтириш ва трансформация моделларидир. Кенгайтириш моделида ўқитиш технологияси ҳозирги анъанавий усулдан деярли фарқ қилмайди. Трансформация модели ўқитувчи ва тингловчи ҳамкорлиги учун ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини ўзида мужассам қилади.

Бугун масофавий таълимнинг яна бир тури «webinar» (1998 йилда бу термин мулоқатга киритилди) технология вужудга келди. Вебинар технология ўқитишни web –технология асосида интерактив ҳолда ташкил этишни назарда тутди. Бу технология нафақат тингловчиларга ахборотни етказди балки, улар билан мулоқатга киришиш (оғзаки, ёзма) имконини яратади, яъни семинар кўринишида фикрларни алмашиш, ўз фикрини баён этиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда интернет тармоғи асосида ташкил этилувчи таълим ҳам субъект-субъект парадигмасига ўтмоқда.

3.2. Модул асосида дарсларни ташкил этиш услубиёти.

1999 йил 19 июнда Европанинг 29 давлатининг таълим тизими вазирилари томонидан Болония декларацияси имзоланди ва 2010 йилга қадар Европанинг барча давлатлари ана шу тизимга кириши назарда тутилган.

Европа талабалари кенгаши (11 миллион талаба 37 давлатдан) 2001 йил Болония жараёнини қўллашга қаратилган ҳаракат фаолиятиини ўз зиммасига олди ва 2 йил давомида талабаларнинг фикрларини ўрганади. Албатта қарама-қарши фикрлар кўп бўлган. Ижобий жиҳатлари ва камчиликлар аниқланган. 2005 йил ушбу жараённи танқидий ўрганишга кирилишган ва “Черная Книга Болонского процесса” деган маълумотномани тақдим этилди. Унда кредит тизимини самарасига ва магистратурада ўқиш учун катта маблағ талаб этилаётгани, талаларга етарли даражада эркинлик берилмаётганлиги ва ҳаддан ташқари меҳнат бозорига специализация қилинаётганлиги ҳақида ёзилган.

Ижобий жиҳатлари:

1. Болония жараёнига қўшилиш талабалар ва педагогларнинг мобил ҳаракатини таъминлайди. Талаблар билан алмашиш кенгайди.

2. Иш билан таъминланиш даражаси кенгайди.

Замонавий педагогик технологияларни бир неча турга бўлиш мумкин:

3. Муаммоли таълим технологиялари.

4. Дидактик- ўйинларга асосланган технологиялар.

5. Ҳамкорлик технологиялари.

6. Модулли технологиялар.

Модулли технологиялар- энг замонавий технология бўлиб, модуль блокларидан ташкил топган ахборотни тизимли равишда қайта ишлаш ва таҳлил қилишга, талабанинг мустақил фаолиятига асосланган, Б.К.М. диагностикасида турли шаклларидадан фойдаланган ҳолда ташкил этилувчи яхлит жараён.

Модуль - мазмуний ва мантиқий яқунга эга бўлган, дидактик жиҳатдан ишлаб чиқилган, натижага қаратилган, кириш ва чиқиш назоратларидан иборат бўлган бирликдир.

Модуль дастур- бир фан доирасидаги модуль блокларининг йиғиндисидир бўлиб, эришиш лозим бўлган дидактик мақсад, қўлланиладиган усуллар ва воситалар йиғиндисидир.

Ўқув модули – нисбатан мустақил, мантиқий яқунга эга бўлган ўқув курсининг бўлагидир. У ўқув методик таъминотдан назарий ва амалий қисмлардан, топшириқ ва жорий ҳамда якуний назорат каби қисмлардан иборат.

Модулли технологиялар мустақил фаолият асосида талабаларда билим, кўникмаларни шакллантириш, уларда режалаштириш, ўз-ўзини бошқариш ва назорат қилиш, ўзлаштириш бўйича самарали натижани таъминлашга

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

қаратилган энг самарали ёндашувлардан бири бўлиб қолмоқда. Модул бу шундай мақсадгша йўналтирилган боғламки, у ўзида ўрганиладиган мазмунни ва уни ўзлаштириш технологиясини акс эттиради.

Бугунги кунда талаба шахсини барча имкониятларини юзага чиқариш учун албатта таълим шахсга йўналтирилган характерда бўлиши талаб этилади. Бунинг учун таълимни ташкил этиш жараёнида талабанинг қобилиятлари, эҳтиёжлари ва ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш лозим. Ана шу элементлар ҳисобга олинган тақдирда ўз–ўзидан табақалаштирилган, ривожлантирувчи, ўқишга бўлган мотивларни кучайтирувчи “субъект-субъект” концепциясига асосланган таълим тизими келиб чиқади.

Анъанавий таълим тизимида чуқур ўрнашиб қолган педагогик парадигмалардан бири бу субъект-объект муносабатларидир. Бу ёндашув немис педагоги И.Ф.Гербард томонидан (1776-1841йиллар) киритилган. Бундй ёндашувда педагог субъект рлини бажаради ва қандай ўқитиш, қандай талабаларни ишлаб чиқиш, талабалар жамоасини қай йўналишда ривожлантиришни фақат ўз ёндашуви асосида ҳал этади. Талабалар эса пассив ҳолда объект рлини бажаради. Талабаларнинг асосий фаолияти эслаб қолиш, тушиниш, қўллашга ўрганиш ҳисобланади. Бу парагдимага қарши ғояни америкалик педагог Д. Дьюи ишлаб (1859-1952) чиқади. Унинг фикрича нимани ва қандай ўқиш лозим деган саволларга жавоб топишда талабага ҳам эркинлик бериш ва унинг ҳохишларини ҳисобга олиш лозим. Токи талаба ўз фаолиятини, ўз тақдирини, ўз ҳаётини мустақил бошқаришга фаол киришсин. Бу концепция “субъект-субъект” муносабатлари сифатида тан олинди ва кўпгина ривожланган давлатлар таълим тизимида ўз ўрнига эга.

Айтиш жоизки, таълим тарихида йиғилган бой дидактик тажрибанинг ижобий жиҳатлари ўз аксини модулли таълимда топди.

“Модулли таълим ” тушунчаси 1971 йилларда Дж.Рассел томонидан киритилди. Рассел модулни ўқув пакети сифатида талқин этади ва унга ўқув материалининг концептуал бирлигини ўрганишга оид ҳаракатларни киратади. Б.М.Гольдшмид – модулни талабага маълум кўзланган натижага етишга ёрдам берувчи мустақил бирлик сифатида талқин этади (1972 й).

Г.Оуенс модулни ёпиқ комплекс сифатида талқин этади ва бу комплексга ўқитувчи, талаба, ўрганиладиган ахборот материали, воситаларни киритади.(1975 й).

Замонавий тадқиқотчилардан бири П.А.Юцявичене модулни маълум даражадаги мустақил ахборотдан ҳамда мақсадли равишдаги методик бошқарув асосида мақсад қилиб қўйилган натижаларни таъминлашга қаратилган бирлик сифатида таҳлил этади.

Н.В. Борисова, В.М. К.Я. Вазина, Гареев, Е.М. Дурко, В.В. Карпов, М.Н. Катханов, С.И. Куликов, П. Юцявичене ва бошқа олимларнинг фикрларини ўрганиш натижасида қуйидаги кўринишлардаги модулларни ажаратиш мумкин:

- мустақил концептуал кичик бирлик;

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

- модуль мустақил бирлик сифатида бир ўқув курсини ўз ичига олиб, бир неча блокларни ўзида мужассам этади;

- модуль маълум мутахассисликка тегишли бўлган бир қанча ўқув предметларни ўзида мужассамлаштирувчи фанлараро бирлик бўла олади;

- аниқ бир мутахассисликни эгаллашга йўналтирилган касбий таълим модули.

Бундан ташқари “модуль” тушунчасига тегишли бўлган бир қанча **хусусиятларни ажратиш мумкин:**

- Мақсад;
- Турли хил турдаги ўқув фаолиятини интеграцияси;
- Методик таъминот;
- Мустақил ривожланиш;
- Таълим жараёнидаги талабанинг мустақиллиги;
- Ўқув ахборотини таҳлил қилиш ва структуралаштириш кўникмаси;
- Назорат ва ўз-ўзини назорат;
- Талабанинг таълим олишдаги шахсий траекторияси.

Модуль бир неча блоклардан иборат бўлиши мумкин:

1. Блок. Кириш назорати- янги мавзунини ўрганиш учун мавжуд базавий ва қолдиқ билимларни текширишга қаратилган.
2. Блок. Назарий блок. Мавзунинг ҳар бир мантиқий бўлаги учун тузилган ахборот ва кўргазмалар материаллардан иборат (Ахборот расм, диаграмма, схемаларда тўлиқ кўрсатилиши мақсадга мувофиқ).
3. Блок. Назарий ахборотни ҳар бир бўлагини талабалар билан биргаликда таҳлил этишга қаратилган.
4. Блок. Амалий блок. Назарий билимлар асосида талабаларнинг амалий фаолиятини ташкил этиш.
5. Блок. Чуқурлашиб борувчи блок. Мавзуга оид соҳа бўйича мураккаб топшириқларни бажариш.
6. Блок. Назорат блоки. Бажарилган топшириқларни назорат қилиш.
7. Блок. Назорат натижаларини таҳлил этиш. Умумий йўл қўйилган ҳатоликларни аниқлаш ва таҳлил қилиш.
8. Блок. Чиқиш назорати. Мавзу бўйича белгиланган топшириқларни бажариш ва топшириш.

Модулли ёндашув тамойиллари:

- ◎ Модуллик
- ◎ Мазмунни структуралаштириш
- ◎ Динамик ҳаракатни таъминлаш (соддадан-мураккабга)
- ◎ Фаолиятлик
- ◎ Мослашувчанлик (гибкость)
- ◎ Натижаларни олдиндан аниқлаш
- ◎ Маслаҳатларнинг турли-туманлигини таъминлаш.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Модуль туралри:

- ◎ Назарий модульлар(Назарий билимларни шакллантиришга йўналтирилган модуллар).
- ◎ Амалий модульлар (Амалий кўникмаларни ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган модуллар).
- ◎ Технологик ёки аралаш модуллар (назарий билим, амалий куникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган модуллар).

Модулнинг таркибий қисмлари.

Модул дастур комплекс дидактик мақсаддан (КДМ) ва бу мақсадга эришишга хизмат қилувчи модуль блоклари йиғиндисидан иборат.

Модул дастурини ишлаб чиқиш учун асосий ғояларни ажаратиб олиш ва блок-модулларда структуралаштириш, сўнгра комплекс дидактик мақсадларни шакллантириш талаб этилади. Комплекс дидактик мақсадлар модул-блокларининг мақсадларига, яъни интегратив дидактик мақсадларга (ИДМ) ва хусусий дидактик мақсадларга (ХДМ) бўлинади, уни эса ўз навбатида ўқув элементлари ташкил этади.

Модул дастурларнинг мақсади албатта малакали мутахассисни етиштиришга хизмат қилади. Модул дастурнинг мақсадини тузишда ана шу мутахассисга қандай талабалар тизими қўйилаётган эканини аниқлаб олишдан бошланади. Бугунги кунда Россияда мутахассисга қўйиладиган умумий талабалар тизими ўрганилиб уларни уч асосий гуруҳга ажратилмоқда. Мутахассисни компентентлигини аниқловчи критерийларни кўйидаги категорияларга бўлиш мумкин

*** Инструментал компентенциялар:**

- анализ ва синтез қобилиятига эга бўлиш;
- режалаштириш ва ташкил этиш қобилияти;
- умумий базавий билимларга эга эканлиги;
- мутахассислик бўйича базавий билимларни эгаллаганлиги;
- она тилида бемалол мулоқатга кириша олиш;
- ахборот технологияларидан фойдалан олиш малакалари;
- ахборот материали билан ишлаш қобилияти;
- муаммоларни ечиш қобилияти;
- Қарорлар қабул қилиш қобилияти.

*** Комуникатив компентентлик:**

- танқид ва ўз-ўзини танқид қила олиш;
- груҳда фаолият кўрсатаолиш;-ўзаро мулоқатга кириша олиш;
- ахлоқий қадриятларни тан олиш;
- турли халқлар маданиятига хурмат билан қараш;
- бошқа йўналишда фаолият юритувчи экспертлар билан муносабатга кириша олиш.

*** Тизимли компентентлик:**

- билимларини амалда тизимли равишда қўллаш олиш;
- тадқиқот олиб бориш;
- янги ўроитга мослашиш;

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

- ижод қилиш;
- лидерлик қобилиятини ўстириб бориш;
- индивидуал ҳолда фаолият юритиш қобилияти;
- лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни бошқариш;
- тадбиркорлик ва янги ғояларни илгари суриш;
- масулиятлилиқ;
- муваффақиятга эришиш мотивининг ривожланганлиги³.

Танланган мутахассислик бўйича умумий дидактик мақсадлар тасдиқланган стандартда ўз аксини топган. Модул дастурини ишлаб чиқишда ана шу стандарт талабларига асосланилади.

Модулларни ишлаб чиқишда учта асосий компонентга эътибор қаратиш лозим:

1. Модул спецификацияси.
2. Модулнинг назорат блокинни ишлаб чиқиш.
3. Модулнинг ўқув материални ишлаб чиқиш.

1.Модул спецификацияси-ана шу модул ҳақида тўлиқ маълумотни ўзида акс эттиради. Унинг таркибига қуйидагилар киради:

1.1.Модулнинг номи. Модулларнинг номлари мазмунга мос бўлиши ва қайтарилишларга йўл қўймаслик лозим.

1.2.Ўқитишнинг мақсади. Мана шу модулни ўзлаштириш натижасида қандай фаолият юритиш имкони туғилиши, касбий тайёргаликдаги ахамияти ёритиб берилиши лозим. Талабанинг режали тараққиёти акс этирилиши мақсадга мувофиқ.

1.3.Ўқитиш натижалари. Модулни ўрганиш натижасида қандай билимларни эгаллаши, қанадй кўникма ва малакалар шакллантирилиши санаб ўтилади. Ўзлаштириш жараёни тугагандан сўнг талаба қандай фаолиятни қандай шароитларда бажара олиши кўрсатилади. Натижалар узвий бирликка эга бўлиб, ўқитиш мақсадларидан четга чиқмаган ҳолда шакллантирилиши лозим. Натижаларни текшириш жараёнида бир неча кўникмаларни эгалланиши назарда тутилиши лозим. Одатда бир модул 3-5 турдаги кўникмани эгаллашга қаратилган бўлиб, уни эгалланганлиги мақсадга эришилганлик даражасини кўрсатади. Эришиладиган натижалар аниқлаштирилган мақсадларни шакллантириш қоидалари асосида шакллантирилади.

3. Модулнинг назорат блокинни ишлаб чиқиш.

3.1. Баҳолаш мезонлари. Баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда фаолият объекти, бажариладиган фаолият тури, фаолият сифати, бажарилган фаолиятнинг стандартлари кўриб чиқилади. Баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда ўқитиш натижаларига мос ҳолдаги фаолият тури ишлаб чиқилиши лозим. Ҳар бир натижани текшириш мезонлари 4 ёки 6 тадан ошмаслиги

³Проворова О.Г.Принципы модульного обучения. Красноярск-2006-32 с.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

тавсия этилади.

3.2. Ўзлаштириш даражаси. Ўзлаштирилганлик даражасини чуқурлигини кўрсатувчи мезонлар ишлаб яқилади, баъзи ҳолларда уни ишлаб чимқиш шарт эмас, агар у баҳолаш мезонларида кўрсатилган бўлса. Ўзлаштирилганлик даражасини исботловчи эришилган натижа турли кўринишда бўлиши мумкин. Ўзлаштириш объекти- тайёрланган предмет, амалий топшириқ, оғзаки ёки ёзма жавоблар тарзида бўлиши мумкин.

3.3. Модулга кириш назорати. Модулни ўрганиш учун зарур бўлган таълим ва билимлар тизимини кўрсатади.

3.4. Ўқув жараёнини давомийлиги. Давомийлик Ўқув соатлари ёки зачёт бирликлари кўринишида акс этади.

3.5. Баҳолаш. Баҳолаш тизимини ишлаб чиқаётганда унинг ҳаққонийлигига ва ишончли бўлишига эътибор қаратиш лозим. Якуний назорат алоҳида ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Баъзи модулларда ягона баҳо ҳам қўйилиши мумкин. Баҳолаш тизими модулнинг характеридан келиб чиқиб танланади.

3.6. Модулнинг тушунтириш хати. Ушбу хат тавиялар кўринишида бўлиб, педагог шахсига йўналтирилган. Унда педагогга қўшимча тавсиялар, баҳолаш жараёнини олиб боришнинг янги имкониятлари, қўллаш мумкин бўлган усулларга тавсиф берилади. Проект, портфолио каби усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

4. Ўқув материали.

Ўқув материали ахборот матнини ва дидактик воситаларни ўзида акс эттиради. Ахборот матнида адабиётлар, иловалар ва ҳаволалар ўз аксини топади. Қайтар алоқани амалга ошириш учун ахборотни ишлаб чиқишда жорий назорат учун топшириқлар ва уларни ишлаб чиқиш намуналарини киритиш тавсия этилади. Ахборот материали тушунарли, лўнда ва кўрғазмали бўлиши лозим.

Модулли таълим индивидуал ёндашув воситасидир. Талаба мустақил равишда ёки педагогнинг маълум маслаҳатларидан фойдаланган ҳолда қўйилган дидактик мақсадга эришади. Ўқитувчи ва талаба ўртасида ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилади. Ўқитувчига ўзлаштириш жараёнини тўғри баҳолаб бориш, талабанинг мустақил фаолиятини самарали ташкил этиш, унинг тараққиётини кузатиб боришек масъулият юклатилади. Талаба фаолиятини самарасини баҳолаш, ўз вақтида коррективлар киритиб туриш лозим.

Модулни таркибий қисмлари:

1. Модульни номи.
2. Модульни ўзлаштиришдан мақсад.
3. Модуль билан ишлаш учун методик тавсиялар.
4. Назарий ахборот банки ва таянч тушунчалар.
5. Семинар, амалий ва лабаратория ишларининг мазмуни, топшириқлар ва уларни бажаришга ёрдам берувчи тавсиялар.
6. Жорий назорат топшириқлари.
7. Индивидуал ҳолда бажариладиган мустақил топшириқлар.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

8. Ёзма назорат вариантлари.

9. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

10. Талаба йиғиши мумкин бўлган рейтинг баллари.

Хулоса қилиб айтганда, модулли ёндашувнинг **мақсади** - ахборотни ўзлаштириш, идрок этилган ахборотни мустақил таҳлил қилиш, ўз мустақил фикрларини билдиришни тақазо этувчи ва қисқа муддатда оптимал усуллар ёрдамида белгиланган мақсадларга эришишдир⁴.

Адабиётлар рўйхати

1. С.А. Мухина А.А.Соловьёва. Современные инновационные технологии обучения. М.:«ГЭОТАР-Медия» 2008 43 с.
2. Селевко С.Современные образовательные технологии,Москва.1998.-75-90 с.
3. Махмутов, Ибрагимов, Чошанова "Педагогические технологии развития мышления учащихся", Казань,1993.- 75с.
4. Очилов М. "Янги педагогик технологиялар",Қарши,2000.
5. Голиш Л.В."Замонавий педагогик технологиялар"., М. 1999.
6. Йўлдошев Ж, ,Хасанов С. Педагогик технологиялар.Т.: «Иқтисод-молия», 2009.
7. Ермолаева Е.И.Модульное обучение в вузе: его основные учебные элементы. Пензинский университет. 2010.- 75с.
8. Олешков М.Ю. Современные образовательные технологии: учебное пособие. – Нижний Тагил: НТГСПА, 2011. – 144 с
9. Тимофеева Ю.Ф. Роль модульной системқ вқсшего образования в формировании творческой личности педагога-инженера.// Вқсшее образование в России. №-4,1993, с119.
- 10.Соколов Е. Модульная профессиональная подготовка: Резервқ оптимизации // Новқе знания.-2000.-№ 3.
- 11.Трофимов В, Ломова И. Методология разработки модульнқх курсов // Новқе знания.-2000.-№2.

4- Амалий машғулот. Муסיқа фанларини ўқитишда “устоз-шогирд” анъаналари. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси.

- 4.1. “Устоз-шогирд” таълимнинг ўқитиш шакли ва мазмуни. Устоз-шогирд тизимида педагогик фаолият олиб бориш методлари.

⁴ Карпов В. В. Инвариантная модель интенсивной технологии обучения при многоступенчатой подготовке в вузе. — М.; СПб.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 1992. — 141 с.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

4.2. Муסיқа санъати фанини ўқитишда инновацион педагогик технологияларидан фойдаланиш. таълим олувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолашнинг назарий асослари;

4.3. Талабаларнинг мутахассисликка оид ўзлаштирганлик даражасини жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиш ва баҳолаш; талабаларнинг касбий тайёргарлигини аниқлаш, назорат қилиш ва баҳолаш; таълим олувчиларнинг ўқув дастурий материални ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш методлари ва баҳолаш мезонлари.

Таянч сўзлар:

4.1. “Устоз-шогирд” таълимининг ўқитиш шакли ва мазмуни. Устоз-шогирд тизимида педагогик фаолият олиб бориш методлари.

Ўзбекистонда педагогик фикр тараққиёти босқичлари:

- **Октябрь тўнтарилишигача бўлган давр (1917)**
- Энг адимги даврлар;
- Илк уйғониш даври (9-12 асрлар)
- Уйғониш дари (14-16 асрлар)
- Хонликлар даври (16-19 асрлар)
- Чор Россияси хукмдорлиги даври (19-20 аср)
- **2 давр: Шўро тузуми даври (1917-1991)**
- Таълим совет мафкураси асосида ташкил қилинди.
- **3.Мустақиллик даври.**

Зардуштийлик дининг чуқур илдиз отиши ва шу диннинг муқаддас китоби “Авесто”нинг Марказий Осий ва Эрон халқлари ўртасида кенг ёйилиши билан бошланди.

Асарнинг “Биринчи қўшиқ” қисмида устозларга қўйидаги талаблар юкланган:

- равшанназар устоз толибни огоҳ этади (ясна, 31-хот)
- устоз ўз шогирдини эзгу фикр, эзгу амал ва эзгу калом тамойилига амал қилишга ўргатади.

Шогирдга қўйиладиган талаблар:

- шогирд куннинг аввали ва охирида билим олмоғи, тафаккур ва донишга лиммолим бўлмоғи зарур;
- илмга шу қадар жидду-жаҳд этмоғи керакки, ўтмиш донишмандлари қолдирган ҳамма нарсани жону дилдан ўрганиб олсин.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

| Таълимга оид муҳим ғояларни илгари сурган мутафаккирлар | Таълим-тарбияга оид асарлари | Таълимий концепциялари |
|---|------------------------------|--|
| Абу Наср Фаробий (873-952) | “Фозил одамлар шаҳри” | Қувват, фикрий қувват кабилар инсон моҳиятини белгилаб берувчи муҳим омил эканлиги |
| | “Ақл маънолари хақида рисола | Ақлий тарбини илмий назарий, психологик асослаб, ақл, бир томондан, руҳий жараён, иккинчи томондан ташқи таъсир таълим-тарбининг натижаси эканлиги |
| | “Китоби ахлоқ” | Таълим-тарбия жараёнида жараёнида индивидуал ёндошишнинг мазмуни ва моҳияти |
| | “Намунали ўқиш хақида” | Ўқитувчининг касбий-шахсий хусусиятларига қўйиладиган талаблар |

Абу Наср Фаробий устоз қиёфасида қуйидаги фазилатлар мужассам бўлмоғи лозим деб ҳисоблайди:

- ўткир ва узоқни кўра оладиган ақл соҳиби;
- ўз билимларини талабаларга бера олиши ва бу фаолият ҳамроҳи бўлган машаққатли меҳнатдан хормаслиги ва толмаслиги;
- ҳақиқат ва унга интилувчиларни севиши;
- ёлғон ва уни шиор қилиб олганлардан ғазабланиши;
- мағрур руҳга эга бўлиши ва ўз шаънини юксак тутиши;
- ўз шогирдларига адолатли муносабатда бўлиши;
- қўйилган мақсадга эришишда қатъийлик кўрсата олиши ва бошқалар.

| | | |
|--|--|--|
| Абу Лайз Самарқандий (917-1003) | “Бўстонул-орифийн” (Орифлар бўстони) | Талимнинг диний ва дунёвий аҳамияти |
| | “Танбеҳул орифийн” (Ғафлатдан уйғотиш) | Шогирдда билим эгаллашга рағбат уйғотиш ва уни кучайтириш, илм ўрганиш усуллари: эшитганларини ёзиб олиш, мунозара. Шогирд одобига қўйиладиган |

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

| | | |
|--|--|-------------------------|
| | | талабларни ишлаб чиқди. |
|--|--|-------------------------|

| | | |
|---|--|---|
| <p>Абу Райхон Беруний (973-1048)</p> | <p>“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” “Хиндистон” “Минералогия” “Китоб ас-Сайдона”</p> | <ul style="list-style-type: none"> - ўқитишда ёдлаштиш эмас, балки тушуниш, мантиқий фикрлаш, хулосалар чивариш йўлига амал қилиш; - таълим жараёнида талабанинг қизиқиши ва интилишини ҳисобга олиш ва хушмуомалаликнинг зарурлиги; - ўқитишда турли усулларнинг ранг-баранглигига амал қилиш; - таълимнинг дунёвийлик характерини ҳисобга олиш; - илмий билишда кузатиш ва тажриба натижаларини текшириш, таҳлил этиш, умумлаштириш ва қайта тажрибадан ўтказиш кабиларга алоҳида эътибор қаратиш; - амалиётгина билимларнинг аҳамиятлилигини таъминлаши; - билимлар моҳиятини онгли ўзлаштириш; |
|---|--|---|

| | | |
|-----------------------------------|---|---|
| <p>Ибн Сино (980-1037)</p> | <p>“Рисолатут тайр” (Қуш рисоласи) “Донишнома”</p> | <ul style="list-style-type: none"> - ақлий тафаккур ва унинг хиссий билишдан фарқи; - ақлий тафаккурнинг афзаллиги; - тафаккур юритишда ироданинг аҳамияти; - таълимда назария ва амалиёт бирлиги, илмийлик, таълимда муайян тамойилларга таяниш, илмий маърузада далиллаш, исботлаш, хулосалаш, қиёслаш каби усулларни қўллаш. |
|-----------------------------------|---|---|

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

| | | |
|--|-------------------------|--|
| <p>Абдуали Ахмад бин Яъқуб Розий (933-1031)</p> | <p>“Ахлоқ такомилӣ”</p> | <p>Инсон, мажуд нарсаларни куллан билса (дедуктив услуб) у жузъларни ҳам (чунки жузълар кул ичидадир) билиб олиши.</p> |
|--|-------------------------|--|

| | | |
|---|---|--|
| <p>Мухуммад ибн Ахмад Абу Хомид ат-Тусий ал-Ғозилий (11 аср)</p> | <p>“Мукошафатул кулуб” (қалблар кашфиёти), “Тавба китоби” “Эхъё ул-улум вад дин” (диний илмларнинг қайта тирилиши),</p> | <ul style="list-style-type: none"> - тасаввуф (шариат, тариқат ва хақиқат), (Хусайт Воиз Кошифий шархи: т-тажвид, беҳуда ишлардан четланиш, с-сидик, амалларни сидқидилдан адо этиш, в-вафо, ахдга вафодорлик, ф-фано, ўзидан воз кечиш), таълимотнинг бевосита таълимий асосларини ишлаб чиқди; - тафаккур тушунчасини маърифат, мақсад, тазаккур(ёдламоқ), эътибор, фикр, ирода, рағбат уйғунлиги; - ўз-ўзини ривожлантириш дастурининг зарурияти; - ўз-ўзини ривожлантиришда тазаккур (ёдлашнинг ўрни); - илмда изчиллик ва тизимлилик, тадрижийлик тамойили; - инсон камолотини ташкил этувчи компонентлар (ҳикмат, иффат, қувват ва одиллик); - тафаккур тарбиясида изчиллик ва тадрижийликка амал қилиш; - устозлик ва олимликка қўйиладиган ахлоқий талаблар. |
|---|---|--|

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

| | | |
|--|---|--|
| <p>Нажмиддин Кубро (асл исми Ахмад бин Умар бин Мухаммад ал-Хевакий Хоразмий (12-13 асрлар)</p> | <p>“Фиодоб ус-соликин” (солиқлар одоби), “Фавойихул жамол ва фавотихул жалол” (жамол хушбўйликлар и ва жалолнинг кашфи), “Ал-усул ал-ашара” (ўнта усул)</p> | <p>Таълим-тарбияда табиийлик ва самимийликка риоя қилиш, устоз ва шогирднинг гўё ота-бола каби ниҳоятда яқин бўлишлари (шайх толиб олдида эски жанда ва кулохида юравериши, дилидан ўтаётган изтироб ва хаяжонини беркитмаслиги, устоздан актёрлик маҳоратининг талаб қилинмаслиги); Бехуд девоналик ҳолатида ришилган маърифат ўзгаларни тарбиялашга ярамаслиги; Комил инсон такомилини таъминлашнинг латоиф назарияси; Мувоқабат (кузатиш, тафаккур, шуурга берилиш).</p> |
|--|---|--|

«Қобуснома»

Амир Унсурулмаолий Кайковуснинг фарзанд тарбиясига бағишланган «Қобуснома» рисоласининг ўттиз олтинчи – «Ҳофиз ва созандалик зикрида» номли бобида баён этилишича, муסיқа илмининг устодлари ушбу муаллиф яшаган даврда халқнинг ҳар бир табақаси табиатида мос равишда куйлар тузишган экан. Бундай табақалардан бири эса ёш болалар ва нозиктаб кишилар, яъни аёллар бўлишган. «Бу қавм учун – деб уқтирилади асарда, – таронани ишлаб чиқдилар, токи бу қавм ҳам баҳра олсинлар, роҳат қилсинлар. Чунки ҳамма вазнларнинг орасида таронадин ёқимли вазн йўқдур»

Ҳозирги кунда олдимизда ниҳоятда муҳим, келажагимизни ҳал қиладиган чуқур билимга эга, юксак тарбия кўрган, баркамол авлодни яъни, комил инсонни вояга етказиш вазифаси турибди. Бу вазифани амалга оширишда устозларнинг ўрни каттадир. Бугунги кунда устозлар аждодларимизнинг таълим-тарбия тўғрисида бизга мерос бўлиб қолган ёзма манбаларидан устоз ва шогирдлик талаблари белгиланган ибратли қоидаларни чуқур ўрганиш, тадқиқ этиш ва улардаги илғор тажрибаларни ҳозирги замон педагогик жараёнларга тадбиқ этган ҳолда таълим-тарбия ишларида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Алломаларимиз **устоз одобининг саккиз шартини** санаб ўтганлар. *Биринчидан, талабаларга нисбатан шафқатли бўлиши ва уларга ўз болалари каби муомалада бўлиши; иккинчидан, устоз илм ўргатиши ва тарбия бериши*

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

учун ҳақ талаб этмаслик; учинчидан, талабага қилиниши лозим бўлган насиҳатлардан ҳеч бирини қолдирмаслиги; тўртинчидан, таълим санъатининг нозик жиҳатларидан бири, муаллим талабанинг ёмон ахлоқини ошкора эмас, балки имкони борича ўзига кўрсатиш йўли билан тузатиши; бешинчидан, илмлардан баъзиларини ўрганаётган талабага бошқа илмларни ёмон кўрсатмаслиги; олтинчидан, талабага илми фаҳм-фаросати ва қобилиятининг кўтаришига қараб ўргатиши; еттинчидан, зеҳни паст талабага ўзига хос бўлган илмларни ўргатиши ва саккизинчидан, устоз ўз илмига амал қилиши лозимлигига урғу берилган.

Бугунги кунда устоз қиёфасида маънавий етук устозни кўриш лозим деб ҳисоблаймиз. Маънавий етук устоз ким бўлиши керак? - деган саволга жавоб изласак, бизнингча, у – кўп мутоалаа қилган, ўрганган, билимли, малакали, ҳар қандай ижодкордан ҳам ижодкорроқ, ўз-ўзини маънан-руҳан тарбияланган, доно маслаҳатчи, ҳамдард, руҳий мададкор бўлиб пешвоз чиқувчи ҳамда ўз билими ва барча ахлоқий фазилатларини шогирдининг маънавий камолоти учун сарфлаб, жон куйдирадиган, жисмонан етук ва иймонли шахсдир. Шу билан бирга, қўлидан келгунча яхши амаллар қиладиган, нолойиқ иш ва нотўғри сўздан тийилган, ёмонликдан узок юрадиган, ундан хазар қиладиган, шогирдларига ҳам ўзидаги фазилатларни юктирадиган маънавий инсондир.

Маънавий етук устоз хушхулқлиги, хушфеъллиги, ўз-ўзини маънан, руҳан, қолаверса, жисмонан тарбияланганлиги билан ажралиб туради. Маънавий етук устознинг энг муҳим шартларидан бири, таъсирчан ва залворли нутқ соҳиби бўлиб, шогирд туйғуларини, ўй-хаёлларини жиловлай олиши; иккинчидан, талабанинг маънавий оламини бойитишга, хулқи ва одобини такомиллаштиришга хисса қўшиш; учинчидан, ўз илми билан ҳар қандай шогирдда қизиқиш уйғота олишдир.

Маънавий етук устоз ва шогирд ўртасидаги муқаддас масофа яқинлашса, орадаги қадрдон ришталар ҳам узилади. Яъни, биринчидан, устоз ўз оғирлигини шогирд гарданига ташлаб қўйганда; иккинчидан, ўз талабасига сир бой бериб қўйганда; учинчидан, ўз сўзининг устидан чиқмаганда ўз хурматини йўқотади.

Баъзи устозларимиз "Қанча тарбия-ю, танбеҳ берганимиз билан айрим ёшларни одам қилиб бўлмади" дейишади. Албатта, бу нотўғри фикрдир. Чунки, тарбия табиатга таъсир кўрсатмаслиги мумкин дир, лекин ахлоқни ўзгартиради, яъни яхши фазилатларни камол топтиради. Бу албатта маънавий етук устознинг қўлида. Борди-ю, унинг бўлгани шу деб ўз ҳолига ташлаб қўйилса, ёшларимиз турли оқимлар ва йўлларга кириб қолиши ҳеч гап эмас. Бундай ҳолларда маънавий етук устоз ёшларга кучли таълим ва тарбия бериш билан ёш авлодга оқу-қорани ва яхши-ёмонни ўргатиш, миллий мафкура

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

асосида эътиқодни шакллантириш, ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва масъулиятини чуқур англатиш зарур бўлади.

Маънавий етук устознинг фаолиятини қуйидаги мезонларга асослаган ҳолда баҳолаш мумкин:

- талабаларнинг соғлом маънавий муҳити, касбий камолоти бўйича қўлга киритган ютуқлари;
- талабаларнинг маиший ҳаётдан хабардорлиги ва уларнинг мафкуравий тайёргарлиги учун масъуллиги;
- талабаларнинг касбий кўникмаси шаклланиши учун масъуллиги;
- талабаларнинг ўқув ва меҳнат интизоми, таълим муассасаси ички тартиб-қоидаларига риоя қилиши;
- талабаларнинг фанларни ўзлаштириш даражаси;
- талабаларнинг илмий-ижодий ишларида фаол қатнашиши, турли кўрик танловлардаги иштироки ва қўлга киритган ютуқлари ва шу кабилар.

Демак, маънавий етук устозларнинг шогирдлари мустақил фикрлайдиган ва ўз-ўзини англаган, ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз куч ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўладиган воқеаларга муносабат билдира оладиган, ўз хатоларидан хулоса чиқара оладиган, шахсий манфаатидан мамлакат ва халқ манфаатларини устун кўядиган, Ватанини жонидан-да ортиқ кўрадиган шахслар бўлиб улғаяди. Бунга фақат ва яна фақат тарбия олиб боради.

Устоз шогирди ҳаётда ва фаолиятда рақобатга киришиши ва ўзини рўёбга чиқариши учун энг муҳим нарса бу – бошқа одамлар билан самарали ўзаро таъсирга кира олиш қобилияти эканлигини амалиётда кўрсата олиши лозим. Шогирд ҳар қандай рақобат ҳолатида тўғри йўл топа олиш кўникмаларини ва натижани тўғри аниқлай олиш ҳар бир кишидан ранг-баранг шахсий хусусиятлар ва қобилиятларни талаб қилишини билиб боради.

Шогирд натижада ўзининг мустақил ҳаракат қилишида катта имкониятларга эга бўлади. Демак, рақобат усуллари шогирдни ҳар томонлама тайёр кадр бўлиб етилишига сабаб бўлади. Устоз-шогирд муносабатларида мустақкам педагогик-психологик кўрсатмалар шаклланиб бориши ҳам мумкин.

Улар қуйидагича кўринишда бўлиши мумкин:

- ўз хатти-ҳаракатлари режаларини шакллантириш;
- ўз ривожланишини кузатиб бориш;

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

- ўз ривожланишини тушуниш ва фойдаланилмаган имкониятларни баҳолаш;

- менторликнинг янги малакаларини эгаллаш;
- менторликнинг янги усуллари ва методларини амалий эгаллаш;
- самарали режалаштириш кўникмалари;
- суҳбатдошини тинглай олиш малакаси
- махсус қоидаларни билиш ва бошқа одамларни тушуниш.

Абу Наср Фаробий устоз ўқитувчига шундай талаб қўяди: "Устоз шогирддарига катта зулм ҳам хаддан ташқари кўнгилчанглик ҳам қилмаслик лозим." Чунки ортикча зулум шогирдда устозга нисбатан нафрат уйғотади-ю, устоз жуда ҳам юмшоқ бўлса шогирд уни менсимамай қўяди ва у берадиган билимдан совуб ҳам қолади. У ўқитувчига болаларнинг феъл атворига қараб тарбия жараёнида "каттиқ" ёки "юмшоқ" усуллардан фойдаланишни маслаҳат беради. Унинг фикрича:

1. Тарбияланувчилар ўқиш-ўрганишга мойиллик билдирсалар, уларга таълим тарбия жараёнида юмшоқ усул қўлланилади.
2. Тарбияланувчилар ўзбошимча итоатсиз бўлсалар, қаттиқ усул (мажбурлов) қўлланилади.

Абу Али ибн Сино жаҳон маданиятига катта хисса қўшган машхур энциклопедист олим, табиатшунос, файласуф, астроном, математик, муסיқашунос, ҳуқуқшунос, филолог, ёзувчи ва шоир. Европада Авиценна номи билан машхур бўлган Ибн Сино жаҳон фани тараққиёти тарихида муҳим роль ўйнайди,

Ибн Синонинг гуманистик таълимида биринчи масала инсон камолотидир, инсонни оламдаги мавжудодлардан юқори қўйишдир.

Ибн Синонинг таълим ва тарбия сохаларидаги бой мерос ўз даврида жаҳолатига қарши курашда жуда катта прогрессив ахамиятга эга бўлди. Буюк аллома Ибн Сино болага билим бериш устознинг маъсулиятли бурчи эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича болалар билан муомолада босиқ ва жиддий бўлиш, берилаётган билимнинг болалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериш кабилар муҳимдир.

XI асрда яшаб ўтган алломалардан бири Юсуф Хос Хожиб ҳам ўз ижодида илм ахилларини, устозларини улуғлайди. "Кутадгу билиг" асарида илм ахли улуғланади. Унинг ёзишича:

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Тағин бир тоифа донишманд доно; *

Улар илми элга машъал доимо.

Эъозла уларни то бор имконинг,

Билимларин ўрган токи бор онинг,

Булардир хақиқат таянч тиргагинг

Билимли диёнат асос ўзаги.

Олимлар йўқ эса эди дунёда,

Келиши ҳам кулурми эди бунёда.

Улар илми бўлди халойиққа нур

Эриса бу нурдан кими йўл топур.

Абу Райхон Берунийнинг қарашлари прогрессив мазмун касб этади. Мутафаккирнинг гуманистик қарашларида ростгўйлик билан адолат химматга эга бўлган сифатлардир. Олим хулқларни яхши ва ёмон хулқлар деб 2 қутбга бўлиб кўрсатади. Унинг фикрича яхши хулқлар - ростгўйлик, адолат, мардлик, ботирлик, химмат ва шу кабилардир. Бу хақида у шундай дейди: ҳамманинг табиатида адолат бевосита севимли ва ҳамма унинг яхшилигига кизикадиган бўлгани каби ростгуйлик ҳам шундай; лекин ростгуйликнинг ширинлигини татимаган ёки ширинлигини билса ҳам, тотишни истамайдиган киши уни севмайди:

Умар Хайём - ўзининг жаҳоншумул илмий асарлари билан эмас, нозир поэтик асарлари рубоийлари билан оламга машхур бўлди. Умар Хайём инсонни улуглайди, уни дунёдаги энг олий мавжудот сифатида қўллайди. Умар Хайём дунёқарашида инсон ва унинг хаёти муаммолари, инсон хаёти билан боғлиқ бўлган ташвишлар, гуманизм масалалари марказий ўрин эгаллайди.

Аз-Замахшарий «Нозик иборалар» рисоласида илми фан ахиллари устозларга нисбатан хурмат-эътиборнинг пасайиб кетганидан куюниб ёзади. «Утган замонларда илму-фазилат сохиблари подшоҳларидан ўз оғирликларига барабар олтин хадя олардилар, аста-секин замонлар ўтиши билан уларнинг қийматлари камайиб итлари, олмахонлар улардан афзал бўлиб қолди, яъни нодонлар олтинлардан ортиқ кўриладиган бўлиб қолди».

Шарк. мумтоз маданиятнинг бутун дунёга машхур намаёндаларидан бири Саъдий Шерозий таълим-гарбияда муаллимнинг талабчанлиги билим ва тарбия беришда қаттиққўллик бўлишининг тарафдори бўлади. «Гулистон» да устоз-шогирд муносабатига оид хикоят келтирилади: «Бир одам кураш

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

санъатида зур махорат қозонди, у 300 хийлани билар ва ҳар куни бир хийлани ишлатиб куришар эди. Шогирдларидан бирига 259 хийлани ўргатди. Аммо бир хийлани ўргатмади. Устознинг хурматини билмаган шогирд устозидан ҳам устунлигини айтиб мактанеди. Бу сўз подшога ёкмайди. Улар кураш тушмоқларини буюради. Устоз охирги хийласини ишлатиб шогирдини енгади. Устоз хурматини билмаган шогирд эса халойиқ ва подшоҳнинг нафратига учрайди».

Устозга нисбатан хурматда бўлишнинг ифодаси шуки, шогирд муаллимдан олдин юрмаслик унинг ўрнига бориб ўтирмаслиги лозим. Машғулотлар давомида талабалар муаллимдан узоқ бўлмасинлар, улар ораси ўк-ёй оралиғида бўлсин, мана шунда илмга интилувчиларни ўз устозларига хурмати маълум бўлади.

Сохибқирон Амир Темур ҳам ўз ҳукумронлиги даврида илм ахиллари, муаллимларга хурмат билан қарайди. Кишиларга мансаб беришда ҳам уларнинг илмларини ҳисобга олади. Жамиятнинг ривожига уларнинг ўрни муҳим деб билади. Кўплаб мадрасалар очади уларга муаллим ва мударислар тайин этади, ўзининг устозларини ҳам жуда қадрлайди.

Алишер Навоий узбек халқининг улкан шоири ва мутафаккири, улуг олим ва давлат арбоби, жаҳон адабиётининг сиймоларидан бири. Шоир бутун ҳаёти ва фаолиятини инсоннинг бахт-саодати учун курашга, халқнинг санъат ва адабиёт тараққиётига бағишлади.

Алишер Навоий ижодида ҳам муаллимлар иши уларга муносабат масалаларига кенг ўрин берилади. У ёшларга чуқур билим бериш учун муаллимлар мударислар ҳамда устоз мураббийларнинг ўзлари ҳам билимли ва тарбияли бўлиши зарурлигини уқтиради. У нодон мутаассиб жоҳил домлаларни танқид этади ва ўқитувчи маълумотли ўқитиш йўлларини биладиган муаллим бўлиши зарур дейди.

Ҳақ йўлида ким сенга бир харф ўқитмиш ранж ила,

Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганч ила.

Хусайин Воиз Кошифий ўз асарларида устоз-шогирд муносабатларига кенг тўхталади; «Агар шогирдликнинг биниси нимани устига қурилади деб сўрасалар иродат устига деб жавоб бергин. Агар иродат нима деб сўрасалар самоъ ва тоатдир деб айтгин. Агар самоъ этиш ва тоат нима деб сўрасалар нимани устоз айтса уни жон қулоғи билан эшитиш, чини билан қабул қилиш ва вужуд аъзолари орқали амалда адо этишидир деб айт».

У шогирдликнинг 8 та одобини кўрсатади:

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

1. Биринчи бўлиб салом бериш.
2. Устознинг олдида оз гапириш.
3. Бошни олдинга эгиб туриш.
4. Кўзни ҳар томонга югуртирмаслик.
5. Гап сурамоқчи бўлса олдин устоздан ижозат олиш.
6. Устоз жавобига эътироз билдирмаслик.
7. Устоз олдида бошқаларни ғийбат қилмаслик.
8. Ўтириб туришда хурмат сақлаш.

Кошифий устозлик шартларини ҳам кўрсатади: «Билгилким ҳеч бир иш устозсиз амалга ошмагай ва кимки устозсиз бир ишни килур эрса ул ишни асоси мустаҳкам бўлмагай».

Педагогик малака билим ва кўникмалар фаолиятнинг маълум турини эгаллаб олиш, яхши бажара олиш қобилиятидир. Устоз фаолиятига оид бундай малакаларга қуйидагилар киради.

А) Амалий конструктив малакалар:

1. Амалий тарбиявий ишларини режалаштириш, фаолиятнинг энг муҳим қоидаларини англай билиш.
2. Ҳар бир талабага нисбатан уни жамоа шароитида тарбиялашнинг индивидуал дастурини тузиш.
3. Талабаларнинг ёшлик ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларга нисбатан индивидуал муносабатни ошириш.

Б) Ташкилотчилик малакалари:

1. Талабалар орасидаги фаол болаларни аниқлай билиш, танлай билиш ва уларни идрок қилиш.
2. Талабаларнинг турли хилдаги жамоа, индивидуал фаолиятини уюштира билиш ва уларни ижтимоий фаоллигини билиш.
3. Талабаларга берилган ижтимоий топшириқлар берилиши юзасидан назорат ўрнатиш ва уларга зарур вақтда амалий ёрдам бериш.
4. Ота-оналар, кенг жамоатчилик ўртасидаги ишларни билиш. талабаларга талаблар қўйиш методлари қуйидагилар дан иборат: талабанинг ахлоқ қоидаларини, барча предмет бўйича билимларни баҳолаш, ўқитишдаги бурч ва маъсулиятни билиш, машқ қилиш, талабаларни меҳнат қилишга ўргатишдан иборатдир.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Устоз олдига кўйилган талаблар:

1. Фаолиятнинг аниқ мақсадларини шогирд хис қилсин.
2. Фаолиятни амалга ошириш шогирд ташаббуси ва ижодий фаолликка боғлиқ. Бунда ишни тақсимлаш, режалаш, ҳисобга олиш, натижа чиқариш кабиларни шогирдларнинг ўзларига хавола қилиш лозим.
3. Устоз фаолиятга педагогик раҳнамолик қилади, шогирдларнинг ижодий одатларини шакллантиради.
4. Фаолият жараёнида ҳар бир шогирд ижрочилик малакасига эга бўлади.
5. Иш натижасини муҳокама қилиш, шогирдларни рағбатлантириш.

Устоз шахсий хусусиятларидан ташқари чуқур илмий савияга, сўзлаш маданиятига, юксак одоб ахлоқли булиши керак. Шогирдлар билан ўтказиладиган суҳбатларни юқори савияда ташкил қилишда, устоз қуйидаги маданият қирраларига эга бўлиши керак.

Рухият маданияти - шогирднинг маънавий эҳтиёжларига тўғри таъсир кўрсатиш.

Маҳорат маданияти - ҳар бир тадбирни зўр қувонч ва қалбдан ташкил қилиш.

Сиёсий маданият - давр талабига мос иқтисодий, ижтимоий билимга эга бўлиш.

Маънавий маданият - шогирдларнинг ижодий, маънавий, бадиий фаолиятини ташкил қилиш.

Касбий қобилиятнинг асосий турлари. Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши, педагогик маҳоратга эришиш учун устозда қуйидаги қобилият турлари мавжуд бўлмоғи лозим.

1. Билиш қобилияти - фанни тегишли соҳаларига оид қобилиятидир. Бундай қобилиятга эга бўлган устоз фанни ўқув курси хажмидагина эмас, балки анча кенг ва чуқурроқ билади, ўз фани соҳасидаги кашфиётларни хамиша кузатиб боради.

2. Тушунтира олиш қобилияти - ўқув материални талабаларга тушунарли қилиб баён этиш, талабаларда мустикал равишда фаол фикрлашга қизиқтириш.

3. Кузатувчанлик қобилияти - тарбияланувчининг ички дунёсига кира олиш қобилияти. Талаба шахсни ва унинг вақтинчалик рухий ҳолатларини

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

жуда яхши тушуна билиш билан боғлиқ бўлган психологик кузатувчанликдир.

4. Нутқ қобилияти - нутқ ёрдамида шунингдек имо-ишора воситасида ўз фикр ва туйғуларини аниқ ва равшан ифодалаш қобилиятидир.


5. Ташкилотчилик қобилияти - талабалар жамоасини уюштириши, талабаларни муҳим вазифаларни хал этишга рухлантириш назарда тутилади.

6. Обрў орттира олиш қобилияти - бевосита эмационал, иродавий таъсир кўрсатиш ва шу асосда тарбия бериш маъсулиятини хис этиш, ўзини ҳақ эканлигига ишонтириш.


7. Коммуникатив - тўғри муомала қила олиш, ўзаро муносабат ўрната билиш педагогик назокатнинг мавжудлигини билдиради.



8. Келажакни кўра билиш қобилияти - ўз ҳаракатларининг натижавийлигини таъминлаш.

Устоз қиёфаси профессиограммаси




Устоз учун зарур бўлган малакалар.







Ўқитувчининг фаолият тузилмаси



Акмеология (акме)

юнонча олий нуқта, ўткир, гуллаган, етук,
ЭНГ яхши давр деган маъноларни
билдиради

Юксак профессионализмга эришишнинг омиллари:

*истеъдод нишонлари; уқувлилик; қобилият;
истеъдод;*

*оила тарбияси шароити; ўқув юрти; ўз хатти-
ҳаракати.*

Профессионализм категориялари:

- *ижодий индивидуаллик;*
- *ўзининг ўсиш ва такомиллашиш жараёни;*
- *ўз имкониятларини амалга ошириш сифатидаги креатив тажрибаси.*

Ўқитувчининг ижодий индивидуаллиги қуйидагилардан иборат:

- *интеллектуал - ижодий ташаббус;*
- *билимлар кенглиги ва чуқурлиги интеллектуал қобилияти;*
- *зиддиятларга нисбатан хушёрлик, ижодга танқидий ёндашув,
вужудан яратувчиликка курашчанлик қобилияти;*
- *ахборотларга таиналик, муаммолардаги гайри одатийликка ва
янгиликка бўлган ҳис-туйғу, профессионализм, билишга бўлган
чанқоқлик*
- *(Н.В.Вишнекова).*



Ж.Гилфорд креативликни тавсифлайдиган қатор индивидуал қобилиятларни кўрсатади:

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

- фикрининг равонлиги;
- фикрни мақсадга мувофиқ йўллай олиши;
- ўзига хослик (оригиналлик);
- қизиқувчанлик;
- фаразлар яратиш қобилияти;
- хаёл қила олиш, фантастлик (фантазия.)


Ўқитувчи фаолиятидаги креативлиги босқичлари:



Рефлексия

лотинча Reflxio- ортга қайтиш

субъектнинг ўз (ички) психик туйғу ва ҳолатларини билиш жараёни сифатида қаралади



Педагогикага оид адабиётларда рефлексив жараёнларни изоҳлашнинг икки анъанаси мавжудлиги айтилади:

- *объектлар моҳиятини изоҳлашга ва уларни конструкциялашга олиб келадиган онгнинг рефлексив таҳлили;*
- *шахслараро мулоқот маъносини тушуниш рефлексияси;*

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, шогирд малакали кадр бўлиб шаклланар экан, рақобат усулларининг ҳар хил турли шаклларини ўзлаштириши лозим. Бу ўз навбатида таълим жараёни самарадорлигини таъминлаб боради.

4.2. Муסיқа санъати фанини ўқитишда инновацион педагогик технологияларидан фойдаланиш. Таълим олувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолашнинг назарий асослари;

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг ихтисосликка оид ўқув материални ўзлаштирганлиги, уларда шаклланган кўникма ва малакаларни назорат қилиш ҳамда баҳолаш таълим-тарбия жараёнининг таркибий қисми ҳисобланади. Чунончи, талабаларда касбий кўникма ва малакаларни шакллантиришда ўқитувчидан мутахассислик ўқув предметларидан нафақат асосларидан чуқур билим бериши, балки уларни ўзлаштириш даражасини ҳаққоний назорат қилиб, баҳолаш ҳам талаб этилади. Чунки, назорат қилиш бу фақат таълим-тарбия натижаларини таҳлил қилиш эмас, балки бутун жараённинг турли босқичларида талабалар билиш фаолиятига раҳбарлик қилиш ҳамдир. Бундан ташқари олий муסיқа таълимида назорат қилиб баҳолаш ўзига хос таълимий, тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Таълим-тарбия жараёнида билим, кўникма ва малакаларни назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг таълимий аҳамияти, бунда ўқув материалнинг ўзлаштирилганлиги ҳақида ўқитувчи ҳам, талаба ҳам ижобий ёки салбий

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

тавсифга эга бўлади. Яъни, ўқитувчи учун талаба нимани билиши ва нимани тушунмаслиги, қайси ўқув материали яхши ўзлаштирилгану, қайси бири ҳали яхши ўзлаштирилмаганлиги ёки умуман ўзлаштирилмаганлиги маълум бўлади. Бу эса талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш учун асос бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари ўқитувчи ўзининг фаолиятига танқидий баҳо беради. Олинган натижаларга кўра фаолиятига кўшимчалар киритади, талабаларга нисбатан қандай ёндашиш методлари ва воситаларини тезроқ топиб олади. Бу ўқитувчининг ижодий тарзда дарсга тайёргарлик кўриши ва ўқув машғулотларини ўтказиши учун негиз ҳисобланади.

Худди шунингдек, талабага ҳам ўқув материалида у нимани яхши, нимани қониқарли ва нимани ёмон ўзлаштиргани тушунарли бўлади. Билимларни назорат қилмасдан талаба ўз билимларини чуқур, ҳар томонлама ва тўғри баҳолашга қодир эмас, баъзан унга гуё ўқув материални яхши эгаллаб олгандай туюлади, лекин назорат чоғида эса ўзлаштиришдаги камчиликлар, яхши тушунмаганлиги маълум бўлиб қолади. Назорат қилиб баҳолаш жараёнида талабанинг ўрганилаётган ўқув материални тушуниш, эса сақлаб қолиш, моҳиятини англаб олиш даражасини аниқлайди. Талабанинг фаоллиги орқали билимлари, кўникма ва малакаларидаги ижобий томонларни ривожлантириш, камчиликларни тугатиш имкониятига эга бўлади.

Назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг тарбиявий аҳамияти талабаларда ўқишга, ўз ютуқлари ва камчиликларига нисбатан муносабат шаклланади, муаммоларни ечиш истаги туғилади. Талабага нисбатан берилган баҳо унда ҳамиша талаба сифатида, шахс сифатида ўзига нисбатан муайян бир муносабатни ҳосил қилади. Талабада ўзига нисбатан иродалилик, жамоавийлик, ўзаро бир-бирига ёрдам бериш каби сифатлар шаклланади. Бу, айниқса, ўсмирлар орасида катта аҳамиятга эгадир. Ҳар бир таълим берувчи билимларни назорат қилиш ва баҳолашнинг тарбиявий аҳамиятини тўғри қўллай олса, ҳар бир талаба олдида, ўқитиш соҳасида қулай истиқболларни очиб беради.

Илм фан, техниканинг ривожланиб бориши, ишлаб чиқаришнинг ўсиши барча соҳаларда бўлгани каби таълим-тарбия соҳасида ҳам аниқ, қатъий мезонлар асосида тарбияланувчининг билим ва фаолият даражасини баҳолаш лозимлигини кун тартибига олиб чиқди.

XX асрнинг иккинчи ярмидан ижтимоий тараққиётнинг мислсиз тезлиги талабаларнинг билими, кўникма ва малакалари даражаларини қисқа вақт оралиғида ҳолис баҳолаш имконини берувчи, назоратнинг янги усулини

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

яратишни тақоза этди. Ана шу заруратнинг самараси сифатида талабанинг билим даражасини аниқловчи рейтинг тизими ишлаб чиқилди.

4.3. Талабаларнинг мутахассисликка оид ўзлаштирганлик даражасини жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиш ва баҳолаш; талабаларнинг касбий тайёргарлигини аниқлаш, назорат қилиш ва баҳолаш; таълим олувчиларнинг ўқув дастурий материални ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш методлари ва баҳолаш мезонлари.

Олий таълим муассасалари талабаларини билим савиясини назорат қилиб баҳолашнинг рейтинг тизими куйидаги мақсадларни ифодалайди:

а) олий таълим муассасалари талабаларида Давлат таълим стандартларига мувофиқ тегишли билим, кўникма ва малакалар савиясини шаклланганлиги даражасини назорат қилиш;

б) талабалар билими, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг асосий тамойиллари: Давлат таълим стандартларига асосланганлик, аниқлик, ҳаққонийлик, ишончлилик ва қулай шаклда баҳолашни таъминлаш;

в) талабалар билими, кўникма ва малакалари даражаларини таққослаш ва таълим жараёнида ўзаро мусобақа муҳитини яратиш;

г) талабаларнинг фанлар бўйича комплекс ҳамда узлуксиз тайёргарлигини таъминлаш;

д) талабаларнинг ҳар бир фан ва амалиёт турлари бўйича ўзлаштириш даражаларини аниқлаш;

е) талабаларда билим, кўникма ва малакалари савиясини шаклланиш суръатини мунтазам равишда таҳлил қилиб бориш.

Низомга кўра талабаларнинг билим савиясини рейтинг тизимида назорат қилиб баҳолаш учта назорат тури асосида амалга оширилади.

1. Жорий назорат - сўровлар, коллоквиумлар, семинарлар, ёзма ишлар (диктант, баён, иншо) ва тестлар тарзида билим, малака ва кўникмалар текширилади;

2. Оралиқ назорат - семестр тамом бўлганда ва ўқув дастурининг тегишли бўлими тугаллангандан кейин амалга оширилади. Унинг асосида талаба рейтингги аниқланади. Билимлар, малака ва кўникмаларни баҳолаш учун оралиқ назорат имтиҳонлар, тестлар, синовлар, курс ва малака ишлари шаклида ўтказилади;

3. Якуний назорат – олий таълим муассасасида ўқиш тугаллангандан кейин давлат аттестацияси: имтиҳонлар, тестлар, малака ишлари, диплом лойиҳаларини ҳимоя қилиш шаклида амалга оширилади.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Фан тугалланишида якуний назорат тест усулида ўтказилади. Бошқа ҳолларда якуний назоратнинг ўтказилиш тартиби, шакли таълим муассасасининг илмий-педагогик кенгаши томонидан белгиланади.

Ҳар бир курсда ўқиш тугагандан кейин рейтинг назорати натижаларига кўра талабаларни кейинги курсга ўтказиш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилинади.

Рейтинг тизимини жорий қилишда қуйидаги асосий тамойиллар бажарилиши зарур:

а) ҳар бир фан бўйича тегишли кафедралар томонидан маъқулланган вариантлар асосида бошланғич назорат ўтказилади. Бошланғич назорат рейтинг мониторинги ва таҳлил гуруҳи томонидан ўтказилади;

б) ўқув дастурининг мантиқан тугалланган бўлими бўйича талаба албатта баҳоланади ва натижаси ўтиш балидан (3 балл) паст бўлганда қайта назорат белгиланади. Ушбу бўлимларни тегишли кафедралар аниқлайди;

в) якуний назорат кафедралар томонидан тузилган вариантлар асосида рейтинг мониторинги ва таҳлили гуруҳи кузатуви остида ўтказилади.

Бу эса олий муסיқа таълимида талабаларнинг касбий тайёргарлик даражаси республикамизда етарли даражада ишланмаган муаммо ҳисобланади. Шу боисдан бу муаммо бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари сони ҳам унчалик кўп эмас. Шундай қилиб олий таълимида баҳоланишнинг асосий масалалари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин.

| | | |
|--------------------------|---|----------------|
| Кимни? | } | баҳолаш керак? |
| Ким? | | |
| Нимани? | | |
| Нима учун? | | |
| Қандай мезонлар асосида? | | |
| Нималардан фойдаланиб? | | |
| Қачон? | | |
| Қаерда? | | |

Бу масалаларни мажмуавий ҳал этилиши маълум ҳуқуқий, меъёрий асосларга таянган ҳолда олий муסיқа таълими тизими олдига қўйилган ижтимоий буюртманинг мақбул ечимини топишга имкон беради.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатувчи кичик мутахассисларнинг касбий тайёргарлик даражасини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Касбий тайёргарликнинг муҳим компонентлари (элементлари) билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатлар ҳисобланади.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Талабаларда билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланиши уларнинг жамиятдаги ўз ўрниларини англаши, ватан, оила ва жамият олдидаги бурч ҳамда мажбуриятларини англаши, индивидуал қобилияти кабиларга боғлиқ бўлади. Талабанинг ижодий фаоллиги унинг индивидуал хусусиятларининг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Талабанинг ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг психологик-педагогик шарт-шароитлари мавжуд зиддиятларни ҳис қилиш, уларнинг ечимини топиш учун аниқ мақсадга мувофиқ онглилик, фаоллик, мустақкамлик, ижодкорлик каби хислатларнинг таркиб топишида намоён бўлади. Демак, талабаларнинг касбий тайёргарлик даражасини ошириш учун педагогик ва ишлаб чиқариш қонуниятларининг муштараклиги таъминланиши лозим. Педагогик қонуниятлар бу жараён иштирокчиларининг ҳамкорлигини, талабаларнинг ўқув фаолиятини узвийлиги ҳамда узлуксизлигини таъминлаб таълимнинг умумий принциплари орқали амалга оширилса, ишлаб чиқариш қонуниятлари талабаларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига тайёрлашда касбий таълимнинг хусусий принциплари орқали амалга оширилади. Касбий тайёргарликни шакллантиришда таълим мазмунининг хусусияти алоҳида аҳамият касб этади. Таълим мазмуни- Давлат таълим стандарти, тармоқ таълим стандарти, ўқув режа ва дастурларида, дарслик, дидактик материалларда ҳамда гуруҳ журналларида ўз ифодасини топади. Таълим мазмунини амалга жорий этишда таълим технологиялари (шакл, метод ва воситалар) ни мақбул ва бир-бирига уйғун танлаш асосида таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш имкониятлари ўйлаб кўрилади. Олинган натижалар эса меъёрий ёки мезоний баҳоланади. Бунда умумтаълим, умумкасбий ва ихтисослик фанларини узвий алоқадорликда ўрганилиши талабаларда тизимли билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Таълим натижаларини баҳолашни илмий асослаш шуни англатадики, бунда далилларга асосланган ва ташқаридан кузатиладиган истаган белгилар эмас, балки муҳим алоқаларнинг тавсифини белгиловчи далилларга асосланганлик тушунилади.

Педагогик назорат орқали талабалар фаолияти таҳлил этилиб, уларнинг хато ва камчиликлари тузатилади ҳамда баҳоланаётган талаба фаолияти бошқа талабалар учун мавзунини такрорлаш вазифасини ҳам ўтайди. Бундан ташқари ўқитувчи талабаларни баҳолаш орқали уларнинг фаолиятига ўзининг бефарқ эмаслигини ҳам намоён этади.

Баҳолаш - бу ўқитилганликни ўлчаш жараёнидир, баҳо-ўқитилганлик натижаси эканлигини инобатга олсак, таълим тизимида қўлланиладиган назорат турлари (бошланғич, жорий, оралик, якуний) ёки махсус текширувда (синов, имтиҳон, билимларни тест синовидан ўтказишда) қўйиладиган

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

баҳолар ёки баллар тизими кўпинча олинган баҳоларни ҳисоблаш асосида ўзлаштириш деган тушунчага қараб иш кўрилади. Бу тавсифларнинг ҳаммаси фақат билимлар, кўникмалар ва малакаларгина эмас, балки бутун ўқитишнинг ҳам умумийлаштирилган кўрсаткичи деб ҳисобланади. Лекин, тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, назорат қилиш ёки баҳолашнинг анъанавий услубларини таҳлил қилиш, таълим сифатини баҳолаш тизими педагогик ўлчашларнинг объектив услубларига таянмаслигини кўрсатади, шунинг учун таълим жараёнида сифат кўрсаткич етарлича талқин қилинмайди.

Билим, кўникма ва малакаларни назорат қилиш ёки баҳолаш масаласида иккита турлича жараён билан иш кўришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: биринчидан, билимлар даражасини аниқлаш; иккинчидан, мазкур жараённинг қимматини белгилаш.

Булардан фақат иккинчиси баҳолаш ҳисоблансада, биринчиси таққослашда амалга ошириладиган ўлчашдир. Бунда бошланғич даража эришилиши лозим бўлган даража билан таққосланади ва олинадиган натижанинг ўсиши, самарадорлигига қараб баҳолар танланади.

Билимларни баҳолашнинг субъективлиги маълум даражада билимлар тизимини назорат қилиш услубларини етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги билан боғлиқ. Кўпинча мавзу, курс ёки унинг бўлақларини баҳолаш шакллантирилаётган билим, кўникма, малакалар бутун тизимнинг ўзлаштиришини акс эттирмаслиги мумкин бўлган айрим, кўпинча иккинчи даражали элементларни текшириш йўли билан юз беради. Саволларнинг сифати ва изчиллиги ҳар бир ўқитувчи томонидан интуитив равишда аниқланади. Бутун мавзуни текшириш учун нечта савол берилиши кераклиги, топшириқларни уларнинг диагностик қиммати бўйича қандай таққослаш кераклиги ноаниқ.

Талабалар билимини баҳолашда психологик омилларни, ўқитувчининг умумий ва махсус тайёргарлигини, унинг шахсий сифатларини (қатъийлиги, жавобгарлик ҳиссини) ҳам ҳисобга олиш лозим. Чунки, булар барчаси маълум даражада билимларни текшириш ва баҳолаш натижаларига таъсир кўрсатади. Педагогнинг шахсий сифатлари ўқитишнинг характерида ҳам, билимларни текшириш ва баҳолаш жараёнида ҳам албатта намоён бўлади. Бинобарин, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, билимларни баҳолашда ва текширишда субъективликни истисно қилиш муаммоси янада чуқурроқ тадқиқотлар ўтказишни талаб этади.

Бу муаммони тадқиқ этишдаги бошқа бир йўналиш баҳолашнинг тарбиявий вазифаларини ўрганиш билан қўйиладиган баҳонинг талабани ўз-ўзини баҳолашнинг шаклланишига талабаларнинг фанга қизиқишига ва

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

муносабатига таъсирини ўрганиш билан боғлиқ. Ўқитувчининг баҳосига талаба рози бўлганидагина у ижобий самара беришини тадқиқотчилар аллақачон аниқлашган. Шундай қилиб, талабаларнинг билимларини текшириш ва баҳолаш жуда кўп объектив ва субъектив омиларга боғлиқ бўлади.

Баҳолаш тизими ўқув мақсадларига мос бўлиши, шунингдек, баҳолаш шарт-шароитлари ва мақсадлари билан талабалар олдиндан танишган бўлишлари лозим. Талабаларга бир хил мураккабликдаги ва ҳажмдаги топшириқлар берилиши керак.

Бизнингча, билимларни текшириш ва баҳолашда қуйидаги асосий камчиликлар учраб туради;

-баҳолашнинг вазифаларини нотўғри тушуниш:

-таълим жараёнида баҳолашнинг ролини асоссиз кўтариб юбориш:

-текшириш ва баҳолашнинг дарёда асосий мақсадга айланиб қолиши:

-билимларни текшириш ва баҳолашда бир хил технологиялардан фойдаланиш:

-баҳоларни қўйишда субъективизмга йўл қўйиш ва аниқ, асосланган мезонларнинг мавжуд эмаслиги:

- талаба билимини текшириш ва баҳолашда бу жараённи назорат қилувчи, таълим-тарбия берувчи муҳим вазифани бажаришини унутмаслик керак.

Баҳолашда учрайдиган хатоларнинг олдини олиш учун қуйидагиларга риоя қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади:

▪ Баҳолашдан олдин таълим олувчилар билан талаблар ва баҳо мезонлари муҳокама қилиниши лозим.

▪ Баҳо мезонларга мувофиқ қўйилгач, таълим олувчиларга маълум қилинади.

▪ Ўқитувчи талабалар билан биргаликда олинган баҳоларнинг натижаларини ва йўл қўйилган хатоларни муҳокама қилишлари ҳамда сабабини аниқлашлари лозим.

Ўрганилаётган материални ўзлаштириш бўйича жорий назорат олиб борилса ўқитувчининг вазифаси устун бўлиши керак. Масалан, ўқитувчи баъзи талабаларни тизимли ишлашга ўргатишга интилади, баҳо билан рағбатлантириб, уларнинг рухий хусусиятларига (иродасини ривожлантириш, хотирани мустаҳкамлаш ва ҳ.к.) таъсир этишга ҳаракат қилади, меъеридан ортиқча ўзига бино қўйиш ҳолатларида баҳога қатъий ёндашиб иш қўрилади. Ушбу вазифаларга мувофиқ талабалар билимини текшириш ва баҳолашнинг аниқ усуллари танланади.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Талабаларда билим, кўникма ва малакаларни шаклланганлик даражасини аниқлашда уларнинг фақат умумтаълим, умумкасбий ва ихтисослик ўқув предметларидан ўзлаштирган билимлари, кўникма ва малакаларига талабаларнинг шахсий фазилатлари уйғунлигини таъминлаш лозим; талабаларнинг шахсий фазилатларни аниқлаш ва уларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш лозим; талабаларда ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришда назорат турларининг мазмун моҳиятини янада такомиллаштириш лозим.

Узлуксиз таълим тизимида юз бераётган янгиланишлар, ўқув-тарбия жараёнининг анъанавий ва ноанъанавий шакллари, мазмуни, воситалари, усуллари ва шарт-шароитларини амалга оширилиши талабаларнинг юқори даражадаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари учун хизмат қилади.

Талабаларнинг касбий тайёргарлик даражасини такомиллаштириш учун уларнинг фаолиятини мунтазам ўрганиш, назорат қилиш ва баҳолаш педагогик жараённинг энг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади.

Назорат французча “controle” сўзидан олинган бўлиб, “текшириш” деган маънони англатиб, у бошқариш субъекти томонидан амалга оширладиган бошқарув қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш ва амалга оширилишининг бориши устидан кузатув олиб бориш, шунингдек ташкилотнинг хизмат фаолиятини ҳақиқий ҳолатини текшириш чоратадбирлари мажмуидан иборат.

Педагогик назорат – бу ўқув жараёнининг сифат жиҳатидан ҳолати тўғрисида ахборот олиш усулидир. Таълим жараёни ва унинг натижаси устидан педагогнинг назорат олиб бориши таълим олувчиларнинг фаолиятига ҳамда, ўзининг фаолиятига ҳам йўналтирилган бўлади.

Кўпгина педагогик манбалар таҳлили ва олимларнинг тадқиқотларида назоратнинг қуйидаги икки томонлама аҳамиятлилиги таъкидланган: *биринчидан*, назорат ўқитувчининг ва таълим муассасасининг фаолиятини текширишнинг маъмурий тартиби бўлиб, унинг натижалари асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш учун хизмат қилса, *иккинчидан*, назорат ўқув материалининг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун хизмат қилади.

Баҳолаш-таълим-тарбия жараёнида таълим берувчи ёки таълим муассасаси томонидан таълим олувчининг ўқув фаолиятини, уларда мавжуд ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни шаклланганлик даражаси сифатини қабул қилинган талаблар, мезонлар асосида таҳлил қилиш ва ўлчашдан иборат.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Педагогик амалиётда талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг оғзаки, ёзма ва тест усулларидан фойдаланилади.

Назорат қилишда баҳолашнинг қандай усулидан фойдаланишдан қатъий назар уларга қўйиладиган умумий талаб, талабаларга аниқ саволлар билан муурожаат қилиш орқали уларни назоратга кўпроқ жалб этишдир.

Талабаларнинг ўзлаштириш даражасини кам вақт сарфлаб тезкор назорат қилиш ҳамда аниқлашда назоратнинг тест усули аҳамияти катта эканлигини ҳисобга олиб, назорат тестларининг тузилиши ва даражалари ҳақида фикр юритамиз.

Назорат тестлари мураккаблик даражасига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

Биринчи даражадаги тестлар – бунда ахборотни ўзлаштириш сифатини назорат қилиш учун фаолиятни бажарилишини билишни талаб қилувчи тестлардан фойдаланиш керак. Бундай тестларга оид топшириқлар, объектларни фарқлаш ёки таснифлашни кўзда тутди.

Фарқлашга оид тестлар талабадан хавола этилаётган ёки тавсифланаётган объектларга тегишли ёки тегишли эмаслигини кўрсатишни талаб қилади. Масалан: “Мазкур асбоб лаборатория машғулотларини ўтказиш учун зарур ҳисобланадими?” Бунда талабага асбобнинг моддий, моддийлаштирилган шакли кўрсатилади ёки унинг сўз билан (вербал) ифодаланган тавсифи берилади ва унинг натижасида “ҳа” ёки “йўқ” жавоби кутилади.

Биринчи даражали тест фаолият шартига кўра – бу белгилаб олишдир.

Белгилашга оид тестларда битта муҳим амал-“ҳа ёки йўқ”дан муқобилини танлаш талаб этилади. Биринчи даражали тестларнинг яна бир тури ҳам мавжудки, у фарқлашга оид тестлар, ёки уларни яна “танлаб олинувчи” тестлар деб ҳам аталиб, бу тестлар анча мураккабдир. Тестларнинг бу тури билиб белгилашга оид тестлардан шу билан фарқ қиладики, бунда амални бажариш жавобларнинг ёнма-ён турган вариантлари яратаётган “халақитлар” бир томондан тўғри ечимни танлашни қийинлаштиради. Масалан, “Металлар технологияси” ўқув предметдан қуйидагича саволни бериш мумкин:

1-кейс

Муסיқа мактаби тарбияланувчиси Дилдора 12 ёшда. Қизнинг ота-онаси кизи учун фортепиано сотиб олиб берган. Уйда фортепиано ижрочилиги билан кўшимча тарзда Дилдоранинг бувиси шуғулланар эди. Дилдора ижрочилик соҳасида ютуқларга эриша бошлади. Мактаб концертларида якка ижрочи сифатида иштирок эта бошлади.

Дилдора тарбияланадиган гуруҳда Мунира деган қиз ҳам тарбияланади. Лекин улар сира ҳам келиша олмайдилар. Мунира – чин етим қиз. Дилдоранинг эришаётган ютуқлар Муниранинг ғашига тегар, унинг баҳиллигини оширар эди. Кундан кунга Мунира Дилдорани ёмон кўриб кетар, ҳар кўрганида бирор баҳона топиб, мазах қилар эди. Эҳтимол шу сабаб бўлса керак, катталарнинг ёки тарбиячиларнинг йўқлигида улар шу даражада уришиб кетишадики, қизларни ажратиб олиш жуда ҳам қийин бўлади.

САВОЛ:

1. Мазкур можароли вазиятни қандай йўл ва усул билан ҳал қилиш мумкин?

2. Бу тариқа руҳий жароҳатли ҳолатларни вужудга келишининг олдини олиш мумкинми? Агар “ҳа” бўлса, қандай қилиб?

2-кейс

Бир неча йил аввал муסיқа мактабига бошқа муассасадан 10 яшар Юлдуз исмли қизни ўтказадилар. Жуда чиройли, ширингина, сочлари жингалак, дуторчи қизча. Аввалги ўқиган муסיқа мактаби ўқитувчиси меҳрибонлик билан гапирар, ҳар бир эришган ютуқларидан хурсанд бўлиб, рағбатлантирар эди. Янги муסיқа мактаби ўқитувчиси талабчан ва қаттиққўл бўлиб, берган топшириқлари юзасидан кўпроқ танбех берар эди. Юлдузнинг ота-онаси ўқитувчининг хатти-ҳаракатини тушунмай, ўқитувчини жаҳлдор деб ўйлаб, дарҳол уни муסיқа мактабидан чиқариб олдилар. Ярим йил давомида ижрочилик соҳасида анчагина ютуқларга эришди, ўқитувчисининг талабчанлиги натижасида ижро техникасини ўсганлиги сезилиб турар эди. Қизчанинг қаршилигига қарамай, ота-онаси муסיқа мактабига юбормай кўйди. Қизча ҳатто нима бўлганини ҳам тушуниб улгурмади. У жуда оғир аҳволда эди ва бошдан ўтказганларининг оқибати унинг ҳулқида узоқ вақт ўз таъсирини кўрсатди. У гўёки катталардан аламзада, бутун дунёга ишончсизлик нигоҳи билан боқарди. Ота-онасининг самимий меҳрли муносабати Юлдузда шубҳа уйғотар эди.

САВОЛ:

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

1. Ушбу вазиятда Юлдузнинг икки хил шароитдаги хулқи келтирилади. Юлдузнинг янги шароитга мослашиш давридаги хулқи хусусиятларининг келиб чиқиши ҳамда кейинчалик муסיқа мактабидан кетганидан хулқи сабабларини тушунтириб беринг.

2. Ушбу вазиятни олдини олиш, яъни Юлдузнинг янги шароитга, қаттиқ талабчанликка мослашиб кетиши ва умуман муסיқа мактабига қайтарилиши учун оилага қандай ёрдам ташкиллаштирилиш мумкин?

3-кейс

Рустамнинг отаси оталик ҳуқуқидан маҳрум этилган. Унинг онаси эса 3 йил олдин меҳнат миграцияси сабабли чет элга кетганича хали-хануз қайтиб келмаган. Рустам муסיқа мактабида рубоб чолғу ижрочилиги машғулотларига қатнайди. Охирги вақтларда муסיқа мактабидан қочиб кетадиган ва узок вақт дайдиб келадиган одат чиқарди. Хулқида ҳам салбий ўзгаришлар пайдо бўла бошлади. Унинг салбий хулқ-атвори гуруҳдаги болаларга ҳам таъсир кўрсата бошлади. Рустам аслида муסיқа мактабидан чиқиб, кўчада топган ўртоқлари билан клей хидлаб келади. Бу одатини гуруҳдаги ўртоқларига ҳам ўргата бошлади.

САВОЛ:

1. Сизнинг дастлабки ҳаракатларингиз...
2. Болани тарбиялашда қандай тарбия усулларидадан фойдаланасиз?

4-кейс

8 яшар Ирина ота-онасининг ихтиёрига кўра муסיқа мактабига фортепиано чолғу ижрочилигига қатнай бошлади. Иринанинг чолғу ижрочилигига қизиқиши йўқ, кўпроқ расм чизишга қизиқади. Лекин эшитиш қобилияти яхши, ритмни яхши хис қилади ва муסיқий хотираси ҳам яхши. Ота-онасига билдирмаган ҳолда, фортепиано машғулотларига кирмай кўйди.

САВОЛ:

1. Иринанинг фортепиано ижрочилигига қизиқтириш мақсадидаги сизнинг ҳаракат режангиз...
2. Қизнинг оиласи билан биргаликда касбга йўналтиришнинг қандай усуллари биласиз?

5-кейс

Азизани муסיқа мактабига 13 ёшдалигида олиб келишган. У шу ёшигача муסיқа билан шуғулланмаган. Муסיқа санъати билан касбий шуғулланмаганлиги натижасида техник ривожланишда орқада қолган.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Унинг ота-онаси Азизанинг дутор чолгусини ўзлаштиришини жуда хохлашгани сабабли, тезроқ бирор асарни ижро этиб беришини талаб қилишар эди. Азиза эса, хали ижро штрихлари ва гаммалардан нарига ўтмас эди. Азиза бўш қолди дегунча, бирор халқ куйини чалишга ҳаракат қилар, лекин бунинг уддасидан чиқмас эди. Ота-онаси Азизани муסיқа мактабига боришини тақиклаб қўйишди.

Лекин Азиза муסיқа мактабига яширинча борадиган бўлди. У муסיқа мактабидаги яширин ҳаёт билан яшай бошлайди. Ота-онаси билгандан кейин эса, катта жанжалга сабаб бўлди.

Савол:

1. Азизанинг хатти-харакатини қандай баҳолайсиз?
2. Мана шундай вазиятларда, муסיқа ўқитувчисининг вазифалари нимадан иборат. Сизнинг ҳаракат режангиз.

6-кейс

Пўлат муסיқа мактабига келганидан аввал одоб-ахлоқлиэди, кейинчалик катталарга тақлид сифатида сигарет чакар ва кўчаларда тўполончилик қилиқларини қилар эди. Тўйларга бориб анча-мунча маблағ топарди. Дайдиб юрганлиги сабабли уни ички ишлар ходимлари ота-онасига ва мактабига хат юбордилар. Лекин уйда ва мактабида қанчалик яхши муносабатда бўлишмасин, Пўлат кўпинча у ердан қочиб кетишга ҳаракат қиларди ва муסיқа мактабига кетдим деган ваз билан яна ўша эски ҳунарини давом эттирар эди. Ота-онаси муסיқа мактабига келиб, боланинг тўйларга боришида ўқитувчисини айблаш бошлади.

САВОЛ:

1. Бу вазиятга нисбатан сизнинг муносабатингиз.
2. Ота-онасига қандай муносабат билдириш ва бу ҳолатни олдини олиш мақсадида қандай ишлар олиб борилиши керак?

7-кейс

Одатда кўпинча муסיқа мактабининг битирувчилари касб-хунар коллежи ва лицейлар муסיқий фаолиятга мослашишларида кўпгина қийинчиликларга дуч келадилар. Бу: касбий муסיқанинг мураккаб тузилмаси; ижро услубларидаги мураккаблик; ўқув жараёни билан боғлиқ вазифаларни бажариш; устоз-ўқитувчи боғлиқ масалалар; оилавий муаммоларни ҳал этиш кабилар.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Коллеж ва лицейларда ўқиш мобайнида муסיқа мактабининг собиқ битирувчилари ўз муаммоларини ечишда ёрдам сўраб яна муסיқа мактабига келиб мурожаат этадилар. Шундай вақтлар ҳам бўладики, берилган асарларни ўзлаштиришда қийинчиликка учраган талаба яна муסיқа мактабидаги ўқитувчиси ёнига келади. Муסיқа ўқитувчиси одамгарчилик нуқтаи назаридан ўқувчисига ёрдам беради. Бунинг натижасида ўқувчида коллеж ёки лицей ўқитувчисига нисбатан салбий муносабат юзага келади.

САВОЛ:

1. Коллеж ёки лицей ўқитувчиси сифатида бу вазиятни қандай йўл билан ҳал қиласиз?
2. Сизда таҳсил олаётган болага нисбатан сизнинг муносабатингиз қандай бўлиши керак?
3. Битирувчи-ўқувчиларнинг коллеж ҳаётига мослашишларига ёрдам бериш тизимини такомиллаштириш мақсадидаги Сизнинг таклифларингиз?

8-кейс

Камер ансамбли ижрочилиги бўйича машғулотларда фортепиано ва скрипка чолғулари ўқувчилари учун репертуар танлашингиз керак. Ўқувчиларнинг шахсий муносабатлари яхши эмаслиги сабабли танлаган асарингиз ўқувчиларнинг бирига ёқса иккинчиси ушбу асарни рад этади (турли сабабларни кўрсатган ҳолда).

Савол:

1. Ўқувчилар томонидан муносабатларига кўра рад этиб бўлмайдиган асар танлаш мумкинми?
2. Сизнинг ўқувчилар муносабатларини ўзгартиришга йўналтирилган ҳаракат режангиз?

9-кейс

Тўйда 10 ёшли боланинг санъаткорлар учун пул териб хизмат қилаётганини кўрдингиз. Боланинг муסיқа ўқитувчиси сифатида сизнинг дастлабки ҳаракат режангиз.

10-кейс

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

10 яшар бола 6 ёшидан бери скрипка чолғу ижрочилиги бўйича “Муסיқа ва санъат мактаби”да ўқиб келмоқда. Боланинг ритмик координацияси бузилган. Сизнинг ҳаракат режангиз.

11-кейс

Муаммоли вазиятни муҳокама қилиш учун машқ

Йўриқнома:

1. Реал ҳаётий вазият акс этган 1.1.-матнни диққат билан ўқинг (5 дақиқа давомида).

2. Ақлий хужум усулидан фойдаланган ҳолда куйидаги саволларга жавоб беринг (5 дақиқа давомида):

- Мазкур вазиятда боланинг қандай эҳтиёжлари инобатга олинмаган?
- Бу воқеанинг бу тарзда кечишининг олди олиниши мумкинмиди?
- Мазкур вазиятнинг самарали тарзда олдини олиш учун кимларнинг (ёки қайси идора ва органларнинг) ёрдами жалб этилиши мумкин эди?
- Воқеанинг ривожланиши давомида мактаб-интернат ходимлари қандай маъқул чораларни кўришлари лозим эди?

1.1. Реал ҳаётий вазият. Бугунги кундаги ...-муסיқа мактаб-интернатининг 8-синф ўқувчиси Хасанов Фаррух 14 ёшда. У 11 ёшида онаси томонидан муассасага олиб келтирилган эди.

Воқеа куйидагича кечган: У ... тумани “...” фуқоролар уюшмаси худудида туғилган Хасанов Фаррух онаси Хасанова Фотима билан биргаликда яшаб келмоқда эди. Дадаси билан онаси Фаррух 7 ёшида ажралиб кетишган. Онаси Хасанова Фотима Фаррух 10 ёшга етганида янги оила – янги турмуш куради. Оилавий ҳаёт бошларида ҳаёт яхши кетаётгандек эди бироқ, кунлар ўтиши билан оиладаги етишмовчиликлар, икир-чикирлар жанжалларга олиб кела бошлади. Уйда бўлаётган келишмовчиликлар, ўғай отанинг онага нисбатан муносабати, Фаррухга қилаётган муомаласи унинг хулқига жиддий таъсир кўрсата борди. Фаррух дарсларга тайёрланмас, муסיқа мактабига бормаслик одатларини чиқара бошлади. Фаррух кўчадаги бекорчи болалар ҳаётига кўшила бошлади. Кўли эгриликка одат қилиб, ёмон йўлларга кира бошлади.

Ушбу сабаблар оилада жиддий жанжалларга олиб келиб парокандалик бошланди. Охир оқибат янги оилани сақлаш ниятида 11 яшар Фаррухнинг онаси Хасанова Фотима ўз фарзандини ... туманидаги ...-сонли кам таъминланган оила фарзандларига мўлжалланган мактаб-интернатга

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

хужжатлар тайёрлаб олиб келади. Фаррух мактаб-интернат хаётига аста-секин кўника борди. Она Фаррухни дастлабки кунларида ҳар ҳафта келиб хабар олиб кетган бўлса, кейинчалик умуман ўз фарзандидан хабар олмай кўяди. Ҳафта сўнгида барча ўқувчилар ўз уйларига кетсада, Фаррух мактаб-интернатда қолар, уйга онаси олиб кетмас, хатто таътил пайтлари ҳам яқинлари эътиборсиз муассасада қолиб кетар эди. Ушбу воқеалардан таъсирланган мактаб-интернат директори Фаррухга оилавий шароит билан таништириш, оилавий меҳр кўрсатиш учун ўз уйига олиб кетди. Бироқ Фаррух ушбу оилада эски қилиқларини эсга олиб, қўли эгрилик хунарини бошлади. Бир неча бор буюм, пул ўғирлашга тушди. Бир ойга ҳам бормаган мазкур оилавий муҳит билан танишиш жараёни уй эгаларида Фаррух ҳақида салбий фикр ва муносабатнинг пайдо бўлиши натижасида уни яна муассасага қайтариш ниятини вужудга келтирди. Демак, Фаррух яна мактаб-интернат хаётига қайтарилди.

Мактаб-интернат Фаррухга ҳар тамонлама ёрдам беришга ҳаракат қилар эди. Қишки, ёзги кийим-бош, ўқув қуроллари билан бепул таъминланди. Фаррухнинг хаётига мазмун киритиш мақсадида мактаб-интернат жойлашган “...” маҳалласи фуқороси Рахмонова Қ. болага васийлик қилиш мақсадида ўз оиласига фарзандлари даврасига кўшди. 3-4 ой ушбу оиладаги хаёт уйдаги буюмларни йўқолиши, соат ўғирланиши билан якунланди. Фаррух яна, яъни иккинчи бор мактаб-интернат хаётига қайтарилди. Ҳар қандай муомала билан ҳам муассаса ходимлари Фаррухни қўли эгрилик одатидан қайтара олмадилар. Онасини бир неча бор мактаб-интернатга чақирилиши натижасида она ўз фарзандидан воз кечиши қарори билан якунланди. У ўз фарзандидан воз кечиши ҳақидаги тилхатни ёзиб, осонгина гўёки у учун қийин бўлиб туюлган вазиятдан қутулди.

Фаррухнинг хаётига бефарқ бўлмаган яна бир Урушбоевлар оиласига васийлик тайинланиб, боланинг тарбияси билан шуғулланиш мақсадида ўз оиласига олиб кетади. Фаррух бу оилада 1 йил яшаб уй ишларига кўмаклаша бошлади, бироқ дарсларни яхши тайёрламас, дарсларни кўп қолдирар эди.

Ёши улғайиб қолган Фаррух энди кўча хаёти уни қизиқтирар, кўпроқ вақти кўчада ўтар эди.

Фаррухга меҳр кўрсатиш ниятидаги Уришбоевлар уни қаттиқ койимас, кўнглини оғритмас эди. Ушбу хаёт Фаррухни дангаса, кўпол, кўча боласига айлантира бошлади.

Ўз оиласидан ташқари, жами 3 та оилага мослаша олмаган Фаррух бугунги кунда яна мактаб-интернат шароитида яшаб, таълим-тарбия олиб келмоқда.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

1.2. Фаррухнинг хулқи ўзгаришига таъсир этган эҳтимолий омиллар.

Педагог-тарбиячи Фаррухга у билан гаплашиб кўришни таклиф этди Фаррух ҳам бунга рози бўлди. Фаррух мактаб-интернатдаги ишларини, уйдаги ишлари кечишининг яхши эмаслигини тасдиқлайди. Педагог-тарбиячи уйдаги ахвол қандайлигини сўрайди. Фаррух қуйидагича жавоб беради: “Яхши шекилли”. Педагог-тарбиячи Фаррухнинг товушида аллақандай ғамгинликни сезади. Мутахассис нима учун у ўғирликка ружў кўйганлиги ҳақида ўйлай бошлайди. У Фаррухнинг мактабдаги хулқини ва ўғирлик билан боғлиқ воқеанинг сабабини ойдинлаштиради. Педагог-тарбиячи Фаррух ўз уйдаги вазиятдан, яъни отаси уларни ташлаб кетганидан ташвишда эканлигини, ўқитувчи унга ўз меъёрида таълим бера олмаслигини аниқлайди. У дарс мобайнида диққатини меъёрида жамлай олмайди. Бунинг устига бошқаларга ҳам халақит беради. Шунингдек педагог-тарбиячи жабр кўрган кишиларнинг ўз нарсаларини ўғирлатишига йўл кўйиб бермаслигини ҳам билади. Фаррух катталарнинг илиқ муносабати, яхши меҳрли муомаласига мухтождир. Фаррухнинг бугунги кундаги хулқи, одатлари шаклланишига кўп нарса таъсир этган.

Биринчидан, ўз биологик отасининг ташлаб кетиши. Бу ҳолат ҳар қандай фарзандда “КЕРАК ЭМАСЛИК” туйғусини, бефарқлик, кадр-қимматсизлик каби хисларни уйғотади.

Иккинчидан, онанинг болага бераётган эътиборини тўсатдан бошқа бир ва бола учун бегона бўлган объект, яъни эркакка тақсимлаши. Албатта, мазкур оилавий вазиятда она янги турмуш ўртоғининг талабларига жавоб бериш ҳамда маиший-хўжалик ишлари билан шуғулланиш баробарида, эҳтимол болага етарли эътибор ва алоҳида вақт ажрата олмагандир. У билан тарбиявий таъсирли муомала ўрната олмагандир. Айнан муомала, муносабат, илиқ меҳрга тўймаганлик ва эътибор остидан қолиш каби камчиликлар болада қаҳри қаттиқлик, гапга тушунмаслик, “безбетлилик”, гап қайтариш, ўз вақтини керак бўлмаган ишлар билан ўтказиш каби одатларнинг шаклланишига олиб келган бўлиши мумкин.

Учинчидан, онанинг буткул болани эсдан чиқариши. Биринчи ва иккинчи санаб ўтган сабабларимиздан қаттиқ ранжиган ва ўзида ўз оиласига нисбатан хиссизликни шакллантириб бораётган Фаррух учун мазкур айрилик унинг ҳақиқатда ҳам ҳеч кимга КЕРАК ЭМАСлик фикрини мустаҳкамланишига олиб келган бўлиши мумкин.

Тўртинчидан. Ҳар қандан инсон яқин кишига нисбатан эҳтиёжни хис қилади. Ўз яқинларисиз қолган Фаррух эндиликда бошқа тенгдош болаларидан ажралиб қолиш ҳолатига тушган бўлиши мумкин. Чунки гуруҳдош тенгдош ўртоқлари ҳар ҳафта ўз оиласига, ўз уйига ошиқадилар.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Доимо ўз яқинлари ҳақида яхши сўзларни айтиб, бўлган воқеаларни хавас билан хотирлайдилар. Бу эса болада ички ўқиниш, бошқалардан камлик деган хиснинг пайдо бўлиши ҳамда бошқаларга ўхшамаслик деган фикрнинг шаклланишига туртки бўлган бўлса, ажаб эмас.

Бешинчидан, болада спортга нисбатан қизиқиши каби бошқа яширин қобилият ёки мойилликлари ўз вақтида аниқланиб, ривожлантириш учун махсус педагогик шароит яратилмаган бўлиши мумкин. Натижада болада ўзгалар нигоҳида ва ўзи ҳақидаги фикрларида фақат ЁМОН деган сўз ва муносабатлар айланиб юраверган. Боладаги кучсиз томонлар гўёки у эга бўлган ягона хусусиятдек талқин этилган. Аслида эса агарда боланинг кучли томонлари муҳокама марказига олиб чиқилиб, кучли хусусиятлари эътиборга олиниб, шу воситасида унинг қадр-қиммати кўтарилиб, унга нисбатан ишонч билдирилиб, юқори баҳо ва илиқ меҳрли муносабатлар билан унинг **БОШҚАЧА ЭКАНЛИГИ, БАРЧАГА КЕРАКЛИГИ, ЖУДА ЯХШИ БОЛАЛИГИ, ҲАЁТДА НИМАЛАРГАДИР ЭРИША ОЛИШИ МУМКИНЛИГИ, БОШҚАЛАРГА ҲАМ МЕҲР БЕРА ОЛИШИ МУМКИНЛИГИ** таъкидланганда эди, эҳтимол коррекцион-ривожлантирувчи таъсир кўрсатиш имкони бўлган бўлар эди.

Лекин Фаррухга нисбатан муносабат қурилаётганда юқоридагилар инобатга олинмаган эди.

Унда керакли эҳтиёжлар қондирилмаган. Масалан, агар эҳтиёжлар назариясига эътибор берадиган бўлсак, у ҳолда қуйидаги эҳтиёжларнинг қондирилмаганлигининг гувоҳи бўламиз.

1. Физиологик эҳтиёжлар – озиқ овқат, кийим-кечакка нисбатан эҳтиёж ва бошқа зарур моддий ашёлар.

2. Хавфсизликка эҳтиёж – ўз қадр қимматига эга бўлиш, кимгадир кераклилик, кимнингдир ҳимоясида бўлиш хисси.

3. Мансублиликка эга бўлиш эҳтиёжи – маълум бир инсоннинг яқини сифатида ўзини хис қилиши, ота-онадан айрилиқ туфайли, ўз мансублигини хис қилмаслик ҳолати, меҳрли ва эътиборли муносабатнинг мақжуд эмаслиги, ўз реал “Мен”ининг шакллантирилмаганлиги.

4. Ижтимоий, маънавий-ахлоқий эҳтиёжлар – доимий яқин дўстларга эга бўлиш, ягона муқим яшаш жойига эга бўлиш, ота ва онанинг бола кўнгли ва ички дунёсига нисбатан ҳурмати, боланинг такрорланмас ва ўзига хос хусусиятга эгалиги, унинг ички ақлий ва хиссий имкониятларни юзага чиқаришга нисбатан таълим-тарбиявий таъсир; болада маънавият ва ахлоқий ҳаёт тарзи, дўстона муносабат, яқинларни ва умуман инсонларни қадрлаш каби тушунчаларни шакллантириш, хунар эгаллаш, ахлоқий дунёқарашга эга

бўлиш ва умуман бола эга бўлган барча кучли томонларнинг қўллаб-қувватланиши ва ҳ.з.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модуль бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модуль бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мустақи таълим мавзулари

1. Муסיқа санъати фанини ўқитишда инновацион педагогик технологияларидан фойдаланиш.
2. Илғор хорижий тажрибалар асосида ўқув-услубий мажмуаларни яратиш.
3. Модул асосида дарсларни ташкил этиш услубиёти.
4. Деклан Берннинг "blended learning" (аралаш таълим) тизими.
5. "Устоз-шогирд" таълимининг ўқитиш шакли ва мазмуни.
6. Муסיқа санъати фанини ўқитишда инновацион педагогик технологияларидан фойдаланиш.
7. Талабаларнинг мутахассисликка оид ўзлаштирганлик даражасини жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиш ва баҳолаш.
8. Таълим олувчиларнинг ўқув дастурий материални ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш методлари ва баҳолаш мезонлари.

VII. ГЛОССАРИЙ

ГЛОССАРИЙ

| Термин | Ўзбек тилидаги шарҳи | Инглиз тилидаги шарҳи |
|------------------------------|--|--|
| Модулли технологиялар | энг замонавий технология бўлиб, модуль блокларидан ташкил топган ахборотни тизимли равишда қайта ишлаш ва таҳлил қилишга, талабанинг мустақил фаолиятига асосланган яхлит жараён. | Module technologies – the most contemporary technology, module consists of blocks it's process of student's self education which is based on analysis systematically process of information. |
| Модуль | мазмуний ва мантиқий яқунга эга бўлган, дидактик жиҳатдан ишлаб чиқилган, натижага қаратилган, кириш ва чиқиш назоратларидан иборат бўлган бирликдир. | Module – has content and logical ending, produced by didactic way, interested in result, entry and exit test units. |
| Модуль дастур | бир фан доирасидаги модуль блокларининг йиғиндиси бўлиб, эришиш лозим бўлган дидактик мақсад, қўлланиладиган усуллар ва воситалар йиғиндиси дир. | Module curriculum-it in total collection of blocks of a particular area of a subject, and means and ways which are used to gain for didactic purpose. |
| Ўқув модули | нисбатан мустақил, мантиқий яқунга эга бўлган ўқув курсининг бўлагидир. У ўқув-услубий таъминотдан назарий ва амалий қисмлардан, топшириқ ва жорий ҳамда якуний назорат каби қисмлардан иборат | Curriculum module-comparatively independent, a part of a course which has logical ending. It comprises theoretical practical parts of curriculum, which have tasks, current and final |

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

| | | |
|---------------------|--|--|
| | | tests. |
| Тьютер | (лот. <i>tutorem</i> – маслаҳатчи) фаолияти талабаларга ўқув жараёнига мослашиш, вужудга келувчи айрим саволларга жавоб топишга ёрдамлашишга қаратилган. | Tutor-(latin-tutorem-counsellor) activity is to facilitate solutions of some problems and adaptation of students to teaching process. |
| Эдвайзер | (advisor - қадимги француз сўзи “avisen”, “ўйламоқ” сўзидан олинган) яқка ҳолда диплом иши, курс ишини ишлаб чиқиш, илмий тадқиқот олиб бориш, яқка дастурларни ишлаб чиқиш жараёнида маслаҳатчидир. | Advisor (ancient French word “avisen ” which taken from the word,to think)-who of reseach or diploma and course activities |
| Фасилита тор | (ингл. facilitator, лот. <i>facilis</i> — “енгил, қулай” деган маънони билдиради) фасилитаторгуруҳлар да фаолиятни ташкил этишда кўмаклашади. | Facilitator-(inglish. Facilitator, latin <i>facilis</i> gives the meaning “light, convenient”) facilitator assists to form group activities. |
| Модератор | (лот. <i>moderor</i> — меъёрлаш тираман, текшираман) қабул қилинган қоидаларга амал қилишни текширади, талабаларнинг қобилиятларни очилишига, билиш фаолиятини активлаштиришга ёрдам беради. | Moderator-(Lat.moderor-normalization, check)checks activation of learning activity and forming of students abilities and abide accepted rules. |
| Супервизор | қуйидаги тўрт вазифани бажаради: ўқитувчи сифатида ўргатади, фасилитаторлик, маслаҳатчи, эксперт вазифани бажаради. | Supervisor-does 4tasks, teaches as a teacher facilitator,advisor and expert. |
| Супервизия | ўзаро муносабатлар тизими бўлиб, супервизор томонидан | Supervision-gives advice to other specialists |

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

| | | |
|---------------------------------|--|--|
| | касбий фаолиятга оид бошқа мутахассисга маслаҳатлар беришни кўзда тутди. | on their professional, activities and interrelation system. |
| Кредит (зачет бирлиги) | ўлчов бирлиги бўлиб, талабанинг аудиторияда ва мустақил ўқув фаолиятини, баҳолайди (ўқув юкламасини). | Kredit (standard units) it is a unit of dimension which is assisted independent curriculum activity of a student in the room. |
| Рейтинг баҳолаш тизими | жорий, модулли ва семестр назоратида талабанинг бажарган ўқув фаолиятини ва эгаллаган билимлари ва шаклланган кўникма, малалкаларини баллар кўринишида баҳолаш тизими. | Assessment system-it is point of system as the score the skills and knowledge of students which formed during the academic activity in current, module and semester. |
| Рейтинг (рейтинг баҳоси) | талаба эришган даражасини сифатини баҳоловчи балл тизими. | GPA-score of system which learner's obtained quality level the quality of level of knowledge assessment system. |
| Креативлик | термини англия-америка психологиясида 60-йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилияти, хислатини билдиради. | Creativess-appeared in the 60s America psychology and termin England to create new conception and form new abilities and qualities (characteristics) |
| Креатив таълим | бу таълим олувчининг ижодий қобилиятини ривожлантиришга, такомиллаштиришга йўналтирилган таълим бўлиб, у таълим олувчидаги яратувчанлик, | Creative learning-this education is directed (trend) to perfection of development creative abilities of a learner and services to rise the abilities |

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

| | | |
|------------------------|--|--|
| | бунёдкорлик қобилиятларини ўстиришга хизмат қилади. | of creative ness and to produce something new or a work of art. |
| Муаммоли таълим | илмий билишни ривожлантиришга асосланган таълим шакли бўлиб, муаммоли вақтнинг яъни, жамият ривожланиши жараёнида билиш ва билмаслик ўртасида объектив равишда вужудга келадиган вазият. | Problematic learning-it is based on to develop scientific learning,problematic time,it is a sitivation which appear between knowledge and ignorant in the process of development society. |
| Transferancy | бу ECTS (European Credit Transfer System) тизимида хоҳлаган шахс ёки ташкилотнинг тўсиқсизкиришига шарт - шароит яратиш. | Transferancy-ECTS(European Credit, Transfer System)-creation entry facilities for any person or organization to this system without any challenges. |
| Синтез | элементлардан, бўлимлардан янгиликка эга бўлган яхлитликни яратиш кўникмасини англатади. | Syntheses-expresses totally creation skill which combined elements and units. |
| Технология | юнонча “tehne”, яъни “маҳорат”, “санъат” ва “logos” – “фан”, деган сўзлардан олинган. Унинг ёрдамида манбаларда сифат ўзгаришлар рўй беради. Технология - бирор ишда, маҳоратда, жараёнда, санъатда қўлланиладиган йўллар, услублар тўпламидир (талқинли луғат). | Technology-greek word which derived from “tehne e i”, “competence”, ”art” and “logos”-“science” with the help it quality changes of seources will happen.Technology-collection of using ways and methods in the competence, process and art. |

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

| | | |
|--------------------------|---|--|
| Масофали таълим | масофада туриб ўқув ахборотларини алмашиш воситаларига асосланувчи махсус ахборот таълим муҳити ёрдамида таълим хизматлари тўпламидан иборат. | Distance learning it is collection of education services with the help of exchanging academic information based on special information environment from a distance |
| Blended learning | (аралаш ўқитиш) | Blended learning (interference teaching) |
| Вебинар | маъруза, семинар ёки конференция Интернет орқали бир вақтда ҳозир бўлган талабалар билан аудио видео билан жонли олиб борилади. | Vebinarreport seminar or conference.It is conducted with lively audio visual through the internet. |
| Эвристик методлар | эвристик методи ўқитувчилардан ижодий хусусият касб этувчи юқори даражадаги билиш фаолиятини ташкил эта олиш кўникма ва малакаларига эга бўлишни тақозо этади. Бунинг натижасида ўқувчилар мустақил равишда янги билимларни ўзлаштира оладилар. | Evrisik methods- it requires to organize high level oof knowledge skills from students.As a result of it learners will obtain new knowledge independently. |

Педагогик технология - барча бошқарилувчи ташкилий қисмлар ва уларнинг боғлиқлигини таҳлил қилиш, танлаш, лойиҳалаш ва назорат қилиш йули билан педагогик самарадорликни юқори даражага кўтариш ҳамда бу борада тизимли ёндашувни жорий этишни ифодалайди.

Ахборотли технология - ПТ нинг таркибий қисми, техник воситаларнинг мукаммаллашган замо-навий тўғри сифатида таълим жараёнида қулланила бошлади. Келажакда иктисодий муаммолар хал этилиб ўқув юртларида дастурли “машина” билан етарли даражада таъминланади.

«**Технология** – ишлов бериш, ҳолатни ўзгартириш санъати, маҳорати, малакаси ва методлар йиғиндиси».

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технологияси - бирор назария ва мақсад асосида ишлаб чиқилади. Педагогик тизимнинг амалда бўлиши, унинг мосланувчанлиги ҳамда талабанинг шахсий хусусиятлари, уларнинг технологик ва индивидуал меъёрлари билан боғланган. Бунда ушбу технологияларнинг мослашувчанлиги, уларнинг вариативлиги, талаба хатти-харакатларининг босқичлилиги муҳим аҳамият касб этади.

Лойиҳалаш - методологик функцияни бажаради. У талабанинг психик ривожланиш қонуниятлари, ўқув жараёнининг ривожланиш хусусиятлари ва педагогик бошқарув усулларининг тадқиқот воситаси сифатида майдонга чиқади.

Ўқитиш технологиясини белгилаш – бу касбий фаолият соҳасидаги таълимий ва такомиллашиш самарасини таъминловчи ўқув жараёнини меъёрий бошқариб туришдир.

Илмий аспект - ўқитишнинг мақсади, мазмуни ва методлари илмий асосланади, педагогик жараён лойиҳалаштирилади.

Тавсифий аспект - режалаштирилган ўқитиш натижаларига эришишнинг мақсади, мазмуни, методлари ва воситаларининг иштироки асосида алгоритм жараёни ишлаб чиқилади.

Амалий аспект - педагогик технология жараёни амалга оширилади.

Таълим амалиётига нисбатан педагогик технологиянинг уч сатҳи белгиланади: *умумпедагогик, хусусий методик, локал (модул)*.

Умумпедагогик технология - яхлит таълим жараёни ифода қилади.

Хусусий методик технология - бир фан доирасидаги ўқув -тарбия жараёнини амалга ошириш методлари ва воситаларидан иборат бўлади.

Локал (модул) технология - ўқув тарбия жараёнининг махсус бўлимларига технологияни татбиқ қилишни ифода қилади. Бу технология хусусий дидактик ва тарбиявий вазифаларни ҳал қилишга қаратилади.

Таълим жараёни мазмуни - таълим жараёнининг умумий ва аниқ мақсадлари, ўқув материали мазмунидан иборат бўлади.

Технологик жараён - ўқув жараёнини ташкил этиш, ўқитувчи фаолияти, талаба фаолияти, ўқув жараёнини бошқариш усуллари, ўқув жараёни диагностикасини қамраб олади.

Қайта тиклаш - педагогик технологиялар мезонларидан биридир. Унда педагогик технологияларни бошқа ўқув юртларида қўллаш имконияти тушунилади.

Инновация - (инглизча innovation) - янгилик киритиш, янгиликдир. А.И. Пригожин **инновация** деганда *муайян ижтимоий бирликка - ташкилот, аҳоли, жамият, гуруҳга янги, нисбатан турғун унсурларни киритиб борувчи мақсадга мувофиқ ўзгаришларни тушунади. Бу инноватор фаолиятидир.*

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Инновационлик - педагогик жараёни ифодалаб, нафақат унинг дидактик қурилмасига, балки ўқитувчининг ижтимоий моҳиятли натижалари ва руҳий қиёфасига ҳам тааллуқлидир.

Хусусий янгилик - В.А. Слостениннинг аниқлашича, жорий замонавийлаштиришда муайян тизим маҳсулоти унсурларидан бирини янгилашни кўзда тутди.

Маҳаллий янгилик конкрет объектда янгиликнинг фойдаланиши билан белгиланади.

Субъектив янгилик - маълум объект учун объектнинг ўзи янги бўлиши билан белгиланади.

Рефлексия - ўқитувчининг ўз онги ва фаолиятини белгилаш ва таҳлил қила олиш деб қаралади (ўз фикри ва ҳаракатларига ташқаридан назар. В.А.Слостенин).

Мулоқотнинг янги вазияти - бу ўқитувчининг ўз мустақиллик мавқеини, дунёга, педагогик фан, ўзига бўлган янги муносабатни ярата олиш қобилиятидир.

Янгилик - педагогик янгилик меъёри сифатида ўзида тақлиф қилинадиган янгини, янгилик даражаси моҳиятини акс эттиради. Педагог олимлар янгиликнинг қўлланиш машҳурлиги даражаси ва соҳасига кўра фарқланадиган мутлақ, чегараланган мутлақ, шартли, субъектив даражаларини фарқлайдилар.

Мақбуллик меъёри - ўқитувчи ва талабанинг натижага эришиш учун сарфланган куч ва воситаларини билдиради.

Натижалилик - ўқитувчи фаолиятидаги муайян муҳим ижобий натижаларни билдиради.

Педагогик янгилик - ўз моҳиятига кўра оммавий тажрибалар мулки бўлиб қолиши лозим. Педагогика янгиликни дастлаб айрим ўқитувчиларнинг фаолиятига олиб кирилади. Кейинги босқичда - синалгандан ва объектив баҳо олгандан сўнг педагогик янгилик оммавий татбиқ этишга тавсия этилади..

Истиқболли тайёргарлик - ўрганилиши яқинлашиб келаётган қийин мавзуларни йўл-йўлакай ўтишнинг бошланишидир.

Умумлаштириш - бу муайян билимлар асосидаги мавзуни умумлаштиришдир.

Ахборотлаштириш - ҳозирги замон жамиятида фан ва техникани ривожлантиришнинг муҳим воситаси сифатида информатиканинг етакчи ўринга чиқиши.

Бир вариантлик - маълум ифода билан боғлиқ ўзгарувчиларни маълум тарзда ўзгартиришда ифодани ўзгаришсиз қолдирувчи концепция.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Глобаллашув - умуминсоний принциплар асосида жаҳон мамлакатларининг яқинлашиши тенденциясига берилган фалсафий-социологик таъриф.

Жамият ривожланишида маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги – И.Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида илмий жиҳатдан асослаб берилган янгича ғоя бўлиб, у жамият ривожланиши қонунларини холисона ўрганишга асосланади. Ижтимоий тараққиётда маънавий ҳаёт билан моддий ҳаётни бир-бири билан узвий алоқадор бўлган икки жиҳати эканлиги илмий асосланган қараш ва ёндошувдир.

И.Каримов асарларида жамият ривожланишининг янги концепциясининг асосланиши – жамият ривожланиши тўғрисида янгича назарий, илмий концепциялар ва ғоялар мажмуидан иборат бўлган қарашлар тизими бўлиб, у И.Каримовнинг 20 жилдлик асарлар тўпламида ва бошқа асарларида ўзининг ифодасини топган. У жамият ривожланишига формацион, синфий-партиявий принциплардан мутлақо воз кечилганлиги билан илмий амалий аҳамитга эга. Жамият ривожланишида маънавий-моддий ҳаёт уйғунлиги, инсон омили, цивилизациялар хилма-хиллигига асосланган ҳолда жамият ривожланишининг илмий асослари асослаб берилган.

Интеграция - қандайдир қисмларни бир бутунга бирлаштириш, ниманингдир таркибига кириш (иктисодий интеграция, илмий интеграция).

Интеллект - шахснинг янги билим ва кўникмаларни тез ва осон

Интерфаол- инглизча сўз бўлиб, “ўзаро таъсир” маъносини билдиради. Бирор фаолият ёки муаммони ўзаро мулоқатда, ўзаро баҳс-мунозара усулида, фикрлашишида ҳамжиҳатлик билан ҳал этиш маъносини англатади.

Интерфаол машғулот — ўқитувчи ва ўқувчилар ўзаро фаол иштирок этадиган машғулот; жараён ҳамкорликда кечади.

Каузаллик - сабабият, бири (сабаб) бошқасини (оқибатни) белгиловчи ходисаларнинг ирсий алоқасини ифодаловчи фалсафий тушунча.

Концептуализация - тўпланган эмпирик билимларга уларнинг назарий уюшқоқлигини таъминловчи онтологик тасаввурларни киритиш; ўрганилаётган объектларнинг табиати ҳақидаги тушунчаларнинг алоқалари схемаси.

Метод- юнонча сўз бўлиб, йўл, усул, ҳаракат усули маъносини билдиради.

Методология (фанда) - илмий тадқиқотда фойдаланиладиган методлар мажмуи; олимнинг назарий ва амалий фаолиятини ташкил этиш ва тузиш усуллари ҳақидаги таълимот.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Назария (илмий) - воқеликнинг у ёки бу соҳасидаги қонуниятлар ҳақида яхлит тасаввур берувчи илмий билимни ташкил этиш шакли.

Парадигма - илмий вазифаларни ҳал қилишда намуна сифатида олинган назарий, методологик ва аксиологик кўрсатмалар тизими.

Тарбия – аниқ мақсад асосида шахсда ижобий хислатларни шакллантиришга қаратилган фаолият.

Тарбия воситалари – тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқа турли вазифаларни бажариш учун белгиланган моддий, маънавий, маданий объект ва предметлар йиғиндисидир.

Тарбия методлари – тарбияланувчини ҳаётини, фаолиятини, муомала ва муносабатини ташкил этиш, ҳулқи ва фаолиятини тартибга солиш учун педагогик мақсадга мувофиқ ижтимоий шартланган усуллардир.

Тарбия принциплари – тарбия жараёнининг мазмуни, методлари ва воситаларига қўйиладиган талаблар.

Тарбия усуллари – тарбия методининг бир қисми бўлиб, алоҳида таъсир, муайян ўзгартиришни ўз ичига олади.

Тарбия шакллари – тарбиячи ва тарбияланувчининг биргаликда, белгиланган тартибда амалга оширадиган фаолиятининг ташқи кўринишидир.

Таълим – инсоннинг маълум бир тизим асосида олган билим, кўникма, малакаси ва эгалланган маънавий фазилатлари йиғиндисидир.

Таълим ва тарбиянинг узвий алоқадорлиги – таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмаслиги тўғрисидаги қарашлар ва ғоялар тизимидир. Унга кўра таълим-тарбия жамият ривожланиши ва тараққиётини таъминловчи муҳим омилдир ҳамда таълим ва тарбиянинг узлуксизлиги принципига асосланади. Миллий-маданий мерос таълим-тарбиянинг муҳим негизидир. Айни пайтда таълим-тарбия инсоният эришган илм-фан, техника ва технологиялар соҳасидаги ютуқларни ҳам ҳисобга олади ва уни ижтимоий ҳаёт соҳаларига тадбиқ этиш билан характерланади.

Инновация - (инглизча innovation) - янгилик киритиш, янгиликдир. А.И. Пригожин **инновация** деганда *муайян ижтимоий бирликка - ташкилот, аҳоли, жамият, гуруҳга янги, нисбатан турғун унсурларни киритиб борувчи мақсадга мувофиқ ўзгаришларни тушунади. Бу инноватор фаолиятидир.*

Инновационлик - педагогик жараёни ифодалаб, нафақат унинг дидактик қурилмасига, балки ўқитувчининг ижтимоий моҳиятли натижалари ва руҳий қиёфасига ҳам тааллуқлидир.

Хусусий янгилик - В.А. Сластениннинг аниқлашича, жорий замонавийлаштиришда муайян тизим маҳсулоти унсурларидан бирини янгилашни кўзда тутди.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

Маҳаллий янгилик конкрет объектда янгиликнинг фойдаланиши билан белгиланади.

Субъектив янгилик - маълум объект учун объектнинг ўзи янги бўлиши билан белгиланади.

Креативлик термини - англия-америка психологиясида 60-йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилияти, хислатини билдиради.

Рефлексия - ўқитувчининг ўз онги ва фаолиятини белгилаш ва таҳлил қила олиш деб қаралади (ўз фикри ва ҳаракатларига ташқаридан назар. В.А.Сластенин).

Мулоқотнинг янги вазияти - бу ўқитувчининг ўз мустақиллик мавқеини, дунёга, педагогик фан, ўзига бўлган янги муносабатни ярата олиш қобилиятидир.

Янгилик - педагогик янгилик меъёри сифатида ўзида таклиф қилинадиган янгини, янгилик даражаси моҳиятини акс эттиради. Педагог олимлар янгиликнинг қўлланиш машҳурлиги даражаси ва соҳасига кўра фарқланадиган мутлақ, чегараланган мутлақ, шартли, субъектив даражаларини фарқлайдилар.

Мақбуллик меъёри - ўқитувчи ва талабанинг натижага эришиш учун сарфланган куч ва воситаларини билдиради.

Натижалилик - ўқитувчи фаолиятидаги муайян муҳим ижобий натижаларни билдиради.

Педагогик янгилик - ўз моҳиятига кўра оммавий тажрибалар мулки бўлиб қолиши лозим. Педагогика янгиликни дастлаб айрим ўқитувчиларнинг фаолиятига олиб кирилади. Кейинги босқичда - синалгандан ва объектив баҳо олгандан сўнг педагогик янгилик оммавий татбиқ этишга тавсия этилади.

Истиқболли тайёргарлик - ўрганилиши яқинлашиб келаётган қийин мавзуларни йўл-йўлакай ўтишнинг бошланишидир.

Умумлаштириш - бу муайян билимлар асосидаги мавзуни умумлаштиришдир.

Бир вариантлик - маълум ифода билан боғлиқ ўзгарувчиларни маълум тарзда ўзгартиришда ифодани ўзгаришсиз қолдирувчи концепция.

Глобаллашув - умуминсоний принциплар асосида жаҳон мамлакатларининг яқинлашиши тенденциясига берилган фалсафий-социологик таъриф.

Жамият ривожланишида маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги – И.Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асаида илмий жиҳатдан асослаб берилган янгича ғоя бўлиб, у жамият ривожланиши қонунларини

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

хोलисона ўрганишга асосланади. Ижтимоий тараққиётда маънавий ҳаёт билан моддий ҳаётни бир-бири билан узвий алоқадор бўлган икки жиҳати эканлиги илмий асосланган қараш ва ёндошувдир.

Концептуализация - тўпланган эмпирик билимларга уларнинг назарий уюшқоқлигини таъминловчи онтологик тасаввурларни киритиш; ўрганилаётган объектларнинг табиати ҳақидаги тушунчаларнинг алоқалари схемаси.

Таълим ва тарбиянинг узвий алоқадорлиги – таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмаслиги тўғрисидаги қарашлар ва ғоялар тизимидир. Унга кўра таълим-тарбия жамият ривожланиши ва тараққиётини таъминловчи муҳим омилдир ҳамда таълим ва тарбиянинг узлуксизлиги принципига асосланади. Миллий-маданий мерос таълим-тарбиянинг муҳим негизидир. Айни пайтда таълим-тарбия инсоният эришган илм-фан, техника ва технологиялар соҳасидаги ютуқларни ҳам ҳисобга олади ва уни ижтимоий ҳаёт соҳаларига тадбиқ этиш билан характерланади.

Фан - билиш фаолиятининг янги, объектив билимлар ишлаб чиқишга йўналтирилган алоҳида тури, воқелик ҳақидаги билимларнинг уюшган тизими.

Шахс ривожланиши - инсоннинг бутун умри давомида ақлий ва жисмоний ўзгариши жараёнидир.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси






Тингловчиларни модул юзасидан Б.Блум таксономияси бўйича ўқув мақсадига эришилганлик даражаларини назорат қилиш ва амалий кўникмаларини баҳолашда фойдаланиладиган ностандарт тест топшириқлари

1.Расмда берилган “педагог-талаба(лар)” муносабатининг ташкил этилишини таъминловчи таълимий характердаги технология номини аниқланг?

| | |
|--|-------------------------------|
|  | Таълим технологиялари турлари |
| | Компьютерли таълим |
| | Эркин таълим |
| | Ҳамкорлик таълими |
| | Анъанавий таълим |
| | Дастурлаштирилган таълим |
| | Табақалаштирилган таълим |
| Тўғри жавоб: | |

2.График органайзерлар турларини аниқланг ва жадвалга ҳар бир расмга мос рақамларни ёзинг.

1) Кластер; 2) Бенн-диаграммаси; 3) балиқ скелети; 4) БББ жадвали; 5) инсерт жадвали; 6) арра.

| | | | | |
|---|---|---|--|---|
|  |  |  |  |  |
|---|---|---|--|---|

Жавоблар:

| | | | | | |
|--|--|--|--|--|--|
| | | | | | |
|--|--|--|--|--|--|

3.Таърифда тушуриб қолдирилган сўзларни ёзинг.

Педагогик технологиябу - муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, -
----- хамда ушбу мақсаднинг
натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг
мазмунидир.

4.Таърифда тушуриб қолдирилган сўзларни ёзинг.

Ўқитиш технологиясибу -ўқув машғулотининг ҳар бир босқичини -----
-----, кутиладиган натижаларни олдиндан
аниқлаштириш, ҳар босқичда қўлланиладиган шакл, метод ва воситаларини
оқилона танлаб олиш, профессор-ўқитувчи ва талабанинг вазифаларини
ойдинлаштиришга қаратилган алгоритмик кетма-кетлик.

5.Б.Блум таксаномияси кетма – кетлигини ифодалаган ҳолда тегишли рақамларни катакларга ёзинг.

1) тушуниш; 2)таҳлил; 3)баҳолаш; 4)билиш; 5)қўллаш; 6)синтез.



6. Келтирилган таърифни атамаси билан жуфтланг.

| № | Хусусиятлари | № | Б.Блум таксономияси категориялари |
|---|---|---|-----------------------------------|
| 1 | Эгаллаган билимлардан амалда фойдаланиш | A | Билиш |
| 2 | Фактларни, тушунчаларни, категорияларни ва таърифни айтиб бериш | B | Тушуниш |
| 3 | Ўз сўзлари билан мазмунни ёритиш, изоҳлаш, тавсифлаш | C | Баҳолаш |
| 4 | Объектни элементларга ажратган ҳолда чуқур | D | Синтез |

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

| | | | | | | | |
|---------------|---|-----|-----|-----|-----|----------|--------|
| | Ўрганиш, классификациялаш | | | | | | |
| 5 | Умумлаштириш, хулоса қилиш | | | | | E | Таҳлил |
| 6 | Объектга нисбатан муносабат билдириш ва заруратни аниқлаш | | | | | F | Қўллаш |
| Жавоби | 1 - | 2 - | 3 - | 4 - | 5 - | 6 - | |

7. Анъанавий ва модулли таълим тизимини таққосланг, ўзига хос ва ўхшаш жиҳатларни аниқланг ва жадвалнинг “жавоб” қисмига ёзинг.

A – анъанавий таълим, B - модулли таълим, C – ўхшаш жиҳатлари.

| | | | |
|---------------------------------|-------------------|------------|------------|
| 1. Бир хиллик | 6. Такрорланиш | | |
| 2. Ўрта меъёрий ёндашув | 7. Тизимлилик | | |
| 3. Самарали натижани кафолатлаш | 8. Бошқарувчанлик | | |
| 4. Аниқ илмий лойиҳа | 9. Концептуаллик | | |
| 5. Ягона ёндашув | | | |
| Жавоб: | A – | B – | C – |

8. Модулли ўқитишга оид тушунчаларни уларнинг таърифи билан жуфтланг.

| № | Таъриф | № | Атама |
|----------|---|----------|------------------------------|
| 1 | Мазмуний ва мантикий якунга эга бўлган, дидактик жиҳатдан ишлаб чиқилган, натижага қаратилган, кириш ва чиқиш назоратларидан иборат бўлган бирликдир. | A | Модулли технологиялар |
| 2 | Бир фан доирасидаги модуль блоklarининг йиғиндиси бўлиб, эришиш лозим бўлган дидактик мақсад, қўлланиладиган усуллар ва воситалар йиғиндисидир. | B | Модуль |
| 3 | Энг замонавий технология бўлиб, модуль блоklarидан ташкил топган ахборотни тизимли равишда қайта ишлаш ва таҳлил қилишга, талабанинг мустақил фаолиятига асосланган яхлит жараён. | C | Ўқув модули |
| 4 | Нисбатан мустақил, мантикий якунга эга бўлган ўқув курсининг бўлагидир. У ўқув-методик таъминотдан, назарий ва амалий қисмлардан, топшириқ ва жорий ҳамда якуний назорат каби қисмлардан иборат | D | Модуль дастур |

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

| | | | | |
|----------------|-----|-----|-----|-----|
| Жавоби: | 1 – | 2 – | 3 – | 4 - |
|----------------|-----|-----|-----|-----|

9.Замонавий ўқув режаси бўйича, ECTS бир кредитнинг тахминий қиймати талабанинг неча соат меҳнат сарфига тенгдир.

1. 12 соат
2. 34,4 соат
3. 36 соат
4. 54 соат **жавоб:**

1. Танқидий фикрлашни ривожлантириш босқичларига тааллуқлисини танланг.

| № | Элементи | Мослиги |
|---|---------------------------------|--|
| 1 | Blended learning | -талаба эришган даражасини сифатини баҳоловчи балл тизими. |
| 2 | Рейтинг (рейтинг баҳоси) | -ўлчов бирлиги бўлиб, талабанинг аудиторияда ва мустақил ўқув фаолиятини, баҳолайди (ўқув юкламасини). |
| 3 | Кредит (зачет бирлиги) | -аралаш ўқитиш |

Жавоблар

| | | |
|----|----|-----|
| 1- | 2- | 3 - |
|----|----|-----|

2. “Модулли таълим” тушунчаси биринчи бор қачон ва ким томонидан киритилган?

| | Олимлар | Йиллар | |
|---------|---------------|--------|------|
| | Б.М.Гольдшмид | 1971 | |
| | Дж.Рассел | 1972 | |
| | Г.Оуэнс | 1975 | |
| Жавоби: | 1 – | 2 - | 33 – |

12. Б.Блум таксаномияси кетма-кетлигини рақамланг.

| <i>Тушуниш</i> | <i>Таҳлил</i> | <i>Баҳолаш</i> | <i>Билиш</i> | <i>Қўллаш</i> | <i>Синтез</i> |
|----------------|---------------|----------------|--------------|---------------|---------------|
| | | | | | |

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

13. График органайзерларга тегишли бўлмаган методни белгиланг.

1. Нима учун?
2. Қандай?
3. Венн диаграммаси
4. Бумеранг
5. Зинама-зина
6. Концептуал жадвал
7. Инсерт

Жавоб:

14. ECTSнинг асосий тамойилларини таърифига мосини келтиринг.

| № | Тамойиллар | | Таърифлар |
|---|--------------------------------------|---|--|
| 1 | <i>Transferancy</i> | A | Host университетида (қабул қиладиган университет) муваффақиятли ўтилган барча фанлар Post – университетда (талабани бошқа ОТМга жўнатган университет) ҳисобга олиниши зарур. |
| 2 | <i>Agreement</i> | B | -бу шахснинг турли таълим хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириши ва таълим жараёнида инсон қобиятининг очилишини англатади. ECTS таълимни давом эттириш учун олий таълим муассасасини, ўқув фанларини ва ўқитувчиларни танлиш имкониятини беради. |
| 3 | <i>Credits</i> | C | -бу ҳар бир талабанинг индивидуал режа ва таълим дастурларига эга эканлигини ифода этади. Талаба танлови асосидаги фанлар 70%ни, мажбурий фанлар эса 30% дан ошмайди. Талабанинг мустақил иш ҳажми 70%ни, аудиториядаги иши эса 30%ни ташкил этади. Ушбу кўрсаткичлар индивидуал таълимни ташкил қилишга асос бўлиб хизмат қилади. |
| 4 | <i>Таълимнинг инсонпарвар лашуви</i> | D | -гуруҳда индивидуал ўқитишли аудитория машғулотлари ва талабанинг мустақил ишларини уйғунлаштириш орқали таъминланади. Аудитория ўқув вақтининг 70% гача қисмини индивидуал ўқитишга, шунингдек умумий ўқув |

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

| | | | |
|---|---------------------------------------|---|---|
| | | | вақтининг 70%гача қисмини мустақил ишга ажратилиши ўқув фанларининг талабалар томонидан ўз қобилиятлари даражасида ўзлаштиришга имкон яратади. |
| 5 | <i>Таълимнинг индивидуаллаштируви</i> | Е | - -бу ECTS тизимига хоҳлаган шахс ёки ташкилотнинг тўсиксиз киришига шарт-шароит яратиш. Ушбу шарт-шароит кучли ахборот тарғиботи воситасида яратилади, унинг натижасида умумий янгилик, аниқлик ва очиқлик муҳити шакллантирилади. |
| 6 | <i>Таълимнинг самарадорлиги</i> | Ғ | -талаба билан иккала олий таълим муассасасининг ECTS координаторлари орасида тайёрлаш мазмуни, ўқув тартиби ва муддатлари, аттестация тадбирлари, ўқув режаларидаги фарыни бартараф этиш тартиблари ҳақида ўзаро келишувларини англади. |

Жавоблар:

| | | | | | |
|----------|----------|----------|----------|----------|----------|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | | | | | |

15.Қуйида берилган методлардан график органайзерлар сирасига кирувчи методларни жавоблар жадвалига “ҳа” ёки “йўқ” сўзлари орқали ифодаланг.

- A) “Балиқ склети” B) “Чархпалак” C) “Эркин ёзиш” D) “Нима учун?”
G) “Қандай?” E) “Б-Б-Б чизмаси” F) “Нилуфар гули”

| | | | | | | | |
|------------------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|
| Жавоблар: | A | B | C | D | G | E | F |
| | | | | | | | |

16. “Синквейн” методини тузиш қоидалари кетма-кетлигини бажариш тартибини мос ҳолда танланг.

| | | | |
|----------|----------------|---|---|
| № | қоидаси | | хусусияти |
| 1 | 1 - қоида | A | ушбу мавзу бўйича хатти-ҳаракатлар уч сўз билан тавсиф этилади. |
| 2 | 2 - қоида | B | темага алоқадорликни кўрсатувчи тўрт сўздан иборат гап (ибора) ёзилади. |

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

| | | | |
|---|-----------|---|--|
| 3 | 3 - қоида | С | мавзу моҳиятини такрорловчи бир сўздан иборат синоним ёзилади. |
| 4 | 4 - қоида | D | бир сўз билан мавзу ёзилади (одатда от туркумидаги оид сўз билан). |
| 5 | 5 - қоида | E | мавзу икки сўз билан тавсиф қилинади (сифат туркумига оид икки сўз билан). |

Жавоблар

| | | | | |
|----------|----------|----------|----------|----------|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| | | | | |

17. “SWOT – таҳлил” методини тузиш қоидалари кетма-кетлигини бажариш тартибини мос ҳолда танланг.

| № | Тушунчалар | № | Хусусиятлари | |
|---------|--------------------------|-----|------------------|----|
| 1 | S – (strength) | A | Тўсиқлар | |
| 2 | W – (weakness) | B | Имкониятлари | |
| 3 | O – (opportunitu) | C | Кучсиз томонлари | |
| 4 | T – (tnreat) | D | Кучли томонлари | |
| Жавоби: | 1 – | 2 - | 3– | 4- |

18. “ФСМУ” методини тузиш қоидалари кетма-кетлигини бажариш тартибини мос ҳолда танланг.

| № | Тушунчалар | № | хусусиятлари |
|---|------------|---|---|
| 1 | Ф | A | фикрингизни <u>умумлаштиринг</u> |
| 2 | С | B | <u>фикрингизни</u> баён этинг |
| 3 | М | C | фикрингизнинг баёнига <u>сабаб</u> кўрсатинг |
| 4 | У | D | кўрсатилган сабабингизни исботлаб <u>мисол</u> (далил) келтиринг |

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

| | | | | |
|--------|-----|-----|-----|-----|
| Жавоби | 1 – | 2 - | 3 – | 4 - |
| : | | | | |

19. Келтирилган таърифни атамаси билан жуфтланг..

| № | Таъриф | Атама | | |
|-----------------|---|---------------------|-----|------|
| 1 | Гуруҳлардаги фаолият натижасини самарали баҳолаш, муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтириш, гуруҳдаги коммуникацияни ривожлантириш каби вазифаларни бажаради. | МОДЕРАТОР | | |
| 2 | Французча сўздан олинган бўлиб талабаларнинг индивидуал ҳолда битирув малакавий иши, курс лойиҳаларини бажаришда маслаҳатчи ролини бажаради. | ТЪЮТОР | | |
| 3 | Қабул қилинган қоидаларга амал қилишни текширади, талабаларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларини ривожлантириш, билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради. | ЭДВАЙЗЕР | | |
| 4 | <i>Лотинча сўздан олинган бўлиб</i> устоз, мураббий вазифасини бажаради. Баъзи ҳолларда маъруза ўқитувчиси билан талаба орасидаги боғловчи ролини ҳам бажаради. Бунда маърузачи томонидан берилган билимларни кенг эгаллашда маслаҳатчи ва устоз ролини бажаради. | ФАСИЛИ-ТАТОР | | |
| Жаво би: | 1 – | 2 – | 3 - | 44 – |

20. Кейс қандай тузилишга эга?

1. Кириш
2. Ўқув –услубий материал
3. Кейс объектининг тарихий баёни
4. Вазият
5. Муҳокама учун саволлар ва кейсга саволлар
6. Ташкилий-услубий таъминот

Жавоб:

21. Тўғри жавобни аниқланг. Жавоблар жадвалига “ха” ёки “йўқ” сўзлари орқали ифодаланг.

1. Кейс бу - реал ҳаётнинг бир парчасидир.
2. Кейс бу - вазиятлар комплекси.
3. Кейс бу - вазиятни тушуниш ва баҳолашга имкон берадиган ягона ахборот комплекси.
4. Кейс бу - назарий билимларни амалда қўллаш.
5. Кейс бу – амалий вазиятларни таҳлил этиш ва ҳал қилиш.

Жавоблар

| 1. | 2. | 3. | 4. | 5. |
|----|----|----|----|----|
| | | | | |

22. Кейс-стадининг педагог фаолиятида қўлланилиши босқичлари белгиланг.

- 1) тайёргарлик босқичи;
- 2) кейс билан индивидуал танишиш босқичи;
- 3) асосий (кейс-стади методини амалда қўллаш) босқичи;
- 4) таҳлилий, баҳоловчи босқич
- 5) муҳокама учун саволлар босқичи.

Жавоб:

23. Муаммоли таълимга келтирилган таърифда тушириб қолдирилган сўзларнинг мосини топинг.

муаммоли, ижодий изланишга, изланишга, асослаш.

Билимларни ----- баён қилишнинг маълум босқичларида талабаларни ----- ундаш, кичик илмий тадқиқотларни олиб бориш.

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

24.Қуйида келтирилган методлар қандай методларга тегишли.

Тадқиқот методи, эвристик метод, муаммоли вазиятларни яратиш методи, муаммоли баён қилиш методи, ижодий метод, қисман ижодий метод.

- 1.Муаммоли таълим методлари;
- 2.Ривожлантирувчи таълим методлари;
3. Табақалаштирилган таълим методлари.

Жавоб:

25.Хитой файласуфи Конфуцийнинг қуйидаги фикрини тўлдилинг.

эслаб, айтсанг, англаб, унутаман

*Айтсанг -----, кўрсатсанг ----- қоламан, ўзим
бажарсам----- етаман.*

Ассесмент вариантлари

“Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси” модули бўйича тингловчиларга мўлжалланган

“Ассесмент” техникаси, жорий назорат топшириқлари

Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 баллгача баҳоланиши мумкин.

1-вариант

| | |
|---|--|
| <p>ТЕСТ Педагогик технологиядан кўзланган мақсад ... дан иборат</p> <p>А. Юқори сифат ва самарадорликка эришиш</p> <p>В. Таълимни табақалаштириш</p> <p>С. Ўқитувчининг вазифаларини энгиллаштириш</p> <p>Д. Таълимни индивидуаллаштириш</p> | <p>МУАММОЛИ ТОПШИРИҚ</p> <p>Сиз дарс бераётган мутахассислик фанидан Кейс стади методидан қандай мавзуларда фойдаланган бўлардингиз ва нима учун?</p> |
| <p>СИМПТОМ Модуль – бу ...</p> | <p>АМАЛИЙ КЎНИКМА Модулни ўзлаштириш давомида қандай график органайзерлар сирасига кирувчи методларни ўргандингиз. Мутахасислигингиз мисолида намуна келтиринг.</p> |

2-вариант

| | |
|---|---|
| <p>ТЕСТ Иновация бу.. А. Янги ғоя В. Янгилик киритиш С. Таълимни ташкил этишнинг замонавий шакли Д. Такмиллаштириш</p> | <p>МУАММОЛИТОПШИРИҚ Ихтисослик фанларини ўқитишда кейс методининг қайси туридан фойдаланиш энг самарали деб ўйлайсиз ва нима учун, изоҳланг?</p> |
| <p>СИМПТОМ Модул дастур бу -</p> | <p>АМАЛИЙ КЎНИКМА Ўзингизга таниш бўлган ва бевосита амалиётда қўллаб кўрган Актив; Пассив; Интерактив ўқитиш методларидан мисол келтиринг</p> |

3-вариант

| | |
|---|---|
| <p>ТЕСТ Интерфаол таълимга асос солган, ўқув мақсадлар таксономиясини тадқиқ қилган муаллифни топинг А. Ушинский В. Лев Вигоцкий С. Джон Дюи Д. Бенжамин Блум</p> | <p>МУАММОЛИ ТОПШИРИҚ Касбий тайёргарликни шакллантиришда анъанавий таълимнинг ўрнини қандай баҳолайсиз. Мутахассислик фанларингизни ўқитишда қандай таълим туридан фойдаланиш афзал деб биласиз?</p> |
| <p>СИМПТОМ Модул технологияси – бу ...</p> | <p>АМАЛИЙ КЎНИКМА График органайзерлар сирасига кирувчи методларга мисол келтиринг? Битта методикани моҳиятини ўз мутахассислигингиз мисолида тушунтиринг?</p> |

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

4-вариант

| | |
|--|--|
| <p>ТЕСТ Мустақил ишларни индивидуал-дидактик мақсадларни амалга ошириш нуктаи назаридан нечта гуруҳга ажратиш мумкин? А. 3 та В. 4 та С. 5 та Д. 6 та</p> | <p>МУАММОЛИ ТОПШИРИҚ Касбий тайёргарликни шакллантиришда ноанъанавий таълимнинг ўрнини қандай баҳолайсиз.</p> |
| <p>СИМПТОМ Кичик гуруҳларда ишлаш – бу ...</p> | <p>АМАЛИЙ КЎНИКМА Ўз мутахассислигингиз мисолида ностандарт тест тузинг?</p> |

5-вариант

| | |
|---|--|
| <p>ТЕСТ Европа кейслари ҳажми А. Кам ҳажмли В. Кўп ҳажмли С. Ўнлаб саҳифали матн Д. Кўплаб чизмалардан иборат</p> | <p>МУАММОЛИ ТОПШИРИҚ Мутахассислик фанини ўқитишда модул таълим технологиясидан фойдаланишнинг ижобий томонлари аниқланг?</p> |
| <p>СИМПТОМ Кредит тизими бу ...</p> | <p>АМАЛИЙ КЎНИКМА Ихтисослик фанларини ўқитишда ихтиёрий мавзуда топшириқли кейс тузинг?</p> |

Муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси

6-вариант

| | |
|---|---|
| <p>ТЕСТ Таълим жараёнида қайси тест туридан фойдаланилади? А. Педагогик В. Психологик С. Социологик Д. Илмий</p> | <p>МУАММОЛИ ТОПШИРИҚ Мутахассислик фанини ўқитишда модуль таълим технологиясидан фойдаланишнинг қандай тўсиқлари мавжуд, мисоллар орқали изоҳланг?</p> |
| <p>СИМПТОМ Кейс бу -</p> | <p>АМАЛИЙ КЎНИКМА Мустақил ишларнинг гуруҳларини айтинг ва ўз амалиётингизда фойдаланиш ҳолатини изоҳланг?</p> |

7-вариант

| | |
|---|---|
| <p>ТЕСТ Кейс-стадининг илк марта қўлланиш соҳаси бу... А. Бизнес соҳасида В. Мухандислик соҳасида С. Ҳуқуқ соҳасида Д. Қишлоқ хўжалик соҳасида</p> | <p>МУАММОЛИ ТОПШИРИҚ Мустақил ишларни амалга оширишда гуруҳ кўпи билан неча кишидан ошмагани маъқул ва нима учун? Мутахассислик фанларингизни ўқитишда мустақил таълимни ташкил қилишда қандай ёндашув туридан фойдаланиш афзал деб биласиз?</p> |
| <p>СИМПТОМ Эдвайзер бу -</p> | <p>АМАЛИЙ КЎНИКМА Саволли кейс ва топшириқли кейсни фарқини изоҳлаб беринг?</p> |

8-вариант

| | |
|--|--|
| <p>ТЕСТ Ассесмент –бу А.Интервью, суҳбат, ўрганиш В.Ингл. Сўз бўлиб, “баҳо”, “баҳолаш” маъносини билдиради С.Сўровнома ўтказиш Д.Интервью олиш</p> | <p>МУАММОЛИ ТОПШИРИҚ Хориж тажрибасида аудиториядан ташқаридаги мустақил ишлар кўпроқ қайси услублардан фойдаланган ҳолда ўтказилади ва нима учун?</p> |
| <p>СИМПТОМ Таксономия бу...</p> | <p>АМАЛИЙ КЎНИКМА Модул технологиялардан ихтисослик фанларини ўқитишда фойдаланиш қандай аҳамияти эга фикрингизни баён этинг?</p> |

9-вариант

| | |
|--|---|
| <p>ТЕСТ Кейснинг қуйидаги турлари мавжуд бу А.Ўтмишдан ҳозирга келиш тартибидаги Кейс В.Табиий шароитдаги, кабинетли, илмий-тадқиқотчилик С.Сюжетли Кейс Д. Сюжетсиз Кейс</p> | <p>МУАММОЛИ ТОПШИРИҚ Ихтисослик фанларини ўқитишда кейсларнинг асосан қайси туридан фойдаланилган маъқул, нима учун изоҳланг?</p> |
| <p>СИМПТОМ ECTS кредитлари- бу</p> | <p>АМАЛИЙ КЎНИКМА График органайзерлар сирасига кирувчи методларга мисол келтиринг? Битта методикани моҳиятини ўз мутахассислигингиз мисолида тушунтиринг?</p> |

10-вариант

| | |
|--|---|
| <p>ТЕСТ Европа-кредит тизими қачон қабул қилинди? А. 1988 йил В. 1989 йил С. 1990 йил Д. 1999 йил</p> | <p>МУАММОЛИТОПШИРИҚ Машғулотингизга келган талабалардан бири “Мен сизнинг фанингизни мустақил ўзлаштиришим мумкин, бунга менинг имкониятим етарли” – деди. Сизнинг жавобингиз.</p> |
| <p>СИМПТОМ Гомоген тестларга хос хусусиятларни топинг...</p> | <p>АМАЛИЙ КЎНИКМА Сиз ўз педагогик амалиётингизда аудиториядан ташқаридаги мустақил ишларни кўпроқ қайси услублардан фойдаланган ҳолда ташкил этасиз?</p> |

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

8. И.А.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. –Т.: 2008. -176 б.

9. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: “Ўзбекистон”. 2011. -440 б.

10. И.А.Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.

11. И.А.Каримов. Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди. Т. “Ўзбекистон”, 2016. – 28 б.

12. И.А.Каримов. Ҳаёт синовларида тобланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак маррани эгаллашга қодир. Т. “Ўзбекистон”, 2016. – 28 б.

IV. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 4732-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар

3. James L.McHard. “The Future of modern Music”. Sad Edition. Англия, 2005.

4. Finola Kerrigan, Peter Fraser, Mustafa Ozbiling. Arts marketing. – Paperback. Germany, 2004.

5. Liz Hill, Catherine O’Sullivan and Terry O’Sullivan. “Creative Arts Marketing”. 2004. Composition by Genesis Typesetting, Rochester, Kent Printed and bound in Great Britain.

6. М.Ш.Қайимов, А.С.Умаров, У.Ф.Зуннунова. Санъат менежменти. Ўқув қўлланма. Тошкент 2012

IV. Электрон таълим ресурслари

1. www.ziyonet.uz
2. www.edu.uz
3. www.infocom.uz
4. www.gov.uz
5. www.dsmi.uz
6. www.dsmimarkaz.uz
7. www.natlib.uz